2025 ЙИЛ
22 МАРТ,
ШАНБА

# Mahalla

№22-24
(2248)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

# КУЧИМИЗ — БИРЛИК ВА АҲИЛЛИКДА, ҚУДРАТИМИЗ — ВАТАНГА МЕҲР ВА САДОҚАТДА

**Тошкент шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғида 21 март куни Наврўз умумхалқ байрами тантанаси бўлиб ўтди.**





Адирларда, бахмал қирларда ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Жонажон ватанимизга Наврўзи олам кириб келди. Бу байрамни Янги кун, ҳаётимизнинг янги саҳифаси сифатида муносиб эъзозлаймиз.

Ушбу умумхалқ байрами бутун мамлакатимиз бўйлаб "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида халқ сайли тарзида юқори савияда нишонланмоқда. Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойи ҳамда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да нишонланаётгани азалий қадриятларимизни яна кўнглимиз кўзгусига солди, уларга қайта жон бахш этди гўё.

Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олди. Давлатимиз раҳбари барчани Наврўз байрами билан табриклади.

— Бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табаррук фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида руҳ, ўзгача файз ва қувонч бағишламоқда. Қалбларимиз шодликка тўлган шундай барокатли кунларда юртимиз мўмин-мусулмонларини, бутун ислом умматини Рамазони шариф билан яна бир бор қутлаб, жамики пок ниятларимиз ижобат бўлишини тилаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам табриклаб, самимий тилакларини изҳор этди.

Наврўз 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс маънавий аҳамияти билан ҳамиша алоҳида эътибор топган буюк байрам экани таъкидланди. Бу айёмнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Наврўзда мужассам бўлган бунёдкорлик руҳи Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ва эзгу ғояларига ҳамоҳангдир. Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида қатъий қадамлар қўйилмоқда.

Юртимизда кўплаб замонавий саноат мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз обод бўлиб бормоқда.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида диёримизда янги экологик муҳит яратилмоқда. "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" давлат дастури доирасида бу жараён янада кенг кўлам касб этмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам фахрийлар, қадрли ёшлар!

Мунис опа-сингиллар, ҳурматли меҳмонлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қадимий ва ҳамиша навқирон байрам — Наврўзи олам билан чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги мунаввар кунни элу юртимиз билан тинч ва хотиржам кутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табаррук фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида руҳ, ўзгача файз ва қувонч бағишламоқда.

Қалбларимиз шодликка тўлган шундай барокатли кунларда юртимиз мўмин-мусулмонларини, бутун ислом умматини Рамазони шариф билан яна бир бор қутлаб, жамики пок ниятларимиз ижобат бўлишини тилаймиз.

Хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, самимий тилакларимизни изҳор этамиз.

Шундай шукуҳли ва улуғ кунлар барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс маънавий аҳамияти билан ҳамиша алоҳида эътибор топган буюк байрамдир.

Ушбу бебаҳо айём ҳақида битилган илмий-тарихий ва бадиий асарлар шу қадар кўпки, улар ҳақли равишда миллий меросимизнинг ўлмас дурдоналарига айланган.

Халқимиз асрлар давомида оғир ва машаққатли, синовли пайтларда ҳам бу байрамни олижаноб табиати ва қадриятлари билан асраб-авайлаб келгани чинакам мўъжизадир.

Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далолат беради. Айниқса, инсоннинг табиат ва борлиқ билан уйғунлиги, яратувчанлик иштиёқи, ғайрат ва шижоати, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва саховат каби олижаноб фазилатлари Наврўз тимсолида янада ёрқин намоён бўлади.

Наврўз кунларида бободеҳқонларимиз ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз қут-баракасини ўйлаб, она заминга ўз меҳрини беради, мўл ҳосил олиш ниятида қаттиқ бел боғлайди.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг **"Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар"** деган сўзларида чуқур ҳаётий маъно мужассам.

Кўнглимизда меҳнат ва ижод, уйғониш ва яшариш завқи тобора кучайиб бораётган мана шундай баҳорий лаҳзаларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз, боғбон ва чорвадорларимизга алоҳида эҳтиром изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, юксак бунёдкорлик руҳи Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ҳамда эзгу ғояларига ҳамоҳангдир.

Давоми 2-саҳифада.

ОБОДЛИК

## Уйнинг, кўчанинг, маҳалланинг ободлиги қалбнинг ободлигидир



**Табиат ҳикматга тўла. Ундаги ҳар бир ўзгариш жамият ривожига, одамлар ҳаётига бевосита таъсир ўтказади. Мартнинг илк саналарида ёққан қор, ёмғирдан кейин ҳарорат кўтарилиб, тупроқ тобга келиши билан қишлоқларда баҳор юмушлари бошланиб кетди.**

Одамлардаги бу ҳаракат мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган катта ўзгаришларга монандлиги, муштараклиги билан ҳар бир кишининг дилида яхшиликка, келажакка орзу-умидларни уйғотади.

Баҳор — яшариш ва янгиланиш фасли. Уйғоқлик, ободлик, бунёдкорлик фурсатидир. Баҳор келиши билан ёши катталаримиз қўлларини дуога очиб, мусаффолик ва илиқликка, Наврўз ва сумалакка етказганига шукрона келтиришади.

Давоми 2-саҳифада.

МУНОСАБАТ

## "Ҳаётимиздаги ўзгаришларни рақамларда ифодалаб бўлмайди"

**Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги маҳаллаларга ташриф буюриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди, сумалак сайлида қатнашди.**




Давоми 2-саҳифада.



Президент Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманидаги “HIGH TOWN CITY” мажмуасидаги замонавий савдо марказини бориб кўрди.




Президент қарорига кўра, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқланди.



Янги қонунга кўра, Малайзия билан жиноий ишлар бўйича ЎЗАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК қилинади.



# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида қатъий қадамлар қўймоқдамиз.

Юртимизда кўплаб замонавий саноат мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилмоқда. Бизнес, IT ва туризм соҳалари жадал ривожланмоқда. Минглаб янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тобора гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида диёримизда янги экологик муҳит яратилмоқда. Ҳар йили миллионлаб кўчатлар экиш, яшил боғлар барпо этиш, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш каби юксак экологик маданий қадриятлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастури доирасидаги улкан ишларимиз бу жараёнларни янада юқори босқичга олиб чиқишига аминман.

Маълумки, халқимиз қадимда Наврўзни “йил боши” деб атаган. Биз ҳам аждодларимиз каби шу ажойиб кунда яхши ниятлар қиламиз: Шарқона Янги йилимиз қутлуғ келсин, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин!

Бунёдкор қурувчиларимиз, азиз ва мўътабар устоз-мураббийларимиз, фидойи шифокорларимиз, иқтисодиётимиз таянчи бўлган ғайратли тадбиркорларимиз, юртимиз посбонлари ҳамиша соғ-омон бўлсин!

Олдимизга қўйган баланд марралар ва улуғ режалар тўлиқ рўёбга чиқсин!

Муҳтарам юртдошлар!

Наврўз — ёшлик ва шижоат айёмидир. Ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг илғор ва қудратли кучига айланиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз.

Азму шижоатли, истеъдодли фарзандларимизнинг дадил ва мардона ҳаракатлари бутун дунёда катта акс-садо бераётгани бизни бениҳоя қувонтиради.

Бугун мамлакатимиздаги юқори технологик корхоналарни бошқараётганлар — асосан билимли ва малакали ёшларимиздир.

Тадбиркорлик ривожига янги куч ва шиддат бераётган ҳам ақл-идрокли, серғайрат ва ишбилармон ўғил-қизларимиздир.

Сарҳадларимизда доимо сергак турган аскар ва офицерлар ҳам мард ва жасур ўғлонларимиздир.

Илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида Ватанимизни дунёга тараннум этаётганлар ҳам ёшлардир.

Хусусан, юртимизни жаҳонга машҳур қилишда ёш спортчиларимизнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Халқимизга ҳар томонлама муносиб бўлган бундай навқирон авлодимизга шон-шарафлар бўлсин!

Азиз фарзандларим, сизлар Ватанимиз осмонида ёрқин юлдузлар бўлиб порлайдиган вақт келди. Бу улуғ мақсад йўлида мана шу Наврўз фаслида таваллуд топган Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Зулфияхоним, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов каби мутафаккир зотлар сизлар учун чинакам ибрат намунасидир.

Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг!

Қаерда бўлманг, қайси соҳада ишламанг, миллий қадриятларимизга, ўзлигимизга, Ватанимизга муносиб ва содиқ бўлинг!

Ҳеч қачон унутмангки, ортингизда салкам 38 миллионлик буюк халқ, Президент турибди.

Сизларга доимо омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг бетакрор сеҳру жозибаси, энг аввало, тўққиз ярим мингга яқин маҳалламизда ўтказилаётган халқ сайилларида, байрам тантаналарида ўз ифодасини топади.

Кўп минг йиллик анъаналар ва замонавий қадриятларимизни ўзида мужассам этган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, турли муаммо ва масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этаётганимиз ислоҳотларимиз халқчиллиги ва натижадорлигини кескин оширмоқда.

Зеро, ёшлар тарбияси, осойишталикни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий ҳимоя ва хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, экология ва ободлик каби бири-биридан муҳим вазифалар “маҳалла еттилиги” тизими орқали самарали ечим топмоқда.

Маълумки, бу йил юртимизда маҳалла раислари сайловлари бўлиб ўтади. Халқимиз ушбу масъулиятли жараёнда фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз учун овоз беради, деб ишонаман.

Маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, 22 март куни мамлакатимизда кенг нишонланадиган **Маҳалла тизими ходимлари куни** билан барча юртдошларимизни, маҳалла фаолларини самимий табриклаб, уларнинг шарафли фаолиятида улкан ютуқлар тилайман.

Қадрли ватандошлар!

Наврўз азалдан халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларга, бағрикенглик, чин дўстлик ва ҳамкорлик ғояларига содиқлигининг яққол рамзидир.

Бу айём юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун севимли, том маънода умумхалқ байрамига айланган.

Мана шу қувончли лаҳзаларда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: **бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда, қудратимиз — Ватанга меҳр ва садоқатда, ютуғимиз — ўз имкониятларимизга бўлган юксак ишончимизда!**

Наврўз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Наврўзи олам ҳозирги кунда барча элу элатларни, жумладан, Марказий Осиё халқларини янада жипслаштирмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, бепоён минтақамизда яшаётган жамики соф ниятли инсонларни эл-юртимиз номидан қизғин табриклайман.

Том маънода дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик маконига айланаётган минтақамиз ҳамиша тинч бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Шу ўринда минтақамизнинг ҳурматли зиёлилари, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намояндаларига мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азиз дўстлар, сизлар ноёб истеъдодингиз, ақл-тафаккурингиз билан азалий қардошлигимизни, муштарак қадрият ва урф-одатларимизни, эзгу интилишларимизни тараннум этадиган асарлар яратиб, ёшларимизни айни шу руҳда тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, халқларимиз сизлардан албатта миннатдор бўлади.

Бундай баркамол ижод намуналари бугунги таҳликали даврда элларимиз, айниқса, ёш авлодларимизга мустаҳкам маънавий қалқон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ой охирида қадимий Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг уч томонлама учрашуви яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда яна бир амалий қадам бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, барча дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини **Халқаро Наврўз куни** билан самимий қутлаймиз.

Мамлакатларингиз ва халқларингизга дўстлик саломини йўллаймиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Ушбу унутилмас, дилбар лаҳзаларда сиз, азизларни, барча-барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан яна бир бор қутлайман.

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик, бахту саодат ва файзу барака тилайман!

Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

Наврўзи олам муборак бўлсин!

# КУЧИМИЗ — БИРЛИК ВА АҲИЛЛИКДА, ҚУДРАТИМИЗ — ВАТАНГА МЕҲР ВА САДОҚАТДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимиз нутқида ёшлар сиёсатига ҳам тўхталиб, улар Янги Ўзбекистоннинг илғор ва қудратли кучига айланиб бораётганини таъкидлади. Улкан натижаларга эришиб, юртимиз ривожи ва обрўсини ошираётган ақл-идрокли, билим ва малакали, серғайрат ва ишбилармон ўғил-қизларни шарафлади.

— Азиз фарзандларим, сизлар Ватанимиз осмонида ёрқин юлдузлар бўлиб порлайдиган вақт келди. Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг! Ҳеч қачон унутмангки, ортингизда салкам 38 миллионлик буюк халқ, Президент турибди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Наврўзнинг гашти, жозибаси, айниқса, маҳаллаларда ўтаётган халқ сайилларида яққол сезилади. Миллий анъаналаримиз ўчоғи бўлган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Ёшлар тарбияси, осойишталикни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий ҳимоя ва хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, экология ва ободлик каби бири-биридан муҳим вазифалар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз раҳбари 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни билан барча маҳалла фаолларини самимий табриклади.

Наврўз бағрикенглик ва аҳиллик руҳи билан юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун севимли, том маънода умумхалқ байрамига айланган. Шу маънода, Президентимиз бутун халқимизга мурожаат қилди:

— Бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда, қудратимиз — Ватанга меҳр ва садоқатда, ютуғимиз — ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!

Умумбашарий моҳияти туфайли Наврўз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган. Бу қадрият Шарқдаги кўплаб элу элатларни, жумладан, Марказий Осиё халқларини янада жипслаштирмоқда. Шу ой охирида қадимий Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг уч томонлама учрашуви ўзаро аҳиллик йўлида яна бир амалий қадам бўлади.

Давлатимиз раҳбари байрамда иштирок этаётган элчилар ва халқаро ташкилотлар вакилларини халқаро Наврўз куни билан қутлаб, уларнинг халқларига дўстлик саломини йўллади.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Унда юртимиз санъаткорларидан ташқари Туркия, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қардош ўлкаларнинг таниқли хонандалари ҳам қатнашгани диққатга сазовор бўлди.

“Янги Ўзбекистон” боғи байрам шукуҳига бурканган. Майдончалар алвон гуллар ва байроқлар билан безатилган. Миллий маданият марказларининг кўргазмаларида юртимиздаги тотувлик ва бой маданий хилма-хиллик намоён.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмаларни ва фольклор-этнографик жамоаларнинг куй-қўшиқларини томоша қилди.

Наврўз сайиллари юртимизнинг барча гўшаларида давом этмоқда. Деҳқонлар халқимизнинг ризқ-рўзи умидида ерга барака уруғлари экмоқда. Маҳаллаларда ободончилик, меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МУНОСАБАТ

# “Ҳаётимиздаги ўзгаришларни рақамларда ифодалаб бўлмайди”

**Зулфиқор КАВАЕВ,**
**Бектемир туманидаги “Ийкота” маҳалласи раиси.**

*Маҳалламиздаги 37 та кўп қаватли уйда 3 673 нафар ва 1 минг 400 та ҳовлида 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. “Маҳаллабай” ишлаш тамойили асосида амалга оширилаётган манзилли ишлар “Ийкота”да ҳам ўз натижасини бермоқда.*

**Ўтган йили уч қаватли маҳалла идораси фойдаланишга топширилган эди.** Бу “маҳалла еттилиги” вакилларининг оғирини енгил қилиш баробарида ҳудуд аҳолисига қулайлик яратди. Ҳар қандай мурожаатни шу ернинг ўзида қабул қилиш, ўрганиш имконияти мавжуд. Маҳалла ходимларига зарур барча шароитлар яратилган. Энди давлат бюджети ҳисобидан 358-умумтаълим мактаби қурилди.

**Ички имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратяпмиз.** Ҳудуддаги 70 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, иккита ишлаб чиқариш корхонасида кўпчилик рўзғор тебратяпти. Президентимиз фармойиши билан эълон қилинган “долзарб бир ойлик” доирасида томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш қизғин давом этмоқда.

**Ташриф доирасида туманда яна бир хиёбонга асос солинди.** “Ийкота”, “Мажнунтол”, “Зилола”, “Роҳат” ва “Иқбол” маҳаллалари орасидаги бу ҳудуд аввал қаровсиз жой эди. Элнинг бирлиги билан яна бир яшил макон, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган парк пайдо бўлмоқда. Уч гектарлик ҳудудга ўрмон концепцияси асосида уч минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилди. Уларнинг суғорилиши ва парваришига масъуллар бириктирилди.

**Президент маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий мулоқотда бўлди.** Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакилларига ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. Барчани кириб келаётган Наврўз байрами билан табриклади.

**Шу ўринда тизимдаги ўзгаришлар аҳолини, маҳалла фаолларини жуда мамнун этганини алоҳида қайд этаман.** Нафақат маҳалламиз қиёфасида, балки одамларимиз дунёқараши, ҳаётга интилиши, яхши яшаш учун изланишида катта ўзгаришлар бор. Буни қандайдир рақамлар билан ифодалаб бўлмайди. Шунчаки маҳалланинг, айни йўналишнинг бундан бир неча йиллар олдинги манзарасини, шароитини, имкониятини кўз олдига келтира олган киши аниқ хулоса бера олади. Бугунги янгиланишлар маҳаллани ҳақиқий куч сифатида шакллантирди, одамлар ҳаёти, тақдирида тутган ўрнини кўрсатиб берди.





Давлат харидларида кооперация алоқаларини ўрнатиш бўйича яхлит ва шаффоф тизим яратилади.



“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” ФАХРИЙ УНВОНИ таъсис этилди.



Марказий банки асосий ставкаси 0,5 фоиз бандга ошиб, ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ даражасида белгиланди.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ОБОДЛИК

# Уйнинг, кўчанинг, маҳалланинг ободлиги қалбнинг ободлигидир



**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.**

Шарқона янги йил бошланадиган қутлуғ кун — **Наврўзи олам** асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутиб келмоқда. Бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”,** деган олижаноб ғояга ҳамоҳанг бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди.

Президентимизнинг **“2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги** қарорига асосан, 2025 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланди.

Бу йилги **табаррук моҳи Рамазоннинг** шукуҳи ва файзи унинг Наврўз байрами тантаналарига уланиб, ўзига хос ажиб уйғунлик касб этаётир. Диний манбаларда келтирилишича, Рамазон ойи ойларнинг султони, сайиди, энг афзали саналган. Бу ойда эзгу амалларга эътибор янада кучаяди. Гиналар унутилади. Ёмонликнинг йўли тўсилади.

Юртимизда Наврўз тантаналарига ҳамоҳанг тарзда яна бир байрам — **Маҳалла тизими ходимлари куни** кенг нишонланади. Бу айёмнинг мана шундай шукуҳли кунларда ўтказилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зотан, маҳалла — асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

### ТОЗАЛИК БОР ЖОЙДА ФАЙЗ-БАРАКА БЎЛАДИ

*Ободлик кўнгилдан бошланади. Бу хислат асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган. Чунки поклик, озодалик, тозалик бор жойда файз-барака, ишда унум, аҳоли кайфиятида кўтаринкилик бўлади.*

Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино **“Тиб қонунлари”** асарида гигиена қоидаларига амал қилиш баробарида атроф-муҳитни тоза тутиш, ободончилик ишлари, ариқ ва анҳорлар қазиш, боғ-роғлар барпо этиш саломатликни сақлашда муҳим восита эканини таъкидлаган. Деҳқончилик, ерга ишлов бериш, томорқадан фойдаланиш **“Авесто”**да ҳам юксак даражада ўз ифодасини топган.

Обод маҳаллалар сариштa кўча ва хонадондан бошланади. Сўнгги йилларда **“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари, “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонлари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** ҳаётимизга кенг татбиқ этилди. Натижада аҳоли масканлари, маҳаллаларнинг кўриниши буткул ўзгариб, одамларимиз турмуш тарзи, оилаларда тўкин-сочинлик янада ортиб бормоқда.

Биргина “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонларини олинг, бугун айни тамойил асосида ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўча ва маҳаллага бунёдкорлик руҳи кириб борди.

Фикримизни аниқ мисоллар орқали давом эттирсак, бу жараёнда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қатор эзгу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этди. Жумладан, жорий йилнинг **10 февралидан — 10 мартига қадар барча маҳаллаларда “Долзарб бир ойлик” тадбирлари** эълон қилинди.

*“Долзарб бир ойлик” тадбирлари доирасида 112 минг 801 та кўча, 2 миллион 368 мингдан ортиқ хонадонда ободонлаштириш ишлари бажарилди. 741 минг 917 та хонадон томорқаси чопилди. 888 километр ички йўл асфальтланди, 2 201 километр йўл шағаллаштирилди, 68 минг 498 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 1,9 миллионга яқин гул кўчати, 843 мингдан ортиқ узум-ток кўчати, 9 миллион 499 мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.*

**Шахсан ўзим Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллани обод қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўргандим.** Биласизми, одамларимизга озгина йўл-йўриқ кўрсатсангиз, имконият яратсангиз, улар яйдоқ чўлни ҳам боғу бўстонларга айлантиришга қодир.

*Буни биргина **Пешку туманидаги Ибн Сино номидаги маҳалла** мисолида кўриб, амин бўлдим. Йиғинда деҳқончилик, иссиқхоначилик бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилган. 1 542 та томорқа ер эгаси ихтиёридаги 185 гектар экин майдонидан самарали фойдаланган ҳолда, йилига икки-уч марта ҳосил олади. Жумладан, Мустақим Тошов 10 сотих майдондаги иссиқхонада йилига 1,2 миллион дона кўчат, шундан 600 минг дона помидор, 400 минг дона бодринг, 100 минг булғор қалампири ва 100 минг дона қовун-тарвуз кўчати парваришлайди. Жами йиллик даромад 2 миллиард сўм, шундан 1,6 миллиард сўми соф фойда. Ушбу иссиқхонада 20 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.*

**Бир жиҳатга эътиборингизни қаратай,** маҳаллаларни обод қилиш бўйича йўлга қўйилган “Долзарб бир ойлик” тадбирлари кутганимиздан-да самарали натижаларга бой бўлди. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”, уйбоши ва кўчабошилар, нуронийлар ташаббусни қўлга олиб, юртимизнинг ҳар бир маҳалласида ҳашарлар ташкил этишди. Жамоатчилик назоратини йўлга қўйиб, хонадонлар, кўчалар ободлигини таъминлашди.

Тажриба тариқасида амалга оширилган ташаббус кенг қулоч ёйиб, кўплаб маҳаллалар фаровонликка юз тутгани айни ҳақиқат. Ушбу жараёнда Президентимизнинг **“Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши** қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариб, барча маҳалла аҳлини руҳлантирди, ободлик ҳаракатини тартибли ва тизимли амалга ошириш имкониятини яратди.

Фармойишга асосан, 2025 йил 11 мартдан бошлаб, **“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги** эълон қилинди.

*Унинг доирасида маҳаллаларда 29 мингта кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик лойиҳалари амалга оширилади. Аҳоли хонадонларига 1,23 миллион бош парранда, 24 минг оила асалари, 21 минг бош қўй-эчки ва қорамол етказиб берилади. 400 минг гектар аҳоли томорқаларида ҳамда 180 минг гектар ижара ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа сердаромад экинлар экилади.*

Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари, оммавий ҳашарлар ташкил этилади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида, шунингдек, камбағал оилалар хонадонларига кўчатлар ўтказилади. Минитрактор ва мотокультиватордан фойдаланган ҳолда, аҳоли томорқалари экин экишга тайёрланади. Камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга молиявий кўмак пакетлари *(ихчам иссиқхона, парранда, балиқ, чорва моллари, асалари қутилари, лимон, хурмо ва бошқа экинларнинг уруғ ва кўчатлари)* тақдим этилади.

### АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

*Ободликка бир ёки икки кишининг саъй-ҳаракати билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун одамларда жамоавий масъулият, дахлдорлик туйғуларини кучайтириш лозим. Бу борада халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган қадриятлари муҳим ўрин тутади.*

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақл бор. Фарзандларимиз қалбида ободликка меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялашда айнан оиланинг ўрни ва таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Келинг, буни айрим мисолларда кўриб чиқамиз.

**Азалдан қизларимиз, келинларимизнинг эрта саҳар туриб, ҳовлиларга сув сепиши, кўча эшик олдини супуриши анъанага айланган.** Ҳатто янги келинлар орасида ким эртароқ туриб, эшик олдини супуриш бўйича ўзига хос мусобақалар мавжуд эканига гувоҳмиз. **Масаланинг яна бир нозик жиҳати —** агар қўшнининг ёш келини бўлмаса ёки тоби қочиб қолса, унинг кўчасини ҳам тозалаш анъанаси аёлларимизнинг ўзига хос бағрикенглигидан далолат эмасми?!

**Қадимдан бирор хонадонга қиз сўраб борган совчилар, аввало, ҳовлининг озодалигига эътибор қаратишади.** Секингина гилам тағлари, ошхона ва ҳожатхонага назар ташлаб, оила тутуми, қизнинг қанчалар чаққон ва эпчил эканини билиб олишган. Ҳовлига экилган ҳамда хонаки гуллар парвариши ҳам шу хонадон бекасининг нечоғли табиатга ошно экани, қалбан яратувчанликка интилиши ва гўзалликни севиши ҳақида гувоҳлик бериб келган. Айниқса, шом вақти уйдан таралган райҳон ҳидлари қалбга қадар хушбўйлик олиб кирган.

Ёхуд **бобоси ва отаси билан бирга дарахт эккан,** уни парвариш қилишда иштирок этган, томорқаси, ҳовлиси тозалигини таъминлаган боланинг онгу тафаккури ўзгача бўлади. Она юртга меҳр ва садоқат руҳида камол топади. Ўзи эккан ниҳол униб-ўсаётганини кўрган боланинг қалбидаги орзу-мақсадлари ҳам юксак бўлади.



> **Кўриб турганингиздек, халқимизда ободлик, уйини, кўчасини тоза тутиш, кўчат экиб, боғ яратиш азалдан энг эзгу амаллардан саналган. Халқимиз кўклам келганини шунчаки байрам, ўйин-кулги қилиб кутиб олмаган. Ҳамжиҳат бўлиб, кўчаю хиёбонларни, йўлларни, ариқларни тозалаган. Бундай хайрли анъаналар шу зайлда авлоддан-авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилган.**

**Бугун ана шу анъаналарни, қадриятларни қайта жонлантириш, янада оммалаштириш фурсати етди!** Фарзандларимиз қалбида ободлик, поклик, меҳнат тарбиясини болаликдан шакллантиришга эътибор қаратиш вақти келди. Бу жараёнда ҳар биримиз ўз хонадонимизни обод қилиш борасида олиб бораётган амалий ишларимиз, ибратли ташаббусларимиз, чинакам жонкуярлигимиз билан намуна бўлишимиз лозим. Одамларда тозаликка, ободликка эътиборни кучайтирайлик! **Зотан, юриш-туриши, яшаши покиза халқнинг фикри ҳам, нияти ҳам покиза бўлади!**

**Шу ўринда бир таъкид:** албатта, зиммамиздаги ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар биримиз, энг аввало, “маҳалла еттилиги” вакиллари, уйбоши ва кўчабошилар, жамоатчилик тузилмалари аъзолари фаол бўлиши, одамларни уйғотиши, ҳаракатга келтириши зарур. Ташаббусни қўлга олсак, одамларнинг дунёқараши, фикрини ўзгартирсак, ижтимоий фаоллигини кучайтирсак, **маҳалла ҳал қила олмайдиган масаланинг ўзи бўлмайди!**

**“Уйинг обод бўлса, кўчанг обод бўлади, маҳалланг обод бўлса, қалбинг обод бўлади”, деган ҳаётий шиор ҳар бир маҳалла ходими фаолиятининг дастуриламалига айланиши зарур!**

### ФАЗИЛАТЛАР АКС ЭТГАН МАСКАН

*Халқимиз баҳор келиши билан яхши ният қилиб ерга уруғ қадайди, деҳқончилик ишлари бошланади. Кўчат экилиб, яшилликка интилиш кучаяди. Зотан, бу ҳам ўзбек оиласининг қадрияти!*

Оилада фарзанд туғилганда, албатта, унга атаб дарахт экилган, меваси рамзий маънода авлодни англатган. Экилган дарахтнинг кўкка бўй чўзиши фарзанд камолотидан дарак берган. Никоҳдан ўтаётган ёшлар мана шундай бахтли онлардан эсдалик сифатида, яхши ният билан ерга ниҳол қадаган.

**Ёшлигимизни эсланг,** дарахтларга ўзгача меҳр билан қарардик. Қандайдир зарурат сабаб дарахт кесишга тўғри келса, ўрнига дарҳол иккитасини экиб қўярдик. Бу яшилликнинг боқийлигини таъминлаган. Муборак китобларда ҳам кўчат экиш инсонга нафақат тириклигида, балки вафотидан сўнг ҳам манфаат етказиб туриши айтилади.

Шу боис ҳар бир хонадонда эрта баҳордан кўчат экиш одатга айланган. Ота-боболаримиздан мерос қолган ана шу қадрият, гўзал одат бугун янги маъно-мазмун билан бойиди. Президентимиз ташаббуси билан **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига** асос солинди. Мазкур лойиҳа айни кез умумхалқ ҳаракатига айланди.

*Ўтган йили лойиҳа доирасида маҳаллаларнинг кўча ва йўл бўйлари, камбағал оилалар томорқаси ҳамда “маҳалла боғлари”га 33 миллион 522 минг туп мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Бу йилги мавсумда бу рақамни янада ошириш кўзда тутилган. Биргина Наврўз арафасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 4,5 миллиондан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.*

**Баҳорга, Наврўзга хос яна бир азалий анъана, бу — ҳашар уюштиришдир.** Азалдан халқимизда кимдир уй қурадиган бўлса ёки таъмирлаш ишларини бошласа, қариндош ва қўшнилар қараб туришмаган. Эркаклар усталарга ёрдамга чиққан, аёллар таомлар билан уларни сийлашган. Бу бирлашиш, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдамнинг ажойиб намунасидир.

Бундай қадриятлар бугун ҳам маҳаллаларда бардавом. Ҳашар баъзи бировлар хаёл қилганидек, одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш эмас, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган эзгу анъаналарни давом эттириш, озодалик, тозалик ва поклик бобида аждодлар тутган ва эътироф этган тўғри йўлдан бориш демакдир.

### САХОВАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК УЙҒУНЛИГИ

*Бугун ҳар бир юртдошимиз қалбида ота-боболаримиздан мерос қолган жўмардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатлари жўшиб турибди. Айниқса, бу Наврўзда бор бўй-басти билан намоён бўлади.*

**Ижтимоий ҳимоя масаласи тарихан ватандошларимизга яқин тушунча.** Авваллари қўни-қўшнилар орасида девор ҳам бўлмаган. Одамлар бирор тансиқроқ егулик тайёрлайдиган бўлса, албатта, уни қўшнисига илинган. Кимдир бетоб бўлиб қолса ёки касалхонада даволаниб чиқса, яхши таомлар тайёрлаб, йўқлашни канда қилишмаган. Шу баҳона бир-биридан кўнгил сўраб, руҳан далда беришган.

Бу вақтда, айниқса, қўшнилар билан алоқалар жуда яхшиланади. Бирор нима керак бўлса, ўғил-қизини ёрдамга жўнатиб, кўмакка ҳозирланади. Ота-оналар доимо фарзандларига қўшнилар билан дўстона алоқада бўлишни ва уларга ёрдам беришни ўргатишади. Маҳаллада мана шундай қадриятлар сабаб ҳамма бир-бирини танир, доимо ёрдамга ҳозирдирлар.

**Шукрки, бу жиҳатлар бугун ҳам маҳаллаларда бардавом.** Қарияларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишни, нон ва нозу неъматлар билан уларнинг ҳолидан хабар олгани бориб, дуоларини олишни ҳали-ҳамон ёшларимиз фарзандлик бурчи, деб билади. **“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури** доирасида қийналган, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, улардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда.

*Биргина 2024 йил давомида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, маҳаллалар кўмагида 754 мингдан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 194 мингга яқин фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 472 мингдан ортиқ фуқарога кредит ва 48,2 минг нафарига субсидия ажратилди. 165 минг 729 нафар фуқаро (жумладан, 69,6 минг хотин-қиз ва 96,1 минг ёш) касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.*

*Ажралиш ёқасига келиб қолган 30 минг 513 та оила яраштирилди. 197 минг 201 та кам таъминланган оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон, Уйчи тажрибалари асосида 4,7 миллионта хонадонда томорқадан қўшимча даромад олиш тизими йўлга қўйилди. “Темир дафтар”га киритилган 24 минг 964 та оила, “Аёллар дафтари”даги 106 мингдан зиёд хотин-қиз ва “Ёшлар дафтари”даги 97 мингга яқин ёшга моддий ёрдамлар кўрсатилди.*

Ижтимоий ҳимоя, саховат, хайру эҳсон каби эзгу амаллар муборак Рамазон ойида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг **“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги** қарорига асосан, ушбу фазилатли айём юртимизда **“Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи”** ғояси асосида ўтказиляпти.

Бу табаррук кунларда эҳтиёжмандлар, илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам берилмоқда. Оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш, ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тараннум этишга эътибор қаратиляпти. Нуронийлар, беморлар, кўнгли яримлар ҳолидан хабар олиш, уларга далда бўлишга оид ишлар ҳажми тобора кенгаймоқда.

### ЖАМИЯТНИНГ ЁРУҒ ЮЗИ, ВИЖДОНИМИЗ КЎЗГУСИ

*22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни! Мазкур байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми — Наврўз тантаналари давом этаётган шукуҳли кунда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.*

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Айни пайтда ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Бу йилги байрам доирасида **“Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”** деган ғоя остида 22-28 март кунлари барча ҳудудларда **“Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги”**ни ўтказиш кўзда тутилган.

Ҳафталик доирасида ҳар бир маҳаллада **“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла”, “Энг намунали “маҳалла еттилиги”** кўрик-танловлари, **“Энг яхши маҳалла кутубхонаси”, “Қизлар одоби тарғиботчиси”** танловлари ташкил этилади. Аҳоли ўртасида **миллий ўйинлар** ва **“Аския сайллари”** ўтказилади.

Ёшлар ўртасида **“Мен ўқиган китоб”** кўрик-танлови, **“Маҳаллам — менинг нигоҳимда”** расмлар ва фотосуратлар танлови, **“Маҳалламни куйлайман”** шиори остида қўшиқлар танловини ўтказиш орқали йигит-қизлар иқтидори юзага чиқарилади. Кўчма театрлар ва кинофильмларнинг намойиши ўтказилади, шунингдек, бўш иш ўринлари ва китоб ярмаркалари ташкил этилади.

**“Оила муқаддас”** шиори остида оилаларни яраштириш ва ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Ёшлар ўртасида **“Қувноқ спартакиада”**, футбол бўйича **“Маҳалла кубоги”** мусобақаси, кексалар ўртасида шахмат бўйича **“Ақл чархи”** турнири ўтказилади.

Туман (шаҳар)ларда **“намунали”** маҳаллаларнинг тажрибаларини, шунингдек, **“Туризм қишлоғи”, “Туризм маҳалласи”** мақомини олган қишлоқ ва маҳаллалар фаолиятини оммалаштириш бўйича семинарлар ташкил этилади. Халқ депутатлари, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз маҳаллаларида аҳоли билан мулоқотлари бўлиб ўтади.

Ободлик кўнгилдан, кўнгилни олишдан, қилган ишларимиз натижаси ва халқ розилигидан бошланади. Ободлик бор жойда қут-барака, доимий ривожланиш ва келажакка ишонч бўлади. Айниқса, маҳаллангиз ораста бўлса, қалбингиз қувончга тўлиб, меҳнатга, вазифангизга ҳам шундай кайфият билан киришасиз.

**Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Президентимизнинг “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “маҳалла еттилиги”, маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар, йиғинлардаги жамоатчилик тузилмалари аъзолари қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратишини зарур, деб ҳисоблаймиз:**

*маҳаллаларда, шаҳар ҳамда қишлоқларда тозалик, оммавий ҳашар ва ободлик тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш;*

***юрт ободлиги, йиғинлар фаровонлиги йўлида ҳамжиҳат бўлиш, бирлашиш,** ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллалар ободлиги учун масъулиятни зиммамизга олиб, одамларни бир мақсад сари ҳаракатга келтириш;*

***ижтимоий масъулият, меҳнат тарбияси, дахлдорлик туйғусини кучайтирш,** фарзандларимизда болаликдан ҳалоллик, поклик фазилатларини шакллантириш.*

*Бу ўринда, энг аввало, уларга ўзимиз намуна бўлиб, уйимиз, томорқамиз озодалигини таъминлашимиз, биргаликда дарахт экиб, экологик маданиятга ҳисса қўшишимиз зарур. **Зотан, уйда олинган тарбия, ота-онанинг ибрати фарзанд келажагида муҳим ўрин тутади.***

***Эрта саҳардан кўча эшик олдини супуриб, ҳовли ва кўчаларни озода сақлаш аслида азалий одат ва қадриятга айланган.** Бу қадриятлар билан уйғун тарзда фарзанд туғилганда унга атаб ниҳол эксак, никоҳдан олдин ёшларимиз яхши ният билан ерга кўчат қадаса, маҳаллаларимиз қисқа фурсатда яшилликка бурканади.*

*Дарахт экиш ва уни парваришлашни мажбурият эмас, **қадрият сифатида қабул қилсак,** биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолади.*



Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИга аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг бир қисмини якунлади.



Тошкентдаги БИРИНЧИ ЖАМОАТЧИЛИК ПАРКИ учун 300 туп дарахт экилди.



Февраль ойида импорт автомобиллар савдоси ИККИ БАРОБАРДАН КЎПРОҚҚА камайди.




ЭЪТИРОФ

# Бир гуруҳ фидойи юртдошларимиз “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди




**Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бир гуруҳ юртдошларимиз мазкур мукофот билан тақдирланди.**

Президент қарорига асосан, **“22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни”** байрами арафасида маҳалла тизимини ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишдаги фаоллиги ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун республикамизнинг бир гуруҳ шижоатли, фидойи, фаол, ташаббускор фуқаролари, жамоатчилик тузилмалари вакиллари **“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони** билан тақдирланади.

Ҳар йилги анъанага кўра, жорий йилда ҳам Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Давлат ва идоравий мукофотларга саралаб олиш комиссияси таклифига кўра, 199 нафар “маҳалла еттилиги” аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, йиғин фидойилари ана шундай юксак шарафга лойиқ топилди.

“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланганларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида пул мукофоти ҳамда “Навбаҳор сиҳатгоҳи мажмуаси”да даволанишлари учун бир марталик бепул йўлланма берилади. Кўкрак нишони ва совриндорлик гувоҳномалари ўз эгаларига тантанали равишда топширилади.




**“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдирланди:**

**АБДИМУРАТОВА**
**Марина Кошкарбаевна** – Қўнғирот тумани **“Азатлиқ”** ва **Навоий** номидаги маҳаллалар хотин-қизлар фаоли;

**АБДУЛЛАЕВ**
**Баходир Срочидинович** – Косонсой тумани **“Садача”** маҳалла раиси;

**АБДУЛЛАЕВ**
**Адҳамжон Эгамбердиевич** – Уйчи тумани **“Қумтепа”** маҳалласи солиқ инспектори;

**АБДУЛХАФИЗОВ**
**Назиржон Абдулхамидович** – Чуст тумани **“Булоқбоши”** маҳалласи раиси;

**АБДУҚАХХАРОВ**
**Адхам Абдуқаххор ўғли** – Учқўрғон тумани **“Истиқбол”** маҳалласи профилактика инспектори;

**АБДУРАСУЛОВ**
**Абдурауф Абдумажид ўғли** – Бувайда тумани **“Бувайда”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**АБДУРАХИМОВА**
**Мухаррам Хабибуллаевна** – Давлатобод тумани “Ирвадон” маҳалласи раиси;

**АБУЛОВ**
**Шуҳратилло Неъматович** – Муборак тумани **“Сардоба”** маҳалласи раиси;

**АДИЛОВ**
**Курбанбай Кошмагамбетович** – Чимбой тумани **“Қоракўл”** маҳалласи раиси;

**АИТМУРАТОВА**
**Арзайім Шукуруллаевна** – Хўжайли тумани **“Наврўз”** маҳалласи раиси;

**АКБАРОВА**
**Зулпия Алиевна** – Уйчи тумани **“Қумтепа”** маҳалласи раиси;

**АКРАМОВА**
**Нозима Шуҳрат қизи** – Ўрта Чирчиқ тумани **“Файзобод”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**АЛИМАРДОНОВ**
**Абдужалол Қамбаралиевич** – Янгиобод тумани **“Совот”** маҳалласи солиқ инспектори;

**АЛИМОВ**
**Нуриддин Буриёр ўғли** – Фориш тумани **Амир Темур** номидаги маҳалла ёшлар етакчиси;

**АНАҚУЛОВ**
**Алланазар Қурбонович** – Қизириқ тумани **“Янги турмуш”** маҳалласи раиси;

**АРТИКОВА**
**Ойбиби Саъдуллаевна** – Қўшкўпир тумани **“Қадрият”** маҳалласи раиси;

**АШИРОВ**
**Бунёд Шоназарович** – Урганч шаҳар **“Гулшан”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**АШУРОВ**
**Дилкушод Обидович** – Андижон тумани **“Гузар”** маҳалласи раиси;

**АТАБАЕВ**
**Ойбек Фарҳадович** – Урганч шаҳар **“Олма боғ”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**АХАТОВ**
**Абдуқодир Эрмаматович** – Янгиҳаёт тумани **“Чароғон”** маҳалласи раиси;

**АХМАДАЛИЕВА**
**Хадича Умаровна** – Ўрта Чирчиқ тумани **“Йўнғичқоли”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**АХМЕДОВ**
**Эргаш Қаршиевич** – Қумқўрғон тумани **“Ҳуррият”** маҳалласи раиси;

**АХМЕДОВА**
**Марҳабо Жалиловна** – Бўка тумани **“Қийиқчи”** ва **“Рамадон”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**АЗИЗОВ**
**Бекзод Ҳамидович** – Ширин шаҳар ИИБ жамоат ҳавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси профилактика катта инспектори;

**БАКИРОВА**
**Ойдинхон Ахмаджановна** – Бўстон тумани **“Пиллакор”** маҳалласи раиси;

**БАРАБЕКОВ**
**Анвар Рузимуродович** – Пастдарғом тумани **“Қўқони”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**БАХШИЛЛАЕВ**
**Шухратжон Шавкатович** – Бухоро шаҳар **“Ёшлик”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**БЕГИМБЕТОВА**
**Раъно Садуллаевна** – Миробод тумани **Ат-Термизий** номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли;

**БЕКНАЗАРОВА**
**Махлиё Иномжон қизи** – Ёшлар ишлари агентлиги Бўстон тумани бўлими бошлиғи;

**БЕРДИМУРАТОВ**
**Дауранбек Толибекович** – Нукус шаҳри **“Қутли қонис”** ва **“Айдин жол”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**БЕРДИҚУЛОВ**
**Элёр Нурмухаммедович** – Ўрта Чирчиқ тумани **“Уйғур”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**БОЖБАНОВ**
**Нариман Саматович** – Конимех тумани **“Уштобе”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**БОҚИЕВ**
**Бахшилло Ахмадович** – Коғон тумани **Б.Нақшбанд** номидаги маҳалла раиси;

**БОХОДИРОВ**
**Ботиржон Махаммаджонович** – Фарғона шаҳар **“Фарғона”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**БОЗОРОВ**
**Шоакбар Рустам ўғли** – Қизилтепа тумани **“Гумбаз”** маҳалласи профилактика инспектори;

**ЧОРИЕВ**
**Икромжон Бўриевич** – “Маҳалла” телеканали давлат муассасаси директори;

**ДАДАХОНОВ**
**Дониёрбек Қахоржонович** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати бошқарма бошлиғи;

**ДАВРОНОВА**
**Мохигул Муродуллоевна** – Тойлоқ тумани **“Ғўлба”** маҳалласи раиси;

**ДЖАЛИЛОВА**
**Шарофат Махкамовна** – Мирзо Улуғбек тумани **“Заковат”** маҳалласи раиси;

**ДЖОЛДАСБАЕВ**
**Шарияр Бахтияр улу** – Нукус шаҳар **Алланияз Қаҳраман** номидаги маҳалла профилактика инспектори;

**ДЖУРАБАЕВА**
**Хикоят Исмоиловна** – Қуйи Чирчиқ тумани **“Ўжакент”** маҳалласи раиси;

**ЭРГАШЕВ**
**Акбарали Бозорбоевич** – Зарбдор тумани **“Лалмикор”** маҳалласи раиси;

**ЭРГАШЕВ**
**Бахромжон Илхомжонович** – Тўрақўрғон тумани **“Бураматут”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ЭРГАШЕВА**
**Ойсара Ўроловна** – Арнасой тумани **“О.Водий”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**ЭРКАЕВ**
**Азизжон Собиржонович** –
Ёшлар ишлари агентлиги Олмазор тумани бўлим бошлиғи;

**ЭШБОЕВА**
**Хамида Уткировна** – Оҳангарон тумани **“Эйвалек”** маҳалласи раиси;

**ЭШҚОБИЛОВ**
**Нормурод Мамарўзиевич** – Қамаши тумани **“Гулистон”** маҳалласи раиси;

**ЭШҚУВАТОВ**
**Баходир Назирович** – Денов тумани **“Истиқлол юлдузи”** маҳалласи раиси;

**ФАРМОНОВА**
**Хосият Толибовна** – Шофиркон тумани **“Жўшўра”** маҳалласи раиси;

**ФАЙЗУЛЛАЕВ**
**Аюбхон Шухратжон ўғли** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати бош мутахассиси;

**ФОЗИЛОВ**
**Шағзод Бахром ўғли** – Жиззах шаҳар **“Заргарлик”** маҳалласи хоким ёрдамчиси;

**ҒАФФАРОВ**
**Мухибилла Сотиволдиевич** – Тўрақўрғон тумани **“Бекобод”** маҳалласи раиси;

**ҒАНИЕВ**
**Мухриддин Мирзо ўғли** – Ғиждувон тумани **“Ғалаба”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ҒОФУРОВА**
**Манзурахон Рахматовна** – Андижон тумани **“Деҳқон”** маҳалласи раиси;

**ҒУЛОМХОНОВА**
**Гулбахор Тохировна** – Пискент тумани **“Бекобод”** маҳалласи раиси;

**ГАФУРОВ**
**Алишер Мардонович** – Самарқанд тумани **“Чоршанба”** маҳалласи раиси;

**ИБРАГИМОВ**
**Баходир Раимджанович** – Чилонзор тумани **“Баҳористон”** маҳалласи раиси;

**ИБРАГИМОВА**
**Дилдора Шарифовна** – Бухоро шаҳар **Аҳмад Дониш** номидаги маҳалла ижтимоий ходими;

**ИГАМОВ Халил** – Мирзачўл тумани **“Ержар”** маҳалласи фаоли;

**ИЛХАМОВ**
**Мухтар Атхамович** – Учтепа тумани **“Учтепа”** маҳалласи раиси;

**ИНОЯТОВ**
**Баходир Илёсович** – Юқори Чирчиқ тумани **“Чумчуқжар”** маҳалласи профилактика инспектори;

**ИСМОИЛОВ**
**Зокиржон Махмутович** – Ёзёвон тумани **“Тошховуз”** ва **“Иттифоқ”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**ИСРОИЛОВ**
**Акмал Алимович** – Қўқон шаҳар **“Райҳон”** маҳалласи раиси;

**ЖАКБАРОВ**
**Шаҳризод Шавкатович** – Олтинкўл тумани **“Чаққон-1”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ЖАМАЛОВ**
**Фазлиддин Орифжон ўғли** – Гулистон шаҳар **“Ниҳол”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ЖАНЗАҚОВА**
**Нодира Нафасовна** – Ғаллаорол тумани **“Маржонбулоқ”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ЖЎРАЕВ**
**Олмос Сайфиддинович** – Жондор тумани **“Мустақиллик”** маҳалласи профилактика инспектори;

**ЖУМАМУРАТОВ**
**Мухтор Рахимберганович** – Янгибозор тумани **“Боғолон”** маҳалласи раиси;

**ЖУМАНОВ**
**Азизжон Комилович** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навбаҳор тумани бўлими бош мутахассиси;

**ЖУМАНОВА**
**Салтанат Оралбаевна** – Қонликўл тумани **“Маданият”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ЖУМАЕВА**
**Нозила Зокировна** – Самарқанд шаҳар **“Янги ҳаёт”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**КАМОЛДИНОВ**
**Илхомжон Бозарбой ўғли** – Поп тумани **“Бирлашган”, “Уч уйли”, “Янгиер”, “Водий”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**КАРИМОВА**
**Раънохон Исмоиловна** – Хўжаобод тумани **“Тош ота”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**КАРШИБОЕВА**
**Фотимахон Абдухакимовна** – Янгиер шаҳар **З.Бобур** номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли;

**КАРСИБЕКОВА**
**Айна Серикбайевна** – Конимех тумани **“Наврўз”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**КАЙПОВ**
**Куралбай Кенгесбаевич** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бўзатов тумани бўлими бошлиғи;

**КАЮМОВ**
**Акмал Анварович** – Қамаши тумани **“Ўзбекистон”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**КУЛЕКЕВ**
**Азизбек Дарибаевич** – Нукус шаҳри **“Жайхун”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**КУТЛИМУРАТОВА**
**Нигора Машариповна** – Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи;

**МАМАДАЛИЕВ**
**Каримжон Исакжонович** – Бекобод тумани **“Гулистон”** маҳалласи раиси;

**МАМАЖОНОВА**
**Гулноза Юлдашевна** – Қувасой шаҳар **“Кўкилон”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**МАРДИЕВА**
**Гули Абдиевна** – Ғаллаорол тумани **“Олимлар”** маҳалласи раиси;

Давоми 5-саҳифада.



Ўзбекистонда энди илк бор маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган тадбиркор ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ.



Ўзбекистонда 1 сентябрдан мактаб директорлари, уларнинг ўринбосарлари ва боғча мудирларининг МАОШИ ОШИРИЛАДИ.



Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК имтиёзли ресурс ажратилади.



ЭЪТИРОФ

# Бир гуруҳ фидойи юртдошларимиз “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**МАТМУСАЕВ**
**Абдуназар Джуманазарович** – Бекобод шаҳар **“Сайхун”** маҳалласи раиси;

**МАВЛАНОВА**
**Раъно Эшкабуловна** – Ангор тумани **“Хомкон”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**МАХМУДОВ**
**Жўрабек Умаржон ўғли** – Чуст тумани **“Дўзанда”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**МАХМУДОВ**
**Зафар Суюнович** – Сайхунобод тумани **“Нурobod”** маҳалласи раиси;

**МЕНГЛИБОЕВА**
**Гуласал Абдужаббаровна** – Қумқўрғон тумани **“Боғаро”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**МИРАХМЕДОВА**
**Малика Собиржановна** – Ширин шаҳар **“Ватанпарвар”** маҳалласи раиси;

**МИРСАЛИМОВА**
**Нилуфар Сайфуллаевна** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати бош мутахассиси;

**МИРЗАЕВ**
**Мурод Гулназарович** – Нурота тумани **“Сентоб”** маҳалласи раиси;

**МИРЗАЕВ**
**Улуғбек Абдимумин ўғли** – Қўшработ тумани **“Урганжи”** маҳалласи солиқ инспектори;

**МЎМИНОВ**
**Илхом Эргашович** – Ш.Рашидов тумани **“Туёқли”** маҳалласи раиси;

**МЎМИНОВ**
**Рафиқ Адихам ўғли** – Пискент тумани **“Қўлота”** маҳалласи солиқ инспектори;

**МУЛЛАЖОНОВ**
**Мухсинжон** – Бешариқ тумани **“Намуна”** маҳалласи раиси;

**МУРОТОВ**
**Нодир Хўжамқулович** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати бошқарма бошлиғи;

**МУХАМЕДЯРОВ**
**Комилжон Содиқович** – Яккасарой тумани **“Конституция”** маҳалласи фаоли;

**МУХИДДИНОВ**
**Нуриддин Курашович** – Қизилтепа тумани **“Демас”** маҳалласи раиси;

**НАРМАТОВ**
**Соатмурат** – Булунғур тумани **“Бешқўтон”** маҳалласи “Кексалар маслаҳати гуруҳи” раиси;

**НАРЗИҚУЛОВ**
**Санъат Шодиқулович** – Самарқанд тумани **“Конигил”, “Қўштамғали”, “Пулимуғоб”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**НАСРИДДИНОВА**
**Афзалшох Неъмат ўғли** – Қизириқ тумани **“Гулзор”** маҳалласи профилактика инспектори;

**НАЗАРОВ**
**Насим Набиевич** – Когон шаҳар **Алишер Навоий** номидаги маҳалла раиси;

**НЕМАТОВ**
**Азимжон Аминжонович** – Марғилон шаҳар **“Қашқар”** маҳалласи профилактика инспектори;

**НИШОНОВА**
**Матлуба Абдусаматовна** – Жиззах шаҳар **“Зилол”** маҳалласи фаоли;

**НОРМАТОВ**
**Жасурбек Жўра ўғли** – Миробод тумани **Ш.Рашидов** номидаги маҳалла ижтимоий ходими;

**НУРМАНОВА**
**Мохичехра Норбоевна** – Пайариқ тумани **“Тошҳовуз”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**НУРОВ**
**Мавлон Хамроқулович** – Пахтакор тумани **“Мингчинор”** маҳалласи раиси;

**ЎСАРОВ**
**Ғуломжон Халиқулович** – Сардоба тумани **“Равот”** маҳалласи раиси;

**ЎЗБЕКОВ**
**Жараш Усанович** – Жарқўрғон тумани **“Боботоғ”** маҳалласи “Кексалар маслаҳати” гуруҳи раҳбари;

**ОЛЛАКУЛИЕВ**
**Зафар Бахрамович** – Хоразм вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи;

**ОМАРОВ**
**Махаматдин Сазатдинович** – Чимбой тумани **“Камис ариқ”** маҳалласи солиқ инспектори;



**ОТАБОЕВ**
**Бахриддин Рискулович** – Арнасой тумани **“Зарафшон”** ва **“Бахтли”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**ПАРМОНОВ**
**Дилшодбек Зокирович** – Хўжаобод тумани **“Ипак йўли”** маҳалласи профилактика инспектори;

**ПАЙЗИЕВ**
**Фаррух Рустамович** – Ғиждувон тумани **“Нодирабегим”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ПИРМАТОВА**
**Нилуфар Гайратовна** – Янгиҳаёт тумани **“Йўлдош”** маҳалласи раиси;

**ҚОДИРЗОДА**
**Ибратжон Аъзамжон ўғли** – Тошлоқ тумани **“Варзак”** маҳалласи солиқ инспектори;

**РАИМҚУЛОВ**
**Баҳодир Саитқулович** – Самарқанд шаҳар **“Ўзбекистон”** маҳалласи раиси;

**РАМАНОВ**
**Алишер Рўзмат ўғли** – Хонқа тумани **“Порлоқ”** ва **“Ёш куч”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**РАСУЛОВ**
**Қахрамон Ғафурович** – Бухоро тумани **“Хонобод”** маҳалласи раиси;

**РАХИМОВ**
**Ҳақназар Шодиевич** – Ғазғон шаҳар **“Шайхон”** маҳалласи раиси;

**РАХМАНОВ**
**Найим** – Ғиждувон тумани **“Ғалаба”** маҳалласи “Кексалар маслаҳати” гуруҳи аъзоси;

**РАХМАНОВ**
**Абдупаттах Рахимович** – Чилонзор тумани “**Катта Қозиробод”** маҳалласи раиси;

**РАХМОНОВ**
**Обиджон Олимжон ўғли** – Қоракўл тумани **“Оқ олтин”, “Човли”, “Янги-қалъа”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**РАХМОНОВ**
**Рустамжон Камолиддинович** – Фарғона шаҳар **“Машъал”** маҳалласи раиси;

**РАХМОНОВ**
**Эркин Холлиевич** – Ангор тумани **“Тўлқин”** маҳалласи раиси;

**РАХМОНОВА**
**Иқболхон Хабибуллаевна** – Тўрақўрғон тумани **“Еттикон”** маҳалласи хотин-қизлар фаоли;

**РИСБОЕВ**
**Бахтиёр Тегизович** – Олмазор тумани **“Исломота”** маҳалласи профилактика инспектори;

**РЎЗИМУРАДОВ**
**Лазизжон Халмурадович** – Муборак тумани **“Қурувчилар”** ва **“Истиқлол”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**РУСТАМОВА**
**Малика Содировна** – Қибрай тумани **“Шодлик”** маҳалласи раиси;

**РУЗИҚУЛОВ**
**Шавкат Каримович** – Сайхунобод тумани **“Олғабос”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**САЛАЕВ**
**Мухаммаджон Рўзметович** – Урганч тумани **“Мевазор”, “Олтинкўл”, “Бўстон”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**САЛАЕВ**
**Носирбек Ровшонбекович** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати бош юрисконсульти;

**САНАҚУЛОВА**
**Феруза Амриддиновна** – Каттақўрғон тумани **“Чароғон”** ва **“Қиёт”** маҳаллалари ижтимоий ходими;

**САНКИБАЕВ**
**Рахман Бекмурзаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бўйича катта ёрдамчиси;

**САТБАЕВ**
**Руслан Зинхайдарович** – Нукус тумани **“Қутанкўл”** маҳалласи профилактика инспектори;

**САТТОРОВА**
**Дилором Ахатовна** – Шаҳрисабз шаҳар **“Оқсарой”** маҳалласи раиси;

**САЙФУЛЛАЕВ**
**Жавохир Гайбулла ўғли** – Олмазор тумани **“Зиё”** маҳалласи солиқ инспектори;

**ШАКИРОВ**
**Дилмурод Қўлдош ўғли** – Сирдарё тумани **“Исломобод”** маҳалласи солиқ инспектори;

**ШАРИПОВ**
**Раджаб Садуллоевич** – Когон шаҳар **А.Навоий** номидаги маҳалла солиқ инспектори;

**ШАРИПОВ**
**Ботиржон Зоҳиджонович** – Чилонзор тумани **“Чилонзор”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ШАРИПОВА**
**Дилдора Сайритдиновна** – Навбаҳор тумани **“Сарой”** маҳалласи раиси;

**ШАРИПОВА**
**Авазджон Хасановна** – Урганч тумани **Комилжон Атаниязов** номидаги маҳалла раиси;

**ШЕРНИЯЗОВ**
**Мажіт Унгаровіч** – Мўйноқ тумани **Қизил жар** овул фуқаролар йиғини раиси;

**ШОМУРОТОВА**
**Дилором Равшановна** – Олот тумани **“Наврўз”** ва **“Бўстон”** маҳаллалари хотин-қизлар фаоли;

**ШУКУРОВ**
**Шокиржон Зокиржанович** – Наманган шаҳар **“Байналминал”** маҳалласи раиси;

**СОБИРОВ**
**Жасурбек Ҳасанович** – Ҳазорасп тумани **Ойбек** номидаги маҳалла профилактика инспектори;

**СОБИРОВА**
**Фозила Баходировна** – Шовот тумани **“Туркистон”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**СОДИҚОВ**
**Амин Адизович** – Пешку тумани **“Чиғирчи”** маҳалласи профилактика инспектори;

**СОЛИЕВ**
**Анвармирзо Исмоилович** – Булоқбоши тумани **“Буюк турон”** маҳалласи кўчабошиси;

**СОЛИЕВ**
**Билолиддин Сулаймонзода** – Сариосиё тумани **“Хонжиза”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**СОЛИЕВА**
**Мархабо Рахматовна** – Хатирчи тумани **“Парахун”** маҳалласи раиси;

**СОТИБОЛДИЕВ**
**Халилжон Тошпулатович** – Пахтаобод тумани **“Учкўза”** маҳалласи фаоли;

**СУЛАЙМОНОВ**
**Хуснидин Холматович** – Улуғнор тумани **“Мингбулов”, “Теракзор”, “Фаровон”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**СУЛТОНОВ**
**Хусен Жомиевич** – Самарқанд тумани **“Шалғамон”** маҳалласи профилактика инспектори;

**СУЛТОНОВ**
**Шухрат Сирожевич** – Ургут тумани **“Дўстлик”** маҳалласи раиси;

**СУВАНОВ**
**Махсуд Каримбаевич** – Урганч тумани **“Ҳожибойлар”** маҳалласи раиси;

**СУВОНОВА**
**Дилдора Содиқовна** – Навбаҳор тумани **“Навкар”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**СУХОВА**
**Светлана Степановна** – Чилонзор тумани **“Халқлар дўстлиги”** маҳалласи раиси;

**ТИЛАБОВ**
**Сайдали Камол ўғли** – Сирдарё тумани **“Қуёш”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**ТЎРАЕВ**
**Акбар Ғанишер ўғли** – Навбаҳор тумани **“Бешработ”** маҳалласи ёшлар етакчиси;

**ТЎХТАЕВА**
**Мастура Давроновна** – Қарши шаҳар **“Боғишамол”** маҳалласи раиси;

**ТЎЙЧИЕВА**
**Аломат Хасановна** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган тумани бўлими бош мутахассиси;

**ТОҒАЕВ**
**Ботир Нормаҳмадович** – Нишон тумани ҳокими;

**ТОГАЕВ**
**Икром Камолович** – Нарпай тумани **“Фаровон”** маҳалласи раиси;

**ТОЖИЕВА**
**Марғуба Иноятовна** – Шайхонтоҳур тумани **“Гулбозор”** маҳалласи раиси;

**ТОШБОУЕВ Хоним** – маҳалла фаоли;

**ТУРДИАЛИЕВ**
**Жамшид Бегматович** – Косон тумани **“Обиҳаёт”** маҳалласи раиси;

**ТУРҒУНОВ**
**Нўмонжон Иномович** – Учкўприк тумани **“Чанг”** маҳалласи раиси;

**ТУРСУНОВ**
**Оқилжон Абдуллаевич** – Ўзбекистон тумани **“Элчи”** маҳалласи раиси;

**ТУРСУНҚУЛОВ**
**Абдуманноб Абдухаким ўғли** – Мирзаобод тумани **Т.Аҳмедов** номидаги маҳалла профилактика инспектори;

**УБАЙДУЛЛАЕВ**
**Мўминжон Набиевич** – Улуғнор тумани **“Нуробод”** маҳалласи раиси;

**УМАРОВА**
**Дилафруз Абдумаликовна** – Хўжаобод тумани **“Сарқамиш”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**УМАРОВА**
**Сония Хайруллоевна** – Миришкор тумани **“Вори”** ва **“Бўстон”** маҳаллалари хотин-қизлар фаоли;

**УМИРЗАКОВ**
**Вохиджон Джурабаевич** – Сайхунобод тумани **“Иттифоқ”** маҳалласи раиси;

**УРАЗИМБЕТОВ**
**Торебек Умирбекович** – Тахтакўпир тумани **“Ғарезсизлик”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**УСМОНОВ**
**Зухриддин Мухиддинович** – Бухоро тумани **“Шехонча”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**УСМОНОВ**
**Худойберди Нарқулович** – Булунғур тумани **“Бешқўтон”** маҳалласи раиси;

**ХАЛИЛОВ**
**Абдиназар Абдурахимович** – Пахтачи тумани **“Дўнг”** маҳалласи раиси;

**ХАЛИЛОВ**
**Дилшодбек Абдиғаниевич** – Қува тумани **“Саноатчилар”** маҳалласи раиси;

**ХАМИДУЛЛАЕВА**
**Умида Абдурауфовна** – Тошкент тумани **“Саноат”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ХАМРОЕВ**
**Бахшулло Жураевич** – Навоий шаҳар **“Кимёгар”** маҳалласи солиқ инспектори;

**ХАТАМОВ**
**Сарвар Мухаммадиевич** – Олтинсой тумани **“Жобу”, “Чеп”, “Ипоқ”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**ХАЙРУЛЛАЕВА**
**Розия Саидовна** – Термиз тумани **“Гулистон”** маҳалласи раиси;

**ХОДЖАКУЛОВА**
**Индира Карсибаевна** – Янгиер шаҳар **“Юксалиш”** маҳалласи раиси;

**ХОЛИҚНАЗАРОВА**
**Хурматхон Абдумажидовна** – Бувайда тумани **“Жийдал”** маҳалласи раиси;

**ХОЛМАТОВ**
**Фахриддин Алишер ўғли** – Улуғнор тумани **“Бўстон”** ва **“Янгиобод”** маҳаллалари солиқ инспектори;

**ХОЛМИРЗАЕВ**
**Дустмухаммад** – Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети яйлов чорвачилиги, қоракўлчилик, асаларичилик ва ипакчилик кафедраси профессори, маҳалла фаоли;

**ХОЛМИРЗАЕВА**
**Одинахон Акмалжон қизи** – Учкўприк тумани **“Катта Қашқар”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ХУДОЙБЕРДИЕВ**
**Хасан Ўразматович** – Гулистон тумани **“Тинчлик”** маҳалласи раиси;

**ХУДОЙБЕРДИЕВ**
**Эшбўри Худоймуродович** – Термиз тумани **“Ғорин-Гиламбоб”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ХУДОЙНАЗАРОВ**
**Дилшод Маматмуродович** – Узун тумани **“Файзобод”** маҳалласи раиси;

**ХУЖАМУРАТОВ**
**Акбаржон Исмаилович** – Амударё тумани **“Босув”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси;

**ХУРРАМОВА**
**Зилола Ахматовна** – Қарши шаҳар **“Отчопар”** маҳалласи раиси;

**ЯҚУБОВА**
**Шаҳло Машариповна** – Хива шаҳар **“Ичан қалъа”** ва **“Қумясқа”** маҳаллалари хотин-қизлар фаоли;

**ЕСИРГАПОВ**
**Сардор Абдужаббор ўғли** – Фориш тумани **“Мустақиллик”** маҳалласи профилактика инспектори;

**ЮЛДАШЕВ**
**Фарход Пардаевич** – Жиззах шаҳар **“Ўратепалик”** маҳалласи раиси;

**ЮЛДАШЕВ**
**Рахмонжон Хамиджонович** – Поп тумани **“Эски тўда”** маҳалласи раиси;

**ЮНУСОВА**
**Зилола Мирзадавлат қизи** – Чуст тумани **“Дўзанда”** маҳалласи ижтимоий ходими;

**ЗИЛБОЕВА**
**Нигора Абдужапаровна** – Ангрен шаҳар **“8-март”** маҳалласи раиси;

**ЗИЁДУЛЛАЕВ**
**Фаррух Хайрулло ўғли** – Косон тумани **“Эсабой”** маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 29,7 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **17 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **452 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ҚИЁФА

# “ҲАР ҲУНАРГА ЗЕБ БЕРАДИ МАҲАЛЛАМИЗ АЁЛЛАРИ”



**Зуҳра ҚИЛИЧЕВА, Тўрткўл туманидаги “Тинчлик” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

Аёл киши бўлганим боис хотин-қизларга, аввало, нима кераклигини яхши биламан. Менга айтишга ботинолмай турганда ҳам ҳолати, шароитига қараб, заруратини дарров пайқайман. Бир сўз демаса-да, ранги-рўйи, кўзларидаги маъюслик у ҳақида барчасини ошкор қилади. Ва ниҳоят ҳеч нарсани мендан яшира олмагач, секин муаммолари ҳақида сўзлай бошлайди.

Хотин-қизларга кўмак бериш учун шакллантирилган “Аёллар дафтари” йилда бир марта янгиланади. Унга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга турли йўналишларда ёрдам кўрсатилади. Биз бу ўринда кўпроқ уларни иш билан таъминлашга асосий эътиборни қаратганмиз. Тадбиркорлик бўладими, паррандачилик, тикувчилик йўналишларими, уларга субсидия, кредит ажратиб, ўзи истаган соҳада даромад топишига имконият яратамиз.

Дастаб фаолиятимни бошлаганимда кўплаб аёлларимиз ишсиз эди. Бошида шароити оғирлиги ҳақида гапиришга ийманишарди. Уларга мен ҳам улар каби аёл эканимни, ҳеч нарсадан чўчимаслиги кераклигини уқтирдим. Субсидиялар, кредитлар олишни маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатдим. Кейинчалик аксарияти 33 миллион сўмдан кредит олиб, тикувчиликни йўлга қўйди. Маҳоратини ошириб, иш ҳажмини кенгайтиришди. Ҳудудда кўпроқ ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик ривожлангани боис ҳозирда кўпгина аёл-қизларимиз уйда ўтириб, тикувчилик, каштачилик билан шуғулланади. Мавсумга қараб буюртма асосида костюм-юпка, кўйлаклар тикиб, бозорга чиқаришади.

Ғаллакор кўчасида истиқомат қилувчи Ойгул Турумтоева оилада тўрт нафар қиз бўлиб, онаси ҳам, отаси ҳам ишсиз. Кредит асосида тикув машина олиб берганимиздан кейин ҳозир оилавий тадбиркорга айланган. Буюртма асосида кўйлаклар тикади. Ўзларидан ортса, бекор ўтирган қўшни аёлларни ҳам ишга жалб қилишади. Шунингдек, тикувчиликка ўқитган қизларимизни унга шогирдликка берганмиз, Ойгул кўйлакларни бичиб, тикишга беради. Айни кунларда уларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Яна бир чевар аёл — Чамангул Қурбонниёзова тўйлар учун қуроқ, кўрпалар тикиб сотади. “Ҳунармандлар” уюшмасига аъзо қилганмиз. Ҳозир 5-6 нафар шогирди бор. Энди иш фаолиятини кенгайтириш учун ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Чунки бунга талаб ва таклиф кўп тушмоқда.

Маҳалламизда ҳунармандчиликдан ташқари қуёнчилик, балиқчилик, паррандачилик ривожланган. Аёлларимиз, асосан, уй шароитида парранда боқади. Бу иш улар учун енгилроқ ва даромадбоп. Хусусан, Ойжон Оллаберганова уйида 2 000-3 000 бош дўмбоқ оқ товуқларни парваришлайди. Бу товуқлар 40 кунда тайёр бўлади. Товуқлар етилгач, гўштини бозорга тарқатишади. Энди ишга келган вақтимда бу аёлнинг шароити жуда оғир эди. Уни ҳоким ёрдамчиси билан бирга тадбиркорликка ўқитдик. Бироз тажриба орттириб, ишини кредит асосида 200 та товуқ боқиш билан бошлади. Уч йил давомида бу йўналишнинг сир-асрорларини яхши ўзлаштиргач, бу йил яна 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини кенгайтирди.

Маҳалламиз аёллари тиниб-тинчимайди, меҳнатдан қочмайди. Уй ишлари дейсизми, даладаги экинларми, ҳаммасига вақт топишади. Шундай аёллардан бири Гулзор Самиева гулчилик билан шуғулланади. Ҳозир айни мавсумда гулларнинг бозорда савдоси яхши. Сурайё Йўлдошева эса бодринг, помидор экиб, томорқадан яхши фойдаланади. Экин эккач, тупроқ яна ҳам унумдор бўлиши учун биогумус сотиб олиб, кўчат тагига сепиб чиқади. Шу тариқа битта иссиқхонада икки-уч марта маҳсулот етиштиради. Маҳалламизда ҳозирча яна 4 нафар аёлнинг иссиқхонаси бор. Бир мавсумда 4-5 миллион сўм фойда кўришади.

Умуман олганда, маҳалла аёллари уларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, оиласи бюджетига ўз ҳиссасини қўшяпти.



ИМКОНИЯТ

# АҚЛ ЭГАЛАРИНИНГ ОҚИЛОНА ТАНЛОВИ, БУ — ТАДБИРКОРЛИК!

**Тадбиркорликка кенг йўл очилган бир вақтда ушбу имкониятдан унумли фойдаланиш ақл эгаларининг оқилона танловидир. Мен аҳолини қайси йўналишда бўлмасин, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга, айниқса, тадбиркорликни ривожлантирмоқчи бўлганларга барча шароитни ҳозирлашга тайёрман.**



Президентимизнинг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, бу йил маҳалламиздаги 15 та тадбиркорлик субъектига 1 миллиард 450 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Маблағлар тадбиркорлик йўналишида фаолият бошламоқчи бўлганларга тақсимланди. Улардан бири — якка тартибдаги тадбиркор Гулистон Жаббарбергановага хамирдан ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш корхонасини ишга тушириш учун 50 миллион сўм кредит ажратилди. Бу орқали у миграцияда юрган келини, икки нафар ўғлининг, шу билан бирга, “Аёллар дафтари”даги икки нафар аёлнинг бандлигини таъминлаган.

Ҳудудда юқоридаги каби ташаббуслар талайгина. Энг муҳими, барчасининг мақсади битта — одамларни шу ернинг ўзида банд қилиш, рўзғори бутлигини таъминлашига ҳисса қўшиш, маҳалла фаровонлигини таъминлаш.

**Қууанишбек КАЙПНАЗАРОВ, Чимбой туманидаги “Қоракўл” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

ОМИЛКОРЛИК

# КЎП МЕҲНАТ ТАЛАБ ЭТМАЙДИ, КЎП ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

**Мират БАЙРАМОВ, Тахиатош туманидаги “Сарайкўл” маҳалласи ёшлар етакчиси.**



Овулимиз кичик ҳудудда жойлашган. Бироқ бу аҳолининг йилқичилик билан шуғулланиши учун муаммо туғдирмайди. Ёшлар учун ҳам қорамол боқиш кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланган.

Чорва моллари билан бирга, ёшларимиз бу йил қуён боқишга қизиқиш билдирди. 30 нафар ёшга 11 донадан қуён бердик. Айтиш жоизки, овулда қуённи кўпайтириш қийин эмас. Чунки ҳар бир хонадоннинг ўз томорқаси бор, уларда қуён учун озуқани етиштириш мумкин. Бу ортиқча харажат талаб қилмайди. Вақтида озиқлантириб, тозаликка эътибор қаратилса бас. Узунқулоқлар жуда тез кўпаяди — зотдор қуёнлар ҳар 21 кунда 12 тагача болалайди.

Маҳалладошимиз Жавлон Раҳмонов 11 та қуённи уйида парваришлаяпти. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, битта қўйга сарфланган харажатни қуёнга сарфласак, олти ой муддат ичида бир неча баробар кўп даромад келтирар экан. Жавлон ҳозирда қуён кўпайтиришга астойдил киришган. У қуёнларни мўйнаси ва гўшти учун боқмоқчи. Яхши парваришланса, уларни харидор уйдан келиб олиб кетиши мумкин.

Хуллас, маҳалламизда мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга интиляпмиз.

МАНЗАРА

# Ширин турмуш ташвишлари ортида роҳати бор




Ёш пайтимиздан катталар: “Баҳор келдими, табиат уйғонди. Ана энди ишлаш керак”, деб бизни дарахт экишга ундашарди. Мевалими, манзаралими, ҳар бир хонадонда дарахт кўчатини ўтқазиш шарт эди.

**Алишер АБДУРАҲМОНОВ, Беруний туманидаги “Дўстлик” маҳалласи раиси.**

У ҳам соя беради, ҳам кислород алмашинувини таъминлаб, атроф-муҳитни тоза тутади, деб уқтиришган.

Бу анъана бизга эски замонлардан, ота-бобомиздан қолган меросдир. Мен ҳам болаликдан сингдирилган бу одатга содиқ қолган ҳолда, баҳор келиши билан маҳалла аҳлига айтаман: *“Келинглар биродарлар, бирлашайлик, кўчаларда ҳамма битта бўлса-да ниҳол эксин. Уйингизда 10 дона кўчат қаданг. Эртага сиздан шу дарахт ёдгор қолади. Невараларингиз: “Шуни бобом эккан”, деб мевасини ҳузур қилиб, ейди. Савоби эса сизларга қолади”.*

Эскидан бир гап бор. Чақалоқ туғилса, ўша ерда отаси чақалоқ учун дарахт кўчатини эккан. Сабаби, дарахт мева бериб, гуркираб ўсгани каби бола ҳам худди дарахтдек униб-ўссин, ажойиб инсон бўлсин, деб ният қилган. Буларнинг бари ота-боболаримиз томонидан ўйлаб қилинган ишлар. Шунинг учун ҳамма ўзининг уйида ерга меҳр бериши керак, кўчат бўлса – кўчат, экин бўлса – экин экиши лозим. Томорқа масаласи бўйича янгидан-янги қарорлар чиқариляпти. Бундан унумли фойдаланиб қолиш зарур.

**“Томорқангда нима экдинг, ҳозир нима билан бандсан”, деб сўрайман.**

Қишлоқ шароитида кўпчиликнинг ўртача 10-15 сотих ери бор. Унда ишлаётган ҳам бор, дангасалик қилиб, ернинг умрини беҳуда ўтказаётган ҳам топилади. Мана шу ердан 3 марта ҳосил олса, йўқ деганда 25 миллион сўм атрофида даромад қилса бўлади. Сабзи, пиёз, картошка сингари сабзавотлар, олма, ўрик, шафтоли каби мевалар ўзида бўлса, бозорнинг кераги бўлмайди. Шунинг ўзи бир оилага етади. Фақат меҳнат қилиш керак, холос. Кўча-кўйда юрсам кўрган одамга: *“Томорқангда нима экдинг, ҳозир нима билан бандсан”,* деб сўрайман. *“Мана буни оқла, буни тўғрила, уни қил”,* деб тергайман.



Ушбу куюниш ва ниҳоят ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Нуронийлар, кўчабошилар билан аҳолини бирлаштириб, кўчаларда ободонлаштириш ишларини олиб бордик. Одамларга мевали дарахтлар кўчатлари тарқатилди. Ўтган йили кузда 1 200 тупдан ошиқ кўчат берилган бўлса, бу йил 6 670 туп кўчат тарқатилди. Уйларда кўчат экилиши жараёнида ўзим ишнинг бошида туриб, назорат қилдим. Шунингдек, хонадонларга полиз экинлари кўчатлари етказиб берилди. Бу билан томорқа ерлардан унумли фойдаланиш орқали аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди, уларнинг турмуш даражаси яхшиланмоқда.

Маҳалла аҳолиси жами 2 500 нафарни ташкил этади. Уларнинг кўпи иссиқхона ташкил этган, чорвачилик билан ҳам банд бўлганлари талайгина. Маҳалладаги эркакларнинг бир қанчаси савдо-сотиқ билан шуғулланса, уйда аёллар томорқа ишлари билан машғул. Помидор, картошка экади, қорамол боқади. Буларнинг бари турмушнинг ширин ташвишлари аслида.

Одамлар ҳам “еттилик” фаолиятидан мамнун. Бирдамликда, ҳамжиҳатликда маҳалламиз фаровонлиги йўлида ҳаракатдан тўхтамаймиз!



**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 112,8 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **12 та** туман мавжуд бўлиб, **585 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



МУЛОҲАЗА

# Оиласининг тутумини, рўзғорининг бутлигини эркаклар тўғрилайди

**Маҳалламиз анча қадимий масканлардан бири. Бу йил унинг 100 ёшини нишонлаймиз. Ҳудудимизда Шайх Зайниддин бобо мақбараси жойлашгани боис зиёрат қилиб келувчилар жуда кўп. Китобларда 700 йиллик тарихга эга бўлган мазкур гўшани Амир Темур таъмирдан чиқаргани ҳақида ёзиб қолдирилган. Баъзан шундай азиз инсонлар қадами етган жойда яшаётганимиздан ғурур туямиз. Уларга муносиб авлод бўлиш мақсадида туну кун меҳнат қиляпмиз.**



**Зулайҳо КАРИМОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги “Кўкча” маҳалласи раиси.**

Айни вақтда маҳалламизда 8 минг 500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ёши 90 дан ошган нуронийларимиз бор. Доим уларнинг ҳолидан хабар олиб, керакли ёрдамларни кўрсатишдан мамнун бўлганмиз.

Тўғриси, идорада жуда кам ўтираман. Кўпроқ юришга, ҳududдаги асл ҳолатни ўз кўзим билан кўришга ҳаракат қиламан. Хулосаларим, камчилик ва қилинадиган ишларни ярим кечага қадар қоғозга тушириб ўтираман. Ҳаммасини охирига етказиб, кўнглим хотиржам бўлмагунча идорадан чиқиб кетолмайман.

Ҳамма жойда бўлгани каби бизда ҳам қийналган, ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар топилади. Баъзан “еттилик” ходимларига аҳолининг шундай вакилларига қандай хизмат кўрсатиш кераклиги борасида тавсиялар бераман. Биргаликда муаммоларга ечим излаб, муносиб қарорлар қабул қиламиз.

Бундан етти йил аввал, энди иш бошлаган вақтимда бир ногирон қиздан хабар олгани хонадонига бордим. Қарасам, расм чизишга иқтидори баланд. Унинг қизиқишини эътибордан четда қолдирмаслик мақсадида қалам ва расм дафтар олиб бердим. Ҳар сафар йўлим тушганда, унинг ишларини кўриш, янада рағбатлантириш учун уйига кириб ўтардим. 2022 йилда Рисолат Қаҳрамоновага алоҳида устоз бириктирилди. Барча зарурий анжомларни олиб берганимиздан кейин унинг ижоди янада ривожланди. Ҳозир бу қизимиз П.Бенков номидаги республика ихтисослашган рассомлик коллежининг 2-босқичида таҳсил оляпти. У яратаётган ижод намуналарини аввалгилари билан солиштириб кўрсам, қоронғу, булутли тасвирлар ўрнини ёрқин ва ёруғ лавҳалар эгаллаган. Демак, ҳаётга қарашлари ўзгарган. Келажагига бўлган умид куртак оча бошлади.

Ёшлар бизнинг келажагимиз. Шунинг учун тез-тез мактабга бориб тураман. Нуронийларни чақириб, ота-оналар мажлиси ташкиллаштирамиз. Агар оилада интизом бўлса, маҳаллада тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Доим шу масалага алоҳида урғу бераман.

Жорий йилда “Намунали оила”, “Намунали келин” каби аввал ўтказилиб, кейинчалик тўхтаб қолган кўрик-танловларни қайта ташкил этишни режалаштирганмиз. Қизлар ўртасида ҳам шундай мусобақалар уюштириш уларни турмушга тайёрлашга хизмат қилади. Эртага бировнинг уйига бориб, иш ёки муомала қилишни билмай, қайтиб келганидан кўра, ҳаммасини ўргатиб узатганимизга нима етсин.

Турмуш ҳақида сўз кетганда, эркаклар мавзусига тўхталмай иложим йўқ. Кўпчилик қизлар тарбияси ҳақида сўз юритадию, йигитларни оила бошлиғи сифатида улғайтириш масаласини четда қолдиради. Аслида, бугунги ажралишларнинг 90 фоизида эркакларни айбдор санайман. Агар улар тўғри ёндашув қила олса, онасининг ҳам, турмуш ўртоғининг ҳам кўнглига йўл топади. Битта сўзи билан ҳар қандай майда гапларга нуқта қўяди.

Баъзан маҳаллани айланиб юриб, элликдан ошган эркакларнинг ҳеч қаерда ишламай, бекор ўтирганини кўриб, ичим эзилади. Шундай вақтларда “Эркаклар дафтари”ни юритиш керакмикан, деб ўйлаб қоламан. Оила бошига меҳнат қилиш, фарзандларига ўрнак бўлиш ярашади. Аёлининг топиб келаётган пулини ишлатиб тургандан кейин ўртада можаро кўпайиши турган гап.

Орамизда ногиронлиги бўлган, юра олмайдиган инсонларнинг олдинга интилаётгани, меҳнат қилишга иштиёқи баландлигини кўриб ҳавасим келади. Мисол тариқасида маҳалладошимиз Аъзамжон Раҳимовни келтирган бўлардим. Кичиклигидан компьютер технологияларига қизиқиши баланд. Ундаги интилишни кўриб, 2022 йилда маҳалламизда ташкил этилган ўқув курсида таҳсил олишига ёрдам бердик. Ҳозир қўлида сертификати бор, тайёр мутахассис. Олган билимларига қониқмай, тинимсиз онлайн дарслар орқали ўз устида ишлайди. Яқинда оиласига ёрдам бериш мақсадида ёнимга иш сўраб келди. Ҳудудимиздаги 192-мактабга компьютер мутахассиси лавозимига киритиб қўйдик. Бундан ташқари, расмларни монтаж қилиш бўйича уйида мустақил ишлаб, пул топяпти. Аъзамжоннинг шароитини янада яхшилаш мақсадида ижод хонасини қулай тарзда таъмирлаб беришни режага киритганмиз.

Фаолиятим жараёнида бир ҳақиқатни кўп тушуниб етаман. “Маҳалла еттилиги” ходимлари имкон қадар ўша ҳудуд фуқароси бўлиши зарур. Кўп жойда электрон платформадан ўтиб келган ишчилар қабул қилиняпти. Лекин у бу маҳалланинг пасту баландини тушуниши учун анча вақт керак бўлади. Кимдир ёнида юриб, иш ўргатишига тўғри келяпти. Келгусида мана шу масалага ҳам эътибор қаратилса яхши бўларди.

МАНЗАРА



# “Масъул ходим эмас, яқин инсонидек далда бўламан”

**Ҳамма аёл бахтли бўлишга ҳақли. Ҳар бири ўз яқинлари меҳрини ҳис қилиши, фарзандларини тўла-тўкис улғайтириши зарур. Шундагина оилалар мустаҳкам бўлади.**

**Гулнора УМАРОВА,**
**Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.**

Лекин шарт-шароит, вазият сабаб айрим хотин-қизлар атрофдагиларнинг кўмагига эҳтиёж сезади. Қўллаб-қувватлайдиган, йўл кўрсатадиган инсонга муҳтож бўлади. Оилаларга кирганда, хонадонларни айланганда, фуқароларнинг кўзига қараб буни дарров сезаман. Уни бир четга олиб кўнглидагиларини сўзлаб беришига имкон яратаман. Ўзим жимгина тинглаб, ҳиссиётларини қалбдан туйиб ўтирар эканман, шу жараённинг ўзида хаёлан қандай ёрдам кўрсатиш режасини тузаман. Маҳалла ходими бўлиб эмас, аксинча, яқин инсонидек далда бўламан.

2019 йилдан буён шу тизимда ишлаб келаётган бўлсам, жуда кўп ҳолатларга дуч келдим. Турли тақдир эгаларининг кечмишлари ва муаммоларини у билан бирга яшаб ўтдим. Кузатувларимга таяниб айтишим мумкинки, ҳар қандай кучли ва иродали аёл ҳам доим меҳр ва эътибор кутиб яшайди. Гарчи у моддий жиҳатдан тўла-тўкис бўлса-да, яқинларининг эътирофидан бошқача қувват олади. Шу ёндашувга асосланиб, доим яхши натижаларни қўлга киритаётган фуқароларни рағбатлантираман. Бундан-да каттароқ ютуқларга эришиши мумкинлигига ишонтираман.

*Ҳудудимиздаги кўплаб хотин-қизлар расмий секторда банд. Улар орасида ўқитувчи, шифокор, ҳуқуқшунос бўлиб фаолият юритадиганлари анчагина. Ҳар бирининг жамият ҳаётида ўз ўрни бор. Шу билан бирга, оила ва фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратишади.*

Маҳалла тизимида битта ходимнинг ўзи ҳеч қандай натижа кўрсата олмайди. Биргина хотин-қизлар йўналишида аёлларни ишга жойлаштириш бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қиламиз. Унинг фарзандлари билан боғлиқ муаммоларга ечим топишда ёшлар етакчиси кўмаклашади. Ногирон парваришлаётган аҳоли вакилларига ижтимоий ходим билан бирга хизмат кўрсатамиз. Барчаси ўзаро узвий боғлиқ бўлган жараёнлар. Агар ҳар бир ишга шу тарзда чуқур ёндашилса, аҳоли муаммолари янада тезроқ ва осонроқ ҳал бўлади.

Юлдуз Ражабова олий маълумотли бўлишига қарамай, тақдир тақозоси билан фарзандида ногиронлиги бўлгани учун соҳаси бўйича фаолият юрита олмади. Лекин қўли гул чевар. Уни фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида маҳалламиз ҳудудидан ижара асосида жой олиб бердик. Аввалига “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, қизларга ҳунар ўргатишни бошлади. Икки марта маҳалла тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, тикув машиналари сонини 6 тага етказди. Ҳозирги кунда 8 нафар ходими билан қўли-қўлига тегмай ижод қиляпти. Ярим кечаси борсангиз ҳам нимадир тикиб ўтирган бўлади. Буюртмалари шунчалик кўпки, битириб бергунча анча навбат кутишга тўғри келади. Турмуш ўртоғи ҳам тадбиркорлик билан шуғуллангани учун оиланинг тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиши осон кечди. Келажакда тайёр маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни режалаштирган.

Ҳаммамизга маълумки, “Аёллар дафтари” бир йил учун бир марта шакллантирилади. Лекин мен фуқаро аниқланганда рўйхатга олиниб, керакли хизмат кўрсатилгандан кейин дафтардан чиқарилишини таклиф қилмоқчиман. Кимдир оғир касалликка чалиниб қолса, кейинги йилгача кутиб туролмайди-ку. Моддий ёрдам ҳамма учун бир марта эмас, зарурат бўлганларга олдинроқ чиқариб берилса. Баъзан беморларимиз ўша моддий ёрдамга етиб боролмай вафот этган ҳолатлар бўлган. Шу бизнинг оғриқли нуқталаримиздан бири. Агар мазкур тизим ёпилмай, ҳамиша очиқ турса, маълумотлар янгиланиб борса, аҳолига анча қулайлик яратган бўлардик.

ЖАРАЁН

# “Сен — энг зўрисан, мен сенга елкадошман...”

**Маҳалла — катта амалиёт майдони. Халқ билан юз-юз иш олиб бориш имкониятидан тўғри фойдаланиб, келажакда юқори натижаларга эришиш мумкин. Турли феъл-атвордаги, қарашлари ва тарбияси ҳар хил бўлган ёшлар билан ишлаш жуда қизиқ жараён. Шу билан бирга, масъулият, билим ва куч талаб қиладиган соҳа.**

**Шоҳиста ИНОЯТОВА,**
**Яккасарой туманидаги “Дилбулоқ” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Аввал мактабда ёшлар етакчиси бўлиб ишлаганим менга маҳаллада анча қўл келди. Лекин бошлаб олиш осон кечмади. 14-30 ёшлиларнинг барчасини бир мушт қилиб бирлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш, тарбияси оғир болаларга алоҳида эътибор қаратиш каби йўналишлар бор имкониятимни ишга солиб меҳнат қилишга ундади.

Ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида кўнгиллилар гуруҳини туздик. Уларнинг кўмагида “Бир сафда — бир куч”, “Яхшилик, албатта, қайтади” шиорлари остида ҳар хил лойиҳаларни амалга ошириб, одамларга меҳр улашяпмиз. Энг фаол ёшларни рағбатлантириш йўлга қўйилди. Мен иш бошлаганимда, маҳалла жиноятчилик кўрсаткичлари юқорилигидан “қизил ҳудуд” бўлган. “Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати билан “сариқ ҳудуд”га айландик. Энди бутунлай жиноятчиликдан холи бўлишни мақсад қилганмиз.

Аввалига “Беш ташаббус олимпиадаси”да туман босқичи ғолиблари чиқди. Кейинги йили Тошкент шаҳарда, бу йил республика миқёсида яхши натижаларни қўлга киритдик. Гандбол бўйича жамоамиз аъзолари 3-ўрин соҳиби бўлишди. Йилдан-йилга ёшларнинг натижалари яхшиланиб боряпти.

Шу билан бирга, ўзимнинг шахсий ривожланишим учун давлатимиз янада кенг имкониятлар яратиб беряпти. Хусусан, ёшлар муаммоларини ўрганиш институтининг 4 ойлик қайта тайёрлов курсини тамомладим. Энг катта ютуқларимдан яна биттаси — айни вақтда “Раҳбар аёллар” мактаби тингловчисиман. Бу ерда етук профессорлар бераётган билим келгуси фаолиятимни самарали ташкил этишимга замин яратади.

Фаолиятимни бошлаган илк кунларим ёшлар билан уйма-уй кириб суҳбатлашганимда, 11-синфда ўқийдиган бир боланинг ўзини тутиши эътиборимни тортди. “Нималарга қизиқасиз?”, деб сўрасам, “Менга ухлаш ёқади”, деса бўладими. Шундан кейин бу ўсмирга алоҳида эътибор қаратишни бошладим. Чунки ухлаётган, онгида бўшлиқ бўлган бола ҳар хил оқимларга кириб кетишга мойил бўлади. Шунинг учун уни укамдек ёнимга олиб, кўнгиллилар сафига қўшдим. Ўтган йили ёшларни ҳарбий хизматга жалб қилиш лойиҳаси бўйича маҳалламизнинг энг фаол йигитига қўшиб уни ҳам зиммасидаги вазифани адо этишга кузатдик.



Буни қарангки, мен натижа кутган бола эмас, “ухлашни ёқтираман”, деган Дилмурод Акбаевдан етакчи номига ташаккурнома келди. Ўзи ҳали ҳарбий хизматда, лекин масъулияти, тиришқоқлиги билан маҳалламизга раҳмат келтирди. Бу меҳнатимиз, берган эътиборимизнинг натижаси эканини билдим. Ўзимнинг фарзандим, укам рағбат олгандек севиндим.

Бола билан у қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, яқин инсонидек гаплашишимиз керак. “Мен сенга елкадошман”, деган далдангиз унга бошқача таъсир қилади. Оғир тоифадаги болалар билан тил топишиш бироз қийин кечиши мумкин. Уйига борасиз, керак бўлса сизни ҳайдаб юборади. Таслим бўлмасдан, “Кел, шу ишда ёрдам бериб юбор”, “Сен — энг зўрисан”, деб рағбатлантириб, ҳар бир ёшни ноёб иқтидор эгаси эканига ишонтириш керак. Бу ёндашув, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Ота-онаси, дўстларига айтолмайдиган гапларини келиб бизга айтадиган ёшларимиз жуда кўп. Уларнинг ишончига кириш ва оқлаш учун тинимсиз ўз устимизда ишлаяпмиз.



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 461,0 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **16 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **909 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.






ТАКЛИФ

# ҚЎШИМЧА БАЛЛ БЕРИЛСА, ҚАМРОВ ЯНА ОРТАРДИ...

**Маҳалламизда 15 нафар ишсиз ёш аниқланган. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида янги лойиҳа устида ишлаяпмиз. Бунда лидер тадбиркор кўмаги билан ёшлар боғи барпо этиш назарда тутилган.**



**Улуғбек МУҲАММАДОВ, Марҳамат туманидаги "Кўтарма" маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Йигитлар жараённинг дастлабки босқичидаёқ меҳнат қилишга киришиб кетишди. Узум ўстириш учун 10 гектар майдонга ишкомлар қуриб битказилди. 2 гектар жойга серҳосил ва фойдали резавор мева — малина экиш ҳам бошлаб юборилди. 10-12 йилгача ҳосил берадиган, шифобахшлиги сабабли бугун бозорда ҳам талаб анчагина ортган бу меванинг фойдалари ҳақида маълумотга эга бўлган лидер тадбиркор ушбу экинга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳам даромад топишни, ҳам ёшларни ишли қилишни ўйлаган маҳалладошимизнинг бошлаган эзгу ишидан мақсадлари катта.

Ҳудудимизда имконияти чекланган, лекин иштиёқи баланд ёшлар кўплаб топилади. Хусусан, Самандар Отажоновнинг ўзида ва ота-онасида ногиронлик мавжуд. Шунга қарамай, янги ғоялари бор. Унга шароит яратиб бериш мақсадида чорвачилик учун 33 миллион сўм ҳамда ўрдак парваришига 50 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Соҳаларни муваффақиятли юритиш учун амакисидан йўл-йўриқларни ўрганиб келяпти.

Инсон борки, ўзи учун наф келтирадиган ишни ўзгача иштиёқ билан бажаради. Шу маънода "Беш ташаббус олимпиадаси" иштирокчиларини рағбатлантириш бўйича таклиф киритмоқчиман. Агар мусобақанинг вилоят босқичи ғолибларига ҳам йўналишидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларига киришда қўшимча балл берилганда, мазкур беллашувга ёшларни қамраб олиш ва тайёрлаш кўлами янада ортган бўларди.

ЯНГИЛАНИШ

# "Отиш" абгор ҳолатдан обод масканга айланди



**Кўпчилик менга "Аслида маҳалла раиси қандай бўлиши керак?", деган савол билан мурожаат қилади. Йигирма йиллик тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, аввало, ундан жонкуярлик талаб қилинади. Ҳар қандай вазиятга, ҳар қандай масалага эътибор билан ёндашмас экан, ҳудудида ўзгариш қила олмайди. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларга катта масъулият билан қараши лозим. "Ҳа, эртага қиларман", деган совуққонлик унинг ишини орқага тортаверади. Бундан ташқари, раисни маҳаллада истиқомат қиладиган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли вакиллари бирдек таниши, ҳурмат қилиши, сўзини икки қилмай бажариши зарур. Шундагина бирдамлик ва ҳамкорлик муҳити юзага келади.**

**Турғунбой ҚЎЛДОШЕВ, Асака туманидаги "Отиш" маҳалласи раиси.**

Агар маҳалламизга 2015-2016 йилларда келганингизда, кўчаларни кўриб, қўрқиб кетардингиз. Ҳолат ҳақиқатан жуда оғир эди. Одамлар даромад топиш мақсадида ёғоч ва темирлардан қўлбола иссиқхона қуриб олган. Иситиш тизими қониқарли бўлмаганидан экинларни совуқ урган. Ҳатто, устига тўшалган гилам ва матолар ҳам ёрдам бермасди. Фуқаролар бундай шароитда даромад қилишни фақат хаёл сурарди, холос.

Сўнгги йилларда берилаётган имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиб, республиканинг энг илғор маҳаллалари қаторига қўшилдик. Барчасининг замирида меҳнат ва яна меҳнат ётибди. Энди аҳоли имтиёзли кредит асосида замонавий иссиқхоналар барпо этяпти. Топаётган пулининг баракаси сабаб уч ойга қолмай қарзини ёпиб юбораётганлар анчагина. Ҳудудимиз тўлиқ шу йўналишда меҳнат қилишга ихтисослашди. Томорқаларда пишиб етилаётган помидор, бодринг, булғор қалампири каби полиз экинларининг харидорлари бисёр. Ёшларимиз энг илғор олий таълим муассасаларида ўқиб келиб, янгича иситиш тизимларини амалиётга қўллаяпти.

Бозорбой Собиров иссиқхона йўналишида 20 йиллик тажриба эга бўлган лидер тадбиркорларимиздан. Унинг 30 сотихли майдонда етиштираётган помидор кўчатларига харидорлар ҳали тайёр бўлмасидан навбат кутиб туришади. Сабаби доимий равишда синалган ва сифатли уруғ экади. Ишловни бошқача меҳр билан беради.

Бундан ташқари, 20 сотих жойда помидор ва бодринг экиб, ҳосил олади. Йиллик даромади ўртача ҳисобда 500 миллион сўмни ташкил этади. Қўни-қўшнилари ҳам ундан иш ўрганиб, яхши натижаларга эришиб келяпти. Мисол тариқасида миграциядан қайтиб келган ака-укаларни келтирмоқчиман. Аввалига иккиси ҳам бекор, ҳеч қаерда ишламасди. Идорага келиб, картошка, пиёз, қўшимча моддий ёрдам сўрарди. Кейин уларни Бозорбой аканинг иссиқхонасига ишчи сифатида киритиб қўйдим. Турмуш ўртоқлари ҳам шерик бўлди. Қисқа фурсатда 4 кишининг маоши 12 миллионга чиқди. Қолаверса, бўш вақтида уйида чорва молларини боқиб, томорқасидаги иссиқхонада ишлаб, даромадини анча оширди. Яқинда янги автомашина харид қилишди. Отасини Ҳаж сафарига юбориш тадоригини кўришяпти. Кўча-кўйда кўришиб қолсак, "Биздан маҳаллага қандай ёрдам керак?", деб сўраб қўйишади. Бундай натижалардан хурсанд бўлмасликнинг иложи йўқ.

**Бу йил ҳудудимизни энг обод маҳаллага айлантиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун нафақат кўчаларни, балки ҳар бир хонадоннинг озодалигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. "Еттилик" вакиллари билан уйма-уй юриб, керак бўлса, тепасида туриб, ҳовлиларини тозалатяпмиз. Томорқасига ишлов бериб, экин экишини назорат қиляпмиз. Қандай ёрдам ва кўмак бўлса, кўрсатиляпти. Бизнинг шижоатимизни кўрган аҳоли вакилларининг меҳнат қилишга шижоати ошган. Наҳордан кўчаларимиз гавжумлашиб кетади. Қуёш чиққунга қадар кўпчилик юмушларини яримлатиб қўяди. Саҳар туриб, ризқ сўраган халқнинг хонадонига барака кириши шубҳасиз.**




# Кичик кўмак баъзан катта натижага асос бўлади

**Арзимаган ёрдам билан кимнингдир ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориш мумкинлигига ишонасизми? Мен бу саволга "албатта", деб жавоб берган бўлардим. Ҳатто бир қанча мисоллар келтиришим мумкин.**

**Маҳаммадий ЭРГАШЕВ, Андижон шаҳридаги "Саховат" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Мавлуда Тошматова 12 йил давомида хорижда ишлаган. Она тупроқ соғинчи уни юртимизга қайтишга ундади. Лекин келганида бирор иши йўқ, даромад манбаига эга эмасди. Ёнимизга келиб, кредит олиш истаги борлигини билдирди. Шунда аёлнинг ўзига бўлган ишончини кўриб, 17 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратдик. Ўзидаги мавжуд техника ва анжомлардан унумли фойдаланиб, қандолат маҳсулотлари пиширишни йўлга қўйди. Ҳозир 9 та дўкон билан шартнома асосида ишлаб келяпти. Битта пишириқни 135 минг сўмдан топширади. Унинг сарф-харажатлари эса 115 минг сўмни ташкил этади. Гарчи кўраётган фойдаси кам бўлишига қарамай, кўпроқ мижозлар орттириш мақсадида нархни янада туширмоқчи. Гарчи тайёр маҳсулот устига қўйилаётган пул кам бўлса-да, 15 кун ичида Мавлуда опанинг соф фойдаси 3 миллион сўмни ташкил этган. У олинган кредитни 3 ой давомида тўлиқ ёпиб, бизнесига яна 50 миллион сўм маблағ йўналтиришни режалаштирган. Шундан сўнг оилавий тадбиркор сифатида фаолиятини кенгайтириб, ёнига 2 нафар ёрдамчи олмоқчи.

Кўриб турганингиздек, ўзида интилиш бўлган кишини бироз қўллаб-қувватлаш билан унинг учун кўплаб имконият эшикларини очиб беришимиз мумкин. Лекин аҳоли орасида ҳеч қаерда ишламайдиган, бирор янги йўналишда ўзини синаб кўришни истамайдиганлар ҳам топилади. Шу тоифадаги кишиларни катта тажрибага эга бўлган табдиркорларга бириктириш, шу зайлда касб-ҳунар ўргатиш тажрибасини қўллашни бошладик. Натижа кутганимиздан анча яхши. Одамлар ён қўшнисининг уйида ўтириб, 100-150 минг сўм пул топаётганини кўриб, имкониятларини чамалашни бошлади. Секин-аста ҳаракатга тушиб, янги ғоялар билан олдимизга келаяпти.

Нигора Ҳайдаровага бир неча кун аввал 10 миллион сўм кредит бердик. Аввалроқ олган 5 миллион сўм маблағи эвазига иккита тикув машинаси олган эди. Айни вақтда 2 нафар қўшниси билан кунига 1000-1500 донагача дурра тикиб, 150 минг сўмдан пул топяпти. Орада кекса қайнонаси ва фарзандларига қарайди. Уй юмушларини бажаради. Энди овсинини тикувчиликка ўқитиб, "Ёшлар дафтари" орқали тикув машинаси олиб бермоқчимиз. Кейин икки овсин ҳамкорликда иш кўламини кенгайтириш учун ҳаракатни давом эттиради. Яна 2 нафар қўшнисини ўқитсак, 6 кишининг рўзғорига даромад киришини таъминлаган бўламиз. Арзимаган 10 миллион сўм билан шундай натижаларга эришиш мумкин.

Хосият Аҳмедованинг хусусий боғча ва мактаб юритиш бўйича катта тажрибаси бор. Бир неча йилдан буён шу йўналиш билан шуғулланиб келяпти. Унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида маҳалламиздаги бўш ерга 4 қаватли боғча қуришига ёрдам беряпмиз. Биринчи қаватида маҳалла идораси жойлашади. Ҳудудимизда давлат мактабгача таълим муассасаси йўқлигини ҳисобга олсак, янги очилаётган боғча болаларни таълим-тарбияга жалб қилиш масаласига ижобий таъсир кўрсатади. Маҳалла ходимлари бу борада тадбиркорга астойдил кўмаклашамиз. Кам таъминланган оила фарзандларига 25 фоизгача чегирма қилиб берилади.

Ҳудудимизда бола пули оладиган фуқаролар 70 тани ташкил этарди. Бир ярим ой давомида уларни 46 тага туширдик. Рўйхатда фақат ногиронлиги бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган кишилар қолди. Чиқарилганларнинг кўпчилигига субсидия, кредит ажратилиб, янги иш бошлашига замин яратилди. Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман, гарчи фуқаронинг бандлиги таъминланиб, даромад топишни бошлашига қарамай, Ижтимоий реестрдаги маълумотлар сақланиб қоляпти. Унинг янгиланишига 8 ой вақт керак бўлар экан. Бу тизимнинг узлуксиз равишда янгиланиб туриши ишимизни янада осонлаштирган бўларди.



МАНЗАРА

# Аёл масъулият ва меҳр билан уддалайди ҳар ишни

**Аёллар масаласи жуда долзарб ва доим давлатнинг эътибор марказида турадиган мавзу. Тўғри-да, унга қанча эътибор қаратилса, эъзозлаб ардоқланса, шунча кам. Аввало, она вазифасини ўтаётган бу муқаддас зот аслида табиатан жуда кучли. Иродаси мустаҳкам. Ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга матонати етади.**



**Олтиной БАҲРОМОВА, Андижон туманидаги "Жаннатмонанд" ва "Ровот" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.**

Маҳаллада хотин-қизлар фаоли сифатида ишлаб, бу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлдим. Аҳоли хонадонларига кирар эканман, улар орасида турмушнинг не-не қийинчиликларини сабр билан енгиб келаётган кўплаб қаҳрамонларни кашф этдим. Аёл ҳар қандай мураккаб вазиятга ечим топишни билади, фақатгина унинг ёнида далда бўладиган, қўллаб-қувватлайдиган кўмакчи бўлиши керак. Шу маънода бугун иккита маҳалла ҳудудидаги 3 минг 500 нафарга яқин хотин-қизнинг дарду ташвишига малҳам бўлишга, муаммоларини ижобий ҳал этишга кўмаклашиб келяпмиз.

Ҳудудимизнинг ривожланиш нуқтаси — иссиқхона йўналиши. Кўпчилик фуқаролар ерга ишлов бериб, помидор, бодринг, булғор қалампири каби маҳсулотлардан йилига 2-3 қайта ҳосил олмоқда. Гулчиликка меҳр қўйиб, унинг ортидан рўзғорини бутлаётган аёллар ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Зилолахон Мамажонова имтиёзли равишда 5 миллион сўм кредит олиб, томорқасида 2 сотихли иссиқхона ташкил этган. Турли хил хонаки гулларни кўпайтириб, дилларга завқ ва хонадонларга файз улашяпти. Бу аёлнинг қўлларида бошқача сеҳр бор. Гулнинг синиб қолган япроғини ерга қадаб қўйса ҳам униб чиқаверади. Меҳр бериб парваришлаётган табиат гўзалликлари билан баъзан суҳбатлашади, баъзида фарзанди каби эркалайди. Бундан ташқари, Зилолахон ёшлар учун ижара асосида ажратилган 10 сотихли ерда полиз маҳсулотлари етиштиради. Шу тарзда унинг қишин-ёзин тиним билганини кўрмайсиз.

Феруза Рўзиева эса 33 миллион сўм кредит эвазига 1,5 сотихдан 2 та иссиқхона қурдирди. Шу кичик майдондан йилига 3 марта даромад қилади. Эрта баҳорда экилган булғор қалампиридан биринчи ҳосилини йиғиб олгач, ортиқча шохларини буталаб ташлайди. Кўчат қайта бачкилаб яна гуллайди. Шу зайлда битта экиндан икки қайта ҳосил олишни уддалаяпти. Кеч кузда эса бўшаган ерга турли кўкат уруғларини сепади. Ўтган йили умумий ҳисобда 135 миллион сўм соф фойда кўрди.

Тажрибамга таниб айтишим мумкинки, бугун ишлайман, деган аёлга берилган кўмак, албатта, ўзини оқлайди. Унинг табиатига хос бўлган масъулият ва ишга меҳр қўйиш фазилатлари катта ютуқларни қўлга киритишига ёрдам беради.



**БУХОРО ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 77,0 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **13 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **544 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



ОБОД МАСКАН

Ҳар сафар Маҳмудовлар хонадони олдидан ўтар эканман, озодалик, ўзгача файзу тароватдан кўнглим ёришади. Уйи ҳашаматли ёки кўп қаватли эмас. Лекин ҳовлида бирорта ортиқча буюмни кўрмайсиз. Томорқага эрта баҳордан ишлов берилиб, полиз экинлари экилган. Оила вакилларининг кўнгли худди хонадони каби обод.

# Ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ёлғиз қолмайди











Маҳалламиздаги ҳар бир уйни шундай кўркам масканга айлантириш учун тинимсиз ҳаракатдамиз. Одамларимиз ҳам меҳнат қилиб роҳатланадиган кишилар тоифасидан.

**Малика РАЖАБОВА,**
**Қоракўл туманидаги "Полвонлар" маҳалласи раиси.**

Уларга йўл-йўриқ кўрсатиш шарт эмас, аслида. Аксинча, тажрибасини ўрганишга арзийдиган, бошқаларга намуна қилиб кўрсатадиган оилалар кўплаб топилади.

Фаолиятим давомида Юртбошимизнинг "Маҳаллада ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ёлғизланиб қолмаслиги керак", деган сўзларини ўзимга шиор қилиб олганман. Шу маънода инсонлар қалбига йўл топиш, халқнинг ҳеч кимга айта олмаётган дардларини бизга ишониб айтишига эришиш осон кечмади. Агар аҳолига одамийлик нуқтаи назаридан меҳр кўрсатиб, қалбига кира олсак, улар "маҳаллам — менинг уйим", деган қараш билан яшай бошлайди. Жамият ривожи учун ҳисса қўшиши ўз манфаати йўлида хизмат қилишини тушуниб етади.

Уйимиздан идорага томон учта кўча орқали борса бўлади. Гарчи автомашинам бўлишига қарамай, ҳар куни эрталаб 1,5 км. келадиган масофани пиёда юриб бораман. Йўл-йўлакай маҳалладошларим билан суҳбатлашаман. Қайдайдир масалада йўл-йўриқ ва маслаҳат керак бўлса, кўрсатаман. Шу тарзда навбат билан ҳар куни ҳар кўчадаги ҳолатдан хабардор бўлиб тураман.

Ёши улуғ, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд оила вакилларининг ҳолидан хабар олишга кирар эканман, қўлимни елкасига қўйиб, руҳан далда бўламан. Ёруғ кунлар келишига ишонтираман. Шундай лаҳзаларда уларнинг дуога қўл очиб, яхши тилаклар билдириши менга катта куч бағишлайди. Одамларга керак эканимни ич-ичимдан ҳис қилганим ҳолда кўпроқ ҳаракат қиламан.

Юртимизда фидойи кишилар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Ҳукуматимиз арзимас меҳнатларимизни инобатга олиб, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони, "Соғлом турмуш" медали билан тақдирлаганини маҳалла раисларига билдирилган катта ишонч деб биламан.

Иш жараёнида дили оғриган, оиласидаги келишмовчиликлар сабаб сиқилиб қолган, зўравонликка учраган ёки келиша олмаётган қайнона ва келин муаммоларини хамирдан қил суғиргандек жуда осон ҳал қиламан. Иккила томонни ҳам хафа қилмайман. Кези келса, ёлғон гапираман. Қайнонага келинингиз сизни ўз онасидек яхши кўришини айтди, дейман. Келинга эса қайнонаси унинг пазандалигини мақтаганини етказаман. Бу усул доим менга ёрдам берган. Бир-бирини кўришни истамаган оила вакилларини опоқ-чопоқ бўлиб яшаб кетишига эришганман.

**Охирги вақтда ҳудудимизда катта кутубхона очиш ҳақида ўйлаб юрибман. Агар ҳар бир маҳалланинг ўз кутубхонаси бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.**

Охирги вақтда ҳудудимизда катта кутубхона очиш ҳақида ўйлаб юрибман. Эҳтимол ҳомийлар, балки давлат кўмаги билан ташкил этиладиган маънавият маскани фуқароларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, илму маърифат эгаси бўлишига хизмат қилишига аминман. Агар ҳар бир маҳалланинг ўз кутубхонаси бўлса, нур устига нур бўлар эди.

КЎМАК

**Ижтимоий ходим ҳамиша яхши кайфиятда юриши керак. Бу атрофдагиларнинг руҳиятига, айниқса, қийналган кишилар билан суҳбат жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Кимдир эшигингиздан ёрдам бераман, деб кулиб кириб келар экан, кўнглингиз ёришиб кетиши аниқ.**



# Хизмат сифатини баҳолаш йўлга қўйилса...

**Эъзоза ИБОДОВА,**
**Бухоро шаҳридаги Собир Раҳимов номидаги маҳалла ижтимоий ходими.**

Фуқароларга ваколати доирасида хизмат кўрсатиши керак. Амалга ошмайдиган ишларни ваъда бериб, одамларни бекорга умидвор қилиб қўйишдан ёмони йўқ. Шу билан бирга, фаолиятида ижобий натижаларга эришишни истаган ходимдан  тезкорлик ва изланувчанлик талаб этилади. Қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларини узлуксиз ўрганиб бориши ҳамда амалда қўллай олиши зарур.

Ҳудудимиздаги 101 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро, 120 та кам таъминланган оила ва 21 та камбағал хонадон билан шу ёндашув асосида ишлаб келяпман. Жорий йилда уларга хизмат кўрсатиш мақсадида 6 та кейс очилди.

Бир оилада онаси руҳий касаллик бўйича шифокор назоратида турадиган ва 2 нафар фарзандининг ақли заиф бўлган аёлга турли масалаларда кўмак кўрсатилди. Шаръий никоҳдаги эри гарчи бирга яшамаса-да, болаларига алимент тўламаслик мақсадида доимий равишда фуқарога тазйиқ ўтказиб келган. У бундай шароитда бирор жойда ишлашнинг уддасидан чиқа олмаётган эди. 404 минг сўм болалар нафақаси ҳамда турмуш ўртоғининг онда-сонда берадиган бир миллион сўм маблағига амаллаб кун кечирарди. Аёлга фарзандларига ногиронлик белгилатиб, қўшимча компенсация пули олиши мумкинлигини тушунтирдик. Лекин у буни хоҳламаслигини айтиб, қаттиқ туриб олди. Шундан сўнг фуқарога психолог ва ҳуқуқий хизмат кўрсатилди. Руҳияти анча кўтарилгач, қайта турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечира бошлади. Болаларнинг эса махсус мактабда таҳсил олиши таъминланди.

Яна бир фуқаро кўришдаги муаммолари сабаб 1-гуруҳ ногиронлигини олган. 4 ёшли қизи ҳам шу хасталикдан азият чеккани учун тенгдошлари орасида уялиб қолмасин, деган андиша билан боғчага беришни хоҳламайди. Аёлга "Саховат ва кўмак" жамғармасидан яқинда ўтказилиши режалаштирилган жарроҳлик амалиёти учун моддий ёрдам ажратилди. Ҳомийлар кўмагида озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Овозли танометр ва овозли термометр тақдим этилди. Боласини таълимга жалб қилишга қўрқаётгани учун унга психолог хизмати кўрсатиляпти. Онасига ногиронлар ҳам жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқли эканини тушунтиргач, қизалоқни боғча жойламоқчимиз. Қолаверса, электр ва газ тўловлари учун қўшимча компенсация беряпти.

Айни вақтда ҳудудимиздаги ногиронлиги бўлган фуқароларни соғломлаштириш машғулотларига жалб қилиш бўйича янги лойиҳа ишлаб чиқяпман. Маҳалламиз идорасида бўш турган хонани бироз таъмирлаб, керакли анжомлар билан жиҳозлагач, режани амалга оширишга киришамиз. Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиларини кўнгилли сифатида мураббийликка таклиф қилмоқчимиз. Енгил машқлар орқали фуқароларнинг вақтини мазмунли ўтказамиз. Қолаверса, бу уларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатишига ишонамиз.

Шу ўринда бир таклифим бор эди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини онлайн баҳолаш тизими жорий этилса яхши бўларди. Бунда фуқаро унга юборилган "SMS" хабарномага жавоб қайтариш ёки ходимнинг планшети орқали сифат даражасини белгилаш билан ўз муносабатини билдирса бўлади. Тўпланган баллар келгусида турли танловларда ҳисобга олиниши мумкин.

ЖАРАЁН

# "Хонадонларда китобхонлик бурчакларини ташкил этамиз"

**Доим сумкамда китоб олиб юраман. Бўш вақт топилди, дегунча уни варақлаб, билимимни янада оширишга ҳаракат қиламан. Идорамизда ташкил этилган мўъжазгина китобхонлик бурчагидан ҳам турли мавзулардаги адабиётлар ўрин олган. Ким ёнимизга бирор масалада келадиган бўлса, дарров жавондан бирор асарни олиб, назар ташлашга ўрганиб қолган.**





**Маърифат ОТАБОЕВА,**
**Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.**

Энди шу тажрибани янада кенгроқ ёйиш мақсадида ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаса, 5 дона китоб турадиган жавон ташкил этмоқчимиз. Аслида, ҳар бир инсоннинг қалбида мутолаа қилиш иштиёқи бўлади. Фақат уни юзага чиқариш керак, холос. Қолаверса, улғайиб келаётган фарзандларимизга шахсий намуна кўрсатиш билан илм олишга бўлган меҳрини янада оширишга эришган бўламиз.

Хотин-қизлар фаоли маҳалланинг кўзгуси бўлиши керак. Ҳар ишда ҳудудда истиқомат қиладиган аёлларга ўрнак кўрсата олсагина, фуқаролар уни ҳурмат қилади ва ортидан эргашади. Шу маънода доим ўзимни ислоҳ қилишга, янги ғояларни аёлларга таклиф қилишдан олдин синаб кўришга одатланганман. Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 2 626 нафар хотин-қизнинг ҳаммаси ўз қараши, феъл-атворига эга. Уларни бир нуқтада бирлаштириш, битта мақсад йўлида ҳаракатга ундаш осон эмас.

Маҳалламизнинг ривожланиш нуқтасини иссиқхона, томорқадан унумли фойдаланиш ва чорвачилик йўналишлари ташкил этади. Эришилаётган натижалар эса кун сайин ортиб бормоқда. Айтайлик, йил бошидан буён 4 нафар аёлга чорвачилик қилиши учун, 6 нафарига иссиқхона ташкил этишига имтиёзли кредит ажратилди. Улар маблағни қўлига олгач, ғайрат билан ишга киришиб кетишди.

Аввал чорвачилик қилиш истагидаги фуқаро кредит олмоқчи бўлса, маблағ тўғридан-тўғри таъминотчининг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилар эди. Мурожаатчи эса ўзига маъқул бўлмаган қорамолни уйига етаклаб келишга мажбур бўлган. Энди янги тизимга кўра, кредит фуқаронинг қўлига нақд кўринишда бериладиган бўлди. Бу бозорга бориб, хоҳлаган чорва молини танлаб олиш имконини беради. Кўпчилик мазкур ўзгаришдан хурсанд.

Оқила Ёдгорова йил бўйи иссиқхонада полиз экинлари етиштиради. Октябрь ойининг бошларида ерга қадалган картошка уруғлари янги йил арафасида мўл ҳосил берди. Бўшаган майдонга экилган помидор ва бодринг эса майнинг ўрталарида бозорга чиқарилади. Ёзда сепилган 3-4 хил кўкатларни харидорлар келиб жойидан олиб кетишади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Оқила қўзиқорин етиштириш бўйича ҳам анча тажрибага эга. Бу йил берилган 33 миллион сўм кредит эвазига иккита соғин сигир сотиб олиб, сутидан даромад қилишни бошлаб юборди.

Жорий йилда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Мутахассис ва етакчи тадбиркорлар кўмагида турли учрашув ва ўқув машғулотлари уюштириб, уйда ишсиз ўтирган хотин-қизларнинг очилмаган янги қирраларини кашф этишга қаттиқ бел боғлаганмиз.



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **1 миллион 537,6 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **13 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **309 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

**Дастур асосида вилоятда янги лойиҳага қўл урилди. Ҳудуд бўйлаб иқтисодий жиҳатдан оғир тоифадаги 58 та маҳаллада томорқа ерларида суғоришни ташкил қилиш бўйича ишлар бошланди.**



Қарийиб, 125 миллиард сўмлик маблағ эвазига сув чиқариш насосларини ўрнатиш, суғориш қудуқларини қазиш, 31 км. масофага оқова сув тармоғи тортиш, 117 км. узунликдаги ариқларни бетонлаштириш, 63 км. труба ётқизиш каби ишлар бажариляпти.

# Оқова сув келмагунча томорқа ривож топмаганди...

**Бахтиёр СОАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи.**

Фориш туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла мисолида кўрадиган бўлсак, бу ҳудудда узоқ йиллар давомида жиддий муаммолар тўпланиб қолганди. Мавжуд 80 гектардан зиёд томорқа ер майдонида шу кунгача фақат узум етиштирилган, холос. Сабаби, оқова сув йўқ эди.

Янги лойиҳа бўйича маҳаллага тўртта насос ўрнатилиб, иккита ерости қудуғи қазилди. 300 метр масофага 9 та таянч устун ўрнатилиб, тармоқ тортилди. Битта трансформатор қўйилди. 44 км. узунликда пластмасса қувур ётқизилди. Бу билан камида 20 фоиз томорқани суғориш имконияти пайдо бўлди.

Ўз навбатида, аҳолида томорқа маданиятини оширишга эътибор беряпмиз. Илғор тажрибалар асосида иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачиликни йўлга қўйиш ишлари олиб бориляпти. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ҳар бир маҳаллага агроном бириктирилди. Улар қандай экин экилса, юқори даромад олиш мумкинлиги бўйича маслаҳат бериб боряпти. Бу каби ишлар яна 8 та маҳаллада давом этяпти.

Пахтакор туманидаги "Сувонобод" маҳалласи аҳолиси ҳам кўп йиллардан бери оқова сув етишмовчилигидан азият чекиб келарди. Бугун 4,2 км. масофада бетон ариқ қазилиб, насос ўрнатиш ишлари бошланди. Барча ишлар якунига етгач, 216 та хонадоннинг муаммоси ечилади. Томорқачилик ривожланади. Ҳозирданоқ янгиликлар одамларни ҳаракатга ундаяпти. Масалан, Алишер Алибоев томорқасида шу кунгача фақат беда экиб келган. Оқова сув келгач, "маҳалла еттилиги" кўмагида 3 сотихли иссиқхона ташкил этди.

Вилоят бўйича ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг олтитаси Шароф Рашидов туманида жойлашган. Шунингдек, Ғаллаорол ва Зомин туманидаги маҳаллаларда ҳам ишлар қизғин давом этяпти.

ТАЖРИБА

## "ЁРДАМГА МУҲТОЖ БИТТА АЁЛ БЎЛИШИ ҲАМ ТАШВИШЛИ"

**Ҳилола Худойбердиева "Аёллар дафтари"да рўйхатда турарди. Маҳалла кўмагида унга имтиёзли кредит ажратилди. Бунинг эвазига тикувчилик машиналари сотиб олиб, хонадонида тадбиркорликни йўлга қўйди. Ўзи билан жами 5 та иш ўрни яратди. Ҳар кунлик ишига қараб, ойлик маош беряпти.**



**Муҳайё ЭСОНОВА,
Шароф Рашидов туманидаги "Нонисангил" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

Ҳилола сингари тадбиркорликка талабгор Жаннат Ҳасановага ҳам 33 миллион сўм молиявий кўмак кўрсатилди. У қурутчилик бўйича иш бошлади. Яқинда ишсиз бўлган аёл бугун вилоятда энг намунали, ҳамма ҳавас қиладиган оила бекасига айланди. Амалга оширган ишлари, эришган натижасига кўра, вилоятда "Энг намунали қишлоқ аёли", дея эътироф этилди. Хонадонида ўзи билан яна 5 та иш ўрни яратди.

Маҳалламизда етти минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, 4 626 нафари хотин-қизлардир. Уларни оиладан ажралмаган ҳолда даромад топишига ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун қизиқишини ўрганиб, ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда интилишига кўра молиявий кўмак беряпмиз.

Ўтган йили хатловда 96 нафар эҳтиёжманд рўйхатга олинганди. Бугунгача барчасига зарур ёрдам кўрсатилди. Жами 30 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит тақсимладик.

Фаолиятимда битта ёрдамга муҳтож хотин-қиз бўлиши ҳам ташвишли. Шу сабабли биринчи навбатда шу масала билан шуғулланиш кундалик иш тартибимга айланган. Баъзида аввалги йилларга нисбатан аёллар муаммоси ортаётганига гувоҳ бўламиз. Буни мен салбий ҳолат сифатида баҳоламайман. Чунки бугун хотин-қизлар муаммоси уйма-уй юриб ўрганиляпти, ечими бўйича ишланяпти.




ОБОДЛИК

# "Авваллари тавсия беришга уялардик, чунки..."

Маҳалламизда 844 та хонадон бўлиб, 5 126 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жами томорқа майдони 41 гектарни ташкил этади.

**Жорий йилда ижтимоий аҳволи оғир маҳаллалар қаторида танлаб олиниб, "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида бунёдкорлик ишлари бошланди.**

**Тожимуҳаммад ТУРДИБОЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги "Оқтош ота" маҳалласи раиси.**

Мисол учун, 4 км. электр тармоғи тортиш, шунча масофага таянч устун ҳамда иккита трансформатор ўрнатиш белгиланган. Бундан ташқари, 1 600 метр ички йўлни асфальтлаш, томорқа учун оқова сув келтириладиган 4 минг метрдан ортиқ масофага бетон ариқ ётқизиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси учун давлат бюджетидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Бунёдкорлик ишлари маҳалла аҳлининг томорқадан даромад олишга қизиқишини янада оширди. Авваллари эрта баҳорда аҳоли хонадонига кириб, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар беришга уялиб қолардик. Чунки экин экилгани билан унга сув бўлмасди. Мана энди узоқ йиллик муаммо ҳал бўлди. Оқова сув тармоғи тортилиб, масала ҳал этилди.

Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш ниятидаги 39 нафар ишсиз ёшлар ва аёлларга бундан 3 йил аввал 10 гектар ер майдони ажратилган эди. Уларга моддий ёрдам сифатида имтиёзли кредит ҳамда субсидия тақсимланди. 6 гектар очиқ майдон, 4 гектар иссиқхона юқори даромад манбаига айланди. Меҳнатсевар, ишнинг кўзини биладиган юртдошларимиз ҳар йили имкониятдан фойдаланиб, рўзғордан орттириб, бозорлар тўкинлигига ҳисса қўшяпти.



**Инсон қадри улуғланаётган мамлакатимиз маҳаллаларида юз бераётган бундай ўзгаришлар одамларнинг ҳаётга интилишини ошириб, уларнинг қалбини қувонч нури билан ёритмоқда.**

Маҳаллада тадбиркорлик учун яратилган шароит туфайли ҳудудда ишбилармонлар сони сезиларли ошди. Бу эса аҳоли даромади кўпайиб, ишсизлик ва камбағаллик қисқаришига хизмат қиляпти. Жорий йил шу кунгача 35 нафар ишсиз хотин-қизга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Улар ўзини ўзи банд қилди.

Халқимизда ободлик остонадан бошланади, деган гап бор. Инсон қадри улуғланаётган мамлакатимиз маҳаллаларида юз бераётган бундай ўзгаришлар одамларнинг ҳаётга интилишини ошириб, уларнинг қалбини қувонч нури билан ёритмоқда. Зеро, бу мезонни жорий этишда ҳудудларнинг инфратузилма иншоотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қурилишига алоҳида эътибор берилаётгани аҳамиятли бўляпти.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛЯПТИ



**Маҳалламизда 2024 йилда 245 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахс аниқланди. Улар билан индивидуал иш олиб боряпмиз. Натижада муаммолар тезкор ҳал этиляпти. Жумладан, 38 нафарига турли ёрдам кўрсатилди. 19 нафар болага васийлик ва ҳомийлик тайинланди. 22 нафар фуқарога "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали ёрдамлашилди. Шу кунгача 69 нафар талабгор хонадонига бориб, "Кейс-менежмент" усулида аҳволи ўрганилди. Шунга асосан, мавжуд 101 та ёрдам тури бўйича хизмат кўрсатилди.**



**Ўткирбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Зафаробод туманидаги "Ёрқин" маҳалласи ижтимоий ходими.**

Ҳудудда яшовчи, 66 ёшли нафақадаги Барчиной Ярашева икки нафар қизи билан ҳаёт кечиради. Турмуш ўртоғи вафот этган. Ўрганишлар натижасида унга ижтимоий кўмак зарурлиги аниқланди. Шунга асосан, биринчи навбатда туман тиббиёт бирлашмасида даволаниб, керакли тиббий ёрдам олишига эришдик. "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан моддий қўллаб-қувватланди. Психологик ва ҳуқуқий хизмат кўрсатилиб, ҳомийлар ҳисобидан кўмаклашилди. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда уй-жойини таъмирлаш бўйича дастур амалга оширилди.



Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, шунингдек, ижтимоий иш фаолияти ҳақида хабардорлиги ошириляпти. Ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгиллиларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, кўнгиллилар, ҳомийлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиб, уларнинг бу борадаги фаолияти мувофиқлаштириляпти. "Маҳалла еттилиги" ходимлари билан биргаликда муаммоларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар кўриляпти.





**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 639,3 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **16 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **828 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

# Ўсмир назоратсиз қолса, жиноятга қўл уради

**“Мирмирон” маҳалласи “Қарши — Бишкент” автомобиль йўли бўйида жойлашган. Уч мингга яқин аҳоли яшайдиган йиғинда турли давлат ташкилот ва корхоналари, иккита умумтаълим мактаби, 8 та хусусий боғча бор. Бу эса биздан янада ҳушёрликни талаб этади. Чунки ҳудудда кечаю кундуз транспорт қатнови тинмайди.**

**Аббос ТОШПЎЛАТОВ,
Қарши туманидаги “Мирмирон” маҳалласи профилактика инспектори.**

Асосий вазифам — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўлгани учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни киберхавфсизлик, онлайн қимор ўйинлари ва турли тақиқланган сайтлардан хабардор этиб, уларнинг асл сабабларини тушунтириб боряпман. Хавфсизлик ва тарғибот ишларини янада кучайтириб, одамларга турли фирибгарлик ва жиноятчиликдан огоҳлантирувчи махсус қўлланмалар тарқатиб, жамоат жойлари, сартарошхона, ошхона ва дам олиш масканларига баннерлар ўрнатдик.



Маҳалланинг турли нуқталарига қирққа яқин инсон юзидан танувчи, транспорт воситаларини давлат рақамидан кимга тегишлилигини аниқловчи видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, уларни хизмат хонамга интеграция қилдим. Асосий кўчалардан ташқари, дала билан туташиб кетган кўчаларга ҳам тунги чироқлар қўйиляпти. Бу борадаги ишлар “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида давом эттириляпти. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик вакилларидан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилган.

Ҳар бир ҳафта кунини маълум йўналишга бўлиб олганман. Масалан, душанба куни — спиртли ичимликка ружу қўйган фуқаролар билан, сешанбада нотинч оилалар, чоршанба ажралиш ёқасига келаётган оилалар, пайшанбада вояга етмаганлар ва жиноят содир этишга мойиллиги бор ёшлар билан ишлайман. Жума куни кўчабоши, маҳалла фаоллари иштирокида аҳоли ва ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказиб, турли ёт иллатларнинг салбий оқибатларини тушунтириб, уларни **миллийлигимизни йўқотмасликка чорлаяпмиз.**

Бугунги нотинч, тараққиёт даврида ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб. Шу боис “мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мактабларда турли тўгараклар ташкил этилиб, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллалараро турли фан, санъат ва спорт мусобақалари ўтказиляпти.

Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишида ота-онанинг тарбияси муҳим. Шу боис ота-оналар билан ўтказаётган учрашувларимизда фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишларини сўраяпмиз. Кузатишларимдан биляпмизки, **айрим ўқувчи-ёшлар турли юмушларни бажариб, бир-икки сўм пул топгач, ота-онасини писанд қилмай қоляпти. Натижада назоратсиз қолган ўсмир турли жиноятларга қўл уряпти.**

Мана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, келгуси фаолиятимда ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланишга жиддий ёндашяпман. Чунки барча жиноятчиликнинг туб илдизи оилада фарзанд тарбияси тўғри йўлга қўйилмаганига боғланяпти.

НАТИЖА

# Барчасига ҳамжиҳатлик сабаб бўляпти

**Маҳалламиз Қарши туманига яқин ҳудудда — “Қарши—Шаҳрисабз” автомобиль йўли бўйида жойлашган. Бу ерда тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер”имиз — чорвачилик ва деҳқончилик. 860 та хонадоннинг ҳар бири 2 тадан 10 тагача қорамол, қўй-эчки, айримлари товуқ ва курка боқишади.**



**Элёр ҚУРБОННАЗАРОВ,
Ғузор туманидаги “Зарбдор” маҳалласи раиси.**

Ҳудудда оқова сув кам. Бироқ шунга қарамай, аҳоли ўз томорқа ерларида сувсизликка чидамли қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик маҳсулотлари экиб, даромад топяпти. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ишсизликдан холи ҳудудга айландик.

Албатта, бу осон бўлмаяпти. Бироқ ҳаракат қилиб, бор имкониятлардан фойдаланяпмиз. Хусусан, 46 та ишсиз оилага 50 сотихдан ер берилиб, бандлиги таъминланди. Ҳозир улар картошка, сабзи, нўхат экиб, рўзғорига барака келтиряпти. Бир гектар майдонда иссиқхона ташкил этилиб, ўнлаб аҳоли ишли қилинди. Фуқароларнинг яна бир қисми қўшни Қарши туманида жойлашган 4 гектарлик иссиқхонада меҳнат қиляпти.

Йиғинда тадбиркорлик ҳам ривожланяпти. Турли хил қурилиш моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Озиқ-овқат ва хўжалик дўконлари кўпайиб, автомобиллар ювиш ва ёқилғи қўйиш шохобчалари ишга туширилди. Ҳудудда чет элга ишлаш учун кетган фуқаролар кам, фақат 48 нафари Россияга қонуний тарзда нефть конларини бурғалашда ишлаяпти.

Айни пайтда ҳудуддаги 500 гектар ер майдонида Хитой тажрибаси асосида пахта экиляпти. Томчилатиб суғориш тизимини тадбиқ этаётган хитойлик инвесторлар 200 нафар зарбдорликларни иш билан таъминлашни айтишди. Ҳозир бу ерда 40 нафар маҳалладошимиз суғориш қувурларини ётқизиш ишларини бажаряпти.

Қувонарлиси, маҳалла ишсизлик билан бирга, жиноятчилик, оилавий ажралишдан ҳам холи ҳудуд. Барча ютуқларга “еттилик”нинг ҳамжиҳатлиги натижасида эришяпмиз. Келгусида йўл бўйида овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ниятидамиз.

ЖАРАЁН

# Экологик тоза ҳаво экилган ниҳоллар парваришига боғлиқ

**Баҳор нафаси кезиб юрган шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, воҳанинг 828 та маҳалласида инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват, меҳнатсеварлик каби қадриятларни ўзида ифода этадиган Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланяпти.**

**Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи.**

**Дарахтзор ва боғлар қанча кўп бўлса, экологик тоза ҳаво шунчалик кўпаяди, иқлим салқинлашади. Бугун экилган ниҳоллар ҳам келажакда униб-ўсиб вилоят ҳудудига кўрк бағишлаши билан бир қаторда, атроф-муҳит экологиясининг яхшиланишига ҳисса қўшади.**

Байрам арафасида хонадонлар, кўчалар, маҳаллалар обод этилиб, дарахт ва гул кўчатлари экилди. Сўлим боғлар, хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этилди. Бундай хайрли ишлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида давом эттирилиб, 101 гектар “яшил боғлар”, 125 гектар “яшил жамоат парклари”, шунингдек, шаҳар ва туманлар атрофида 14 гектар майдонда “яшил белбоғ”лар барпо этилди. Дарахт экишни оммалаштириш бўйича ташаббус ва тарғиботни кучайтирган ҳолда жорий йил баҳор мавсумида 7,5 млн. дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилиб, белгиланган режа 120 фоизга бажарилди. Биргина **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан 2 млн. 449 минг дона кўчатлар экилди.**

Шунингдек, Кўкдала туманида **“Жамоат ташкилотлари боғи”**, Муборак туманида **“Зиёлилар боғи”**, Косон туманидаги 1-сонли спорт мактаби ҳудудида **“Чемпионлар боғи”** ташкил этилиб, иқлим шароитига мос манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Қамаши туманидаги “Равот” маҳалласи аҳолисига 1000 туп хурмо ва анжир кўчатлари етказиб берилди.

Экилган дарахт кўчатлари озиқлантирилиши, суғорилиши, турли хил зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов бериш, парвариш қилиш мақ-



садида **4 минг 588 нафар маҳалла ходимига бириктирилди.**

Дарахтзор ва боғлар қанча кўп бўлса, экологик тоза ҳаво шунчалик кўпаяди, иқлим салқинлашади. Бугун экилган ниҳоллар ҳам келажакда униб-ўсиб, вилоят ҳудудига кўрк бағишлаши билан бир қаторда, атроф-муҳит экологиясининг яхшиланишига ҳисса қўшади.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятидаги 612 мингта хонадонда 66 минг гектар томорқа ерлари бор. Бундан ташқари, 25 минг гектар майдон деҳқон хўжаликларига ажратилган. Бу — ҳали тўла ишга солинмаган улкан имконият, катта бойликдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шароитида ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Шу боис юртимизда жорий йилнинг 11 мартидан томорқадан самарали фойдаланиш бўйича **“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди.** Албатта, бу жараёнда оқова сув зарур. Шу боис 85 та маҳаллада аҳоли томорқасини сув билан таъминлаш мақсадида, 33 км. лоток тармоғини янгидан қуриш, 213 дона тик суғориш қудуқларини қазиш, 44 та насос агрегатларини ўрнатиш, 107 км. ариқларни бетонлаштириш белгиланган. Бугунги кунда 53 та объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб боriляпти.

**”**

**Мақсадимиз — томорқанинг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланиб, бозорларимиз тўкинлигига ҳисса қўшишдир.**

Мақсадимиз — томорқанинг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланиб, экин экиб, бозорларимиз тўкинлигига ҳисса қўшишдир.

“СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ”

# Катта марра кичигидан, ютуқлар натижадан бошланади

**Солиқ тизимига ишга кирганимга кўп бўлгани йўқ, эндигина бир йилдан ошди. Шундай бўлса-да, Кўкдала тумани солиқ инспекциясида “Устоз-шогирд” анъанаси яхши йўлга қўйилгани учун тезда тажриба тўплаб, юқори натижаларга эришяпман. Бунда раҳматли устозим Шерзод ака Ёмғировнинг ҳиссаси катта. У кишидан касб сир-асрорлари, солиқ тўловчилар билан муносабат, касбга ҳурматни ўргандим. Бугун олган сабоқларим жуда қўл келмоқда.**



**Музаффар МАМАДИЕВ,
Кўкдала туманидаги “Чорвадор”, “Тошли” ва “Қанотли” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Менга бириктирилган маҳаллалар туман марказидан 50 километр узоқликда, чўл ҳудудда жойлашган. Қарши шаҳри, Қамаши, Косон, Қарши туманлари билан чегарадош. Аҳоли хонадонлари жуда тарқоқ бўлиб, 40 километргача чўзилган. Бу, ўз навбатида, иш жараёнида маълум қийинчиликларни юзага келтиряпти. Ўзим Касби туманидан қатнаб ишлайман. Шу боис қўшимча штат бириктирилса, яхши бўларди.

“Чорвадор”, “Тошли” ва “Қанотли” маҳаллалар аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. 245 та чорва фермер хўжалиги, 929 нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. Ўша машҳур “чироқчи тарвузи” ушбу ҳудудларда ҳам етиштирилади. Суғориш тизими фақат артезиан қудуқлар орқали бўлгани учун имкониятини қилганлар тарвуз билан бирга, сабзи экишади.

Бу ерда тадбиркорлик кенг ривожланмаган, атиги еттита кичкина савдо дўкончаси бор. Маҳаллаларнинг бир қисмидан “Қарши—Самарқанд” автомобиль йўли ўтгани учун саноқли ошхона ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган, лекин Қарши шаҳри яқин бўлгани учун мижозлари кам. Шу боис аксарияти фаолиятини тўхтатишга мажбур бўляпти.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими самарали бўляпти. Яхши меҳнат қилиб, юқори натижаларни қайд этаётган ходимлар муносиб рағбатлантирилиб, иш ҳақига қўшимча 200 фоизгача устама бериляпти. Мен ҳам ҳар ой белгиланган кўрсаткичларни биринчилардан бўлиб бажариб келяпман. Ўтган йили Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси ва эсдалик совғасига эга бўлдим.

Олдимга катта мақсадларни қўйганман. Келажакда солиқ бошқармаси, Солиқ қўмитаси марказий аппаратида ишлашни мақсад қилганман. Зеро, катта марраларни забт этиш учун олдин кичик марралани босиб ўтиш керак.



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **1 миллион 094,7 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **16 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **330 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





САМАРА

# ИШ ЎРНИ ЯРАТАДИ, ДАРОМАДНИ ОШИРАДИ

**Маҳаллада тадбиркор кўпайса, шунга монанд ҳудудда ижобий ўзгаришлар юз беради, йиғиннинг умумий иқтисодий ҳолати юксалади. Энг муҳими, шу ерда яшовчи аҳоли вакиллари маҳалланинг ўзида ишли бўлади.**

Маҳалламизда яшовчи, якка тартибдаги тадбиркор Умиджон Шаропов ҳудудда “Атлас” номли миллий матоларни сотишга ихтисослашган, 1 миллиард сўмлик қийматга эга янги лойиҳани ишга туширганига кўп бўлмади. Тадбиркор бу орқали маҳалла иқтисодиётининг ривожланишига ва янги иш ўринларининг яратилишига ҳисса қўшмоқда. Хусусан, бу ерда бешта янги иш ўрни яратилди.



Қизиқ томони шундаки, Умиджон аввалари бозорда дон маҳсулотларини сотиб, оила тебратарди. Буни қарангки, уддабуронлиги, ишнинг кўзини билгани боис кутилмаганда миллий матоларимизни сотишга ихтисослашган каттагина мажмуа ташкил этиб турибди. Бу биз учун, албатта, қувонарли бўлди. Ундан нега айнан миллий матоларга хос мажмуа қурганини сўрасак, бу хайрли ишнинг ортида аёли турганини айтиб қолди. Аёли миллийлигимизни ўзида акс эттирувчи атлас матоларига шайдо экан. Турмуш ўртоғига кредит олиш таклифини бериб, тадбиркорликни йўлга қўйишга ундабди. Нима бўлганда ҳам мана шу ёш тадбиркор оила сабабли бугун маҳалладошларимиз ишли бўлди.

Йиғинда истиқомат қилувчи илғор тадбиркорлардан яна бири Дилором Шаббонովадир. У меҳр билан тиккан миллий ҳамда ҳар хил турдаги ҳарбий кийимларнинг чиройи ва сифати кўзни қувонтиради. Тадбиркор аёл олти йил аввал шогирд сифатида тикувчиликда маҳоратини оширганди. Сўнгра ўтган йили ўзи ҳам 100 миллион сўмлик кредит эвазига каттагина тикув цехини очди. Ҳозирда қўл остида 8 нафар хотин-қиз ишлайди. Дилором опа ўз иш фаолиятидан ва одамларга фойдаси тегаётганидан жуда мамнун.

Маҳалламизда юқоридаги каби тадбиркор, ишбилармон, аҳоли корига яраётган фуқаролар кўпчиликни ташкил этади. Айнан уларнинг кўмаги, ташаббуси билан йиғинимиз ишсизликдан холи ҳудудга айланяпти.

**Аваз ЭРНАЗАРОВ,**
**Зарафшон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси.**

МАҲАЛАЛДА НИМА ГАП?

# БЕГАРОНЛИК ЁШЛАР ОБОДЛИККА БЕЛ БОҒЛАШГАН



**“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Кармана туманидаги “Бегарон” маҳалласида ёшлар иштирокида 200 туп манзарали ва мевали дарахт кўчати экилди.**

Айтиш керакки, ҳудудда кўчат экиш борасида ўзига хос тажриба тўпланяпти. Хусусан, маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ўз хонадонига 70 тупдан кўчат қадашига шароит яратилди. Шунингдек, Бегарон, Бозоржойи кўчалари, мактаблар ҳамда Ўрта Осиёдаги энг қадимги Мавлоно Ориф Бегароний зиёратгоҳида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Бу ишлар маҳалладаги барча ёшлар қатламининг уюшқоқлиги билан ташкил этилди.

— *Ҳар соҳада илғор, шижоаткор ёшларимиз ўз ҳовлиси, томорқасини тартибга келтириш, ерга уруғ қадашда фаоллик кўрсатмоқда,* ***— дейди “Бегарон” маҳалласи ёшлар етакчиси Ўлмас Мардонов.*** *— Энг қувонарли жиҳати шундаки, бу сафар кўнгилли ёшларнинг ўзи ташаббус билан чиқиб, томорқалардаги экин экиладиган майдонларнинг ариқларини тозалашди, мевали дарахтларнинг тагларини юмшатишди. Уларни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида танаси оқланди. Бу билан маҳалламиз ёшлари кўпчиликка намуна кўрсата олишди.*

Албатта, бу каби хайрли ишлар атроф-муҳитнинг яшил кўринишга келишига замин яратади, кишилар баҳри-дилини очиб, аҳоли саломатлигини асраш, атроф-муҳит софлигини сақлашга ёрдам беради.

НИГОҲ

# Ўрнак бўлинг, ёшлар сизни тезроқ англаб етади

**ҲУДУДИМИЗ КИЧКИНА ОВУЛ БЎЛГАНИ БОИС КАТТА-КИЧИК БАРЧА БИР-БИРИНИ ТАНИЙДИ, ҲУРМАТ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЖИДДИЙ МУАММОЛАР КУЗАТИЛМАЙДИ.**




**Торебек МЕНЛИБОЕВ,**
**Учқудуқ туманидаги “Шалхар” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Ўзим уларга юриш-туриш, муомала ва кийиниш маданияти билан ўрнак бўлишга эътибор қаратаман. Негаки, ёшлар жуда ақлли. Уларга “уни қил, буни қил”, дейиш ўрнига мақсадингизни амалда кўрсатиб берсангиз, ёшлар тезроқ сизни англаб етади. Ҳурматингиз ҳам сақланиб қолади.

Ҳозир янгиланиш фаслида ободлик, кўчаларни тозалаш ишлари авжида. Ҳашар орқали ариқларни қазиш, кўчалар тозаланишида ёшларимиз ўз ташаббусларини аямаяпти. Бу йил 1 800 та кўчат экишни режа қилган бўлсак, шундан ярми ёшлар шижоати билан ерга қадалди. Хонадонларда ота-оналарига уйда боғ яратиш, дарахтларни оқлаш, уй ишлари, ҳайвонларга ғамхўрлик қилишда кўпроқ йигитлар ёрдамчи бўлса, қизлар уй тозалиги, саранжому саришталигига эътибор беришади. Ҳар тонгда кўчалардан ўтар экансиз, бирорта хонадоннинг эшиги олди чанг ёки супурилмаган ҳолда кўрмайсиз. “Бўш қолдим”, дегунча одамлар ҳовлиси атрофига бир-биридан чиройли гулларни экиб, парваришлашни хуш кўришади. Шўх-шодон қизлар қўшниникига ўтадими, бирор жойга меҳмонга борадими, ақалли битта бўлса ҳам гулнинг уруғи ёки қаламчасини кўтариб келишади. Қарабсизки, у ёқдан, бу ёқдан олиб келинган гул уруғи ёки ниҳоллар 3-4 ойдан сўнг яшнаб очилади. Ҳаммага кайфият бағишлайди.

**Йигит-қизларга имтиёзли кредит ажратиб, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, озиқ-овқат дўкони очишига кўмаклашилди.**

Овулимиз аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Оилавий 200-500 бош қўй боқади ёки қорамолларни кўпайтириб, даромад қилади. Аҳоли хонадонларидан ёзу қиш сут-қатиқ маҳсулотлари узилмайди. Баъзи йигитлар мактаб-коллежни битиргач, иш изламасдан чорвачилик билан шуғулланишга киришади. Хусусан, Қиличбек Бекназаров ҳам коллежни тугатиб, қўйчилик билан шуғулланишни афзал билди. Мана, бир неча йилдирки, ҳар йили ёзда қўй сотиб, 350-400 миллион сўм даромад қилади.

Хатлов жараёнидан кейин ёшларга 30 турдаги ёрдамларни кўрсатишни бошладим. Ҳунар эгаллашга моҳир бўлганлар ўз йўлини топиб, пайвандчи, уста, ҳайдовчи электр устаси сифатида аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Қайси ишнинг бошини тутишни билмай, иккиланиб юрган йигит-қизларга имтиёзли кредит ажратиб, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, озиқ-овқат дўкони очишига кўмаклашилди. 15 нафар ишсиз ёшни ҳудуддан унча олисда жойлашмаган ишлаб чиқариш корхоналарига жойлаштирдик.

Баъзан ҳаёт синовларидан чарчаб, барига қўл силтаб юборгинг келади. Бу жараён, айниқса, ёшларда жуда қийин кечади. Натижада бироз иродасизлик сабаб йўлдан адашиш, ичкиликка ружу қўйиш каби ҳолатлар кўпаяди. Мана шундай вазиятда ёшларнинг ҳам ички, ҳам ташқи дунёсини ўрганиб, ҳар қандай шароитда уларни қўллаб-қувватлайман.



Худди шундай ташвишлар гирдобида қолган битта ёш йигит анчадан бери ичкиликка берилган эди. Бошида унга насиҳат қилдик, бироқ фойдаси бўлмади. Бироз чалғисин, деб хусусий корхоналардан бирига ишга жойладик. Аммо у ерда ҳам узоқ муддат қолмади. Нима қилишга бошим қотди. Бир ёқда аёли билан ажрашиш ҳолатигача келиб қолган. Ўртада бир нафар фарзанди бор. Агар вазиятни юмшатмасак, бегуноҳ гўдак етим бўлиб қолиши, гулдек оила бузилиши мумкин.

Маҳалла фаоллари билан хонадонга кириб, оилавий муҳитни ўргандик. Қарасакки, қайнона-келин бир-бирини кўришга тоқати йўқ. Ўртадаги низо кундан-кунга авж олиб, иш келин-куёвнинг ажрашишига қадар етиб келган. Шу сабаб йигитнинг на ишида унум бор, на шахсий ҳаётида тинчлик. Вазиятни тўғри баҳолаб, аёли билан бошқа уйга кўчиб ўтишига шароит қилиб бердик. Бир йиллик ижара пули тўланди. Ишга киролмаганидан кейин ўзига субсидия асосида темир пайвандлаш ускунасини олиб бердик. Аёлини ҳам ижтимоий ходимга бириктириб, бошқа моддий ёрдам турларини кўрсатяпмиз. Шу тариқа оила сақланиб қолди, иши ҳам изига тушди.

МАНЗАРА

# Томорқа тарғиботи ҳар бир кўча, ҳар бир уйга етиб борди

Баҳор келгач, табиат уйғониб, ҳар бир хонадонда мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш мавсуми бошланди. Бу аҳолига даромад манбаларини кенгайтириш ва ижтимоий аҳволини яхшилаш учун катта имконниятдир. Ахир, қадимдан ерни олтинга тенглаштиришган.

Маҳалламизда “Долзарб бир ойлик” доирасида намунали кўча ва томорқалар ташкил этилиб, 532 та хонадонда 10 минг туп кўчат экилди. Даромади паст бўлган оилаларга 10 тадан мевали кўчат тарқатилиб, уларни томорқаларга экиш учун кўмаклашилди. Шунингдек, дарахтлар оқланди, хонадонлар ва кўчаларда тозалик ва тартибни сақлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ташаббус нафақат атроф-муҳитни яхшилаш, балки аҳоли турмуш даражасини ошириш, яшил ҳудудларни яратишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш борасидаги саъй-ҳаракатлар одамларни ҳаракатга чорлади. Хонадонма-хонадон юриб, аҳолига томорқадан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунчалар бериб боряпмиз. Ҳозир улар томорқаларда турли маҳсулотлар экиб, меҳнат қиляпти. Ҳеч бир имкониятни шунчаки бекор ўтказиб юборишни исташмайди.



**Фаол фуқаролар орасида, айниқса, ёши улуғларнинг борлигини алоҳида эътироф этиш лозим.**

Фаол фуқаролар орасида, айниқса, ёши улуғларнинг борлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, Бегмамат ота Саидаҳмедов бугун ёшларга намуна бўла оляпти. Ёнимда туриб, бирга кўчама-кўча юриб, аҳолини фаол турмушга тарғиб қилади. 72 ёшли тиниб-тинчимас отахон 6 сотихли томорқасида картошка эккан. Картошкани йиғиб олгач, помидор, кўкат экиб, даромадини кўпайтирмоқчи. Биз у кишига: *“Қўйинг энди шу ишларни, буларни фарзандларингизга қўйиб беринг. Бу ёшда кўпроқ дам олиб, кексалик гаштини суринг, ўзингизга эътибор қаратинг”*, деймиз. Доно отахон эса: *“Болам, уйда ўтирсам вақт ўтмайди, бир умр шу ердан ризқ териб, умргузаронлик қилдик. Энди уйда ўтиришим мумкинми? Бу ишлар кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшади. Невараларимни олдимга олиб, уларга ер билан қандай тиллашишни ўргатаман”*, дейди. Мен ҳам ёшларга шу каби нуронийларнинг вақтида қадрига етиб, тажрибаларини ўзлаштиришларини бот-бот такрорлайман.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳалламизга 3 миллиард 400 минг сўм ажратилди. Ушбу маблағдан фойдаланган ҳолда, аҳоли томорқасини суғориш учун учта жойда қудуқ қазиляпти. Мақсадимиз — битта кўчада жойлашган 47 та хонадоннинг томорқасига сув етказишни таъминлашдир. Бугунгача 50 метрли қудуқ қазиб, битта кўчадаги аҳоли хонадонларига сув етиб боришини таъминладик. Энди аҳоли экинларини суғоришда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Кейинги режаларга кўра, электр энергиясини яхшилаш борасида лойиҳалар амалга оширилади. Шунингдек, йўлларни асфальтлаш, пиёдалар йўлакчаси қуриш ва мактабгача бўлган кўчани аҳоли кўмаги билан бирин-кетин таъмирлашни бошлаймиз. Шунингдек, ёшларимиз учун ўқув марказлари ташкил этиб, замонавий касбларни эгаллашлари учун қулай имконият яратишимиз зарур.

**Умиджон НАМОЗОВ,**
**Навбаҳор туманидаги “Қизилой” маҳалласи раиси.**




**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 131,7 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **14 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **788 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ТАШАББУС

# ТАШАББУС ИЛДИЗ ОТСА, ОБОДЛИКНИ КЎРАВЕРИНГ...

Агар аҳоли бирлашса, маҳаллада ечилмайдиган масала қолмайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай хайрли ташаббус шу гўшада туғилиб, илдиз отади. Буни ҳудудимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар мисолида кўриш мумкин.

**Фарҳод МАМАТОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги "Тошлоқ" маҳалласи раиси.**



Бир иш бошлашдан аввал ўзбекона миллий қадриятлар, урф-одатларга амал қиламиз. Мисол учун, кўча ва хонадонлар ободлиги, маҳалла кўркамлигини таъминлашда ҳашардан фойдаланамиз. Кўпдан қуён қочиб кутилмас, деганларидек, натижалар шунга яраша бўляпти. Бу анъана маҳалланинг ички йўлини таъмирлашда қўл келди. 2023 йилда маҳаллий дастур асосида ҳудуддаги ичимлик сув тармоғи бутунлай янгиланди. Давлат ажратган катта маблағ эвазига беш юзга яқин хонадоннинг кафолатланган оби-ҳаёт билан таъминланиши кўпчиликда шукроналик ҳиссини кучайтирди.

Сувимиз ҳал бўлгач, бундан руҳланган одамлар ички йўлларни созлаш ташаббуси билан чиқди. Катта ёшдагилар томонидан ўртага ташланган таклифни ёшлар қўллаб-қувватлади.

Тадбиркорлар ҳомийлиги остида керакли маблағ йиғилди. Абдумалик Абдураҳимов, Абдумажид Қорабоев, Ҳайдарали Мирзақулов, ака-ука Турдимамат ва Неъматилла Нуриддиновларнинг ҳар бири 50-60 миллион сўмдан берди. Қўйингки, имкони бор ҳар бир фуқаро ҳисса қўшди. Муҳиббилло Пўлатов йўл четларини текислаш ва ариқларни бетонлашга ўз ҳисобидан 24 тонна цемент ажратди. Пудратчи ташкилот – "Фарғона обод йўллари" хусусий корхонасининг техника ва йўлсозларига маҳалла ёшлари ёрдамга чиқди. Иш бир ҳафтада поёнига етди.

Қисқа вақт ичида ҳудудимиздаги 3,2 километр ички йўлга тўла асфальт ётқиздик. Кексалар дуода, иккита мактабимизга равон йўлдан ўқишга қатнаётган фарзандларимизнинг қувончи чексиз.

ЖАРАЁН

# "Уйчи тажрибаси" қандай самара беряпти?




**Ҳусниддин АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Уйчи тумани бўлим бошлиғи.**

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда туманда ўзига хос тажриба мактаби бор.

Кейинги пайтда республикада "Уйчи тажрибаси" деган ибора оммалашди. Бу ташаббусни Президент "Қумтепа" ёшлар кичик саноат зонасига ташрифи давомида илгари сурганди. Дарҳақиқат, туман маҳаллаларида уста-ҳунармандлар учун шароит яратилиб, металл буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Темирчилик — "Қумтепа", "Деҳқон", "Баландариқ", "Жийдакапа" маҳаллалари "драйвери". Ўшанда тумандаги вазият ҳавас қиладиган эмасди. Бармоқ билан санарли саноат корхонаси бор эди.

Шу боис янги руҳ, ўзгача шижоат билан ишга киришдик. Туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш асосий мақсадимизга айланди. Мутасадди ташкилот раҳбарлари бошчилигида тўртта йўналишда штаб ташкил этдик. Ҳар бир маҳаллага масъул ташкилот ва корхона бириктирилди.

Мана, орадан бир йил ўтди. Хўш, "Уйчи тажрибаси" қандай самара берди? Аҳоли ҳаётида ўзгариш сезилдими?

Саволга жавоб тайёр: чиндан бу ердаги ҳолат, аҳоли ҳаёт тарзи, дунёқараши ўзгарди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, саноат салоҳияти ривожланди. Равон йўллар, катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари, муҳташам бино ва иншоотлар туманнинг янги "ташриф қоғози"га айланди. Ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд бўлдик.

Маҳаллаларда "хонадонбай" ва "мижозбай" иш ташкил этилгани натижасида 36,1 минг аҳоли бандлиги таъминланди ҳамда норасмий иш ўринлари қонунийлаштирилди. 878 нафар ишсиз доимий ишга жойлашди. Тижорат банклари ва ҳоким ёрдамчилари кўмагида 1 404 та микролойиҳа ишга туширилди. Меҳнат ярмаркаларида 273 нафар ишсиз билан меҳнат шартномалари тузилиб, 473 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 355 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Субсидия маблағи ҳисобидан ишсизларга меҳнат қуроллари, жумладан, тикув машинаси, хомашё, мотокультиватор берилди. Улар даромад манбаига эга бўлди. 40 гектар майдонда ташкил этилган 5 та кичик саноат ҳудудида шу кунга қадар умумий қиймати 502 миллиард сўм бўлган 110 та лойиҳа ишга туширилди. Бунинг ҳисобига 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. "Inexo Plast" масъулияти чекланган жамият томонидан қиймати 8,2 миллиард сўмга тенг пластик профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Мега текстиль" қўшма корхонасида йилига 152 миллиард сўм қийматидаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими ва 10 миллион долларга тенг экспорт қуввати яратилди. Бунинг ҳисобига мавжуд иш ўринлари сони 900 тага етказилади.



"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида 2 845 нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди. "Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият" тамойили асосида амалга ошириладиган ишлар бўйича аниқ масъуллар ва ойма-ой чора-тадбирлар белгилаб олинди. Дастлабки босқичда вилоят ва туман даражасидаги 92 нафар раҳбар ҳамда ўринбосарга бириктирилган жами 445 камбағал оила аҳволи тўлиқ ўрганилди.

2025 йилда ишсизлик даражасини 1,3 фоизга, камбағаллик даражасини 3,4 фоизгача тушириш, мигрантлар сонини оширмаган ҳолда, 1 012 нафар фуқарони ривожланган давлатлардаги юқори маош берувчи компанияларга ташкиллаштирилган тартибда ишга юбориш режалаштирилган. Шу мақсадда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари ҳамда тегишли иқтисодий идоралар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

ШУКРОНАЛИК

# Интилган инсонлар кам бўлмаяпти



Мадҳия Турсунова "Аёллар дафтари"да рўйхатда турар, ишсизлик ортидан турмушда кўп қийналганди.

Унга амалий ёрдам бериб, субсидия ва имтиёзли кредит асосида иккита тикув машинаси олишида кўмаклашдик. Бу орқали янги иш ўрни яратилди. Ўзидан ташқари яна икки нафар аёлни иш билан банд этди. Ҳозирда буюртма асосида парда, кўрпа-тўшак, дастурхон ва келин сарпо тайёрлаяпти.

Аслида, интилган, ҳаракат қилган инсон кам бўлмайди. Улар еча олмайдиган ҳеч бир муаммо қолмайди. Шу маънода аёлларни уйда ўтирган ҳолда ҳам фойдали меҳнатга жалб этиб, даромад топишига эришяпмиз.

"Аёллар дафтари"да рўйхатда турган, 2-гуруҳ ногирони Гулчеҳра Имомованинг босиб ўтган йўли бунга ёрқин мисол. Унга имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб берилгач, чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирда духоба матосидан кўрпа-тўшак, ёстиқ ва дастурхон тикиб, тайёр маҳсулотларни буюртма асосида харидорларга етказиб беряпти. Муҳими, энди у тадбиркор, иш берувчи.

Ҳудудда жами 1 982 нафар хотин-қиз яшайди. 2024 йил бошидаги хатлов натижасида 110 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилган. Барчасига амалий кўмак бердик. 71 нафарининг бандлиги таъминланди.

**Шарофат РУСТАМОВА,**
**Косонсой туманидаги "Замондош" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# ОДАМЛАР ОРАСИДА ЯШАМОҚЛИК — БАХТ

**ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ "ИСТИҚБОЛ" МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ ЗАРИФА УМРЗОҚОВА КАСАЛЛИГИ САБАБЛИ ДЕЯРЛИ 15 ЙИЛДАН БЕРИ УЙДА ЎТИРИБ ҚОЛГАНДИ. БУГУН У ҲАМ ОДАМЛАР ОРАСИГА КИРДИ.**

**Умархон РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Янгиқўрғон тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази раҳбари.**



Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ҳозирда Пенсия жамғармаси туман бўлимида фаолият кўрсатмоқда. Авваллари ёлғиз ўзи соат милларини бир маромда "чиқиллашини" кузатиб, тўрт девор орасида кунларини ўтказарди. Чунки уйдан кўчага чиқмасди.

Айтишича, ижтимоий ходим томонидан ишга жойлаштириш таклифи берилганда ишонмаган. Вақт ўтгач, бари ҳақиқатга айланди. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан унга қатор ёрдамлар берилиб, ҳаёти изга тушди. Жумладан, психологик хизмат кўрсатилиб, бепул йўлланма асосида санаторийга юборилди. Шартнома асосида ижтимоий ходим ассистенти бириктирилиб, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан дори-дармон учун маблағ ажратилди.

Бугун эътибор ва меҳрдан кўнгли тоғдек юксалган Зарифа Умрзоқова каби инсонларнинг ҳаётга қараши ўзгарган. "Маҳалла еттилиги" таркибида ижтимоий ходим иш бошлагани, биринчи навбатда, шу тоифадаги одамлар оғирини енгил қила бошлади.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига 4 миллион 297,5 минг киши доимий истиқомат қилади. Ҳудудда 16 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 1 126 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ЖАРАЁН

# Маҳаллалар равнақига барча бирдек дахлдор

БУГУНГИ КУНДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 1 126 ТА МАҲАЛЛА БЎЛИБ, УЛАРДА 6 500 НАФАРДАН ОРТИҚ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛЯПТИ.



**Шерали ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.**

Улар иштирокида вилоятдаги ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миграциядаги фуқаролар билан доимий ишлаш ҳамда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини амалда тадбиқ этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

“Еттилик” аъзолари жорий йил 495 минг 272 та хонадонда “Обод хонадон” мезонини жорий этди. “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, ҳар ҳафтанинг шанба куни барча маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этиляпти. Ҳашарларда 1 832 километр йўл, 22 286 километр ариқ тозаланди. 951 минг 186 та дарахт ва буталарга шакл берилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бугунги кунга қадар 1 млн. 842 минг 605 туп мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Шундан, 25 632 та камбағал оиланинг хонадонига 184 минг 126 туп, 1 807 та яккаёлғиз кексанинг хонадонига 10 тупдан, аҳоли хонадонларига 2,3 млн. тупдан зиёд кўчат ўтқазилди. Шунингдек, хонадонлар ва кўчаларга райҳон, жамбил, атиргул ҳамда узум-ток кўчатлари экиш ишлари бошланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида оғир тоифадаги 101 та маҳалла инфратузилмасини, 87 та йиғинда аҳоли томорқасини суғориш тизимини яхшилаш учун жами 323,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, ишлар қизғин давом этяпти. Мазкур маҳаллаларда 2 669 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди, 1 043 нафар камбағал оила аъзоларига ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, уларнинг 314 нафар фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди.

Шунингдек, тижорат банклари билан ҳамкорликда “Сайхунобод тажрибаси” асосида жами 121,3 млрд. сўм миқдоридаги 9 144 та микролойиҳа амалга оширилди ва 17 930 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. “Уйчи тажрибаси” асосида “мижозбай” ишлаш орқали 429 та доимий иш ўрни яратилди. Оғир тоифадаги 101 та маҳаллага бириктирилган 25 та вазирлик ва идора раҳбарлари иштирокида режа асосида сайёр қабуллар ўтказиш йўлга қўйилди.

Хавфсиз муҳитни яратиш бўйича 1 126 та маҳалланинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда “қизил” тоифага киритилган 498 та маҳаллага видеокузатув қурилмалари, кўп квартирали уйларнинг кириш йўлакларига 347 та домафон ўрнатилди. Чет давлатларда ишлаётган 161 минг 306 нафар фуқаро билан олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида 6 минг 901 нафари юртимизга қайтарилди. 6 545 нафарининг бандлиги таъминланиб, 81 нафарига моддий, 356 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.



Наврўз умумхалқ байрами арафасида барча маҳаллаларда “Обод хонадон” “Обод кўча”, “Обод маҳалла” танлови ўтказилди.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида барча маҳаллаларда “Обод хонадон” “Обод кўча”, “Обод маҳалла” танлови ўтказилди. Танловнинг 16 та шаҳар ва туман босқичларида 654 нафар маҳалла раиси, 1321 нафар кўча бошиси ҳамда 2 780 хонадон эгалари қатнашди.

**Танловнинг вилоят босқичида “Обод хонадон” номинацияси бўйича Нарпай туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи вакили, “Обод кўча” номинациясида Ургут туманидаги “Ипакли” маҳалласи кўчабошиси, “Обод маҳалла” номинацияси бўйича Қўшработ туманидаги “Шована” маҳалла раиси 1-ўринни қўлга киритди.**

Наврўз байрами олдидан олис, чекка ҳудудлардаги ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир 321 та маҳаллада 11 та арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ва 44 та кўчма дўкон ташкил этилди. Рамазон ойида 946 та кам таъминланган ва эҳтиёжманд оила ҳамда 280 та ногиронлиги бор оила учун эҳсон ифторликлари ўтказилди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

# “ШАХСАН ЎЗИМ ТОМОРҚАДАН ҲОСИЛ ЙИҒИБ, ЎРНАК БЎЛЯПМАН”

**“ЎЗБЕКИСТОН” МАҲАЛЛАСИ ТУМАН МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, АСОСИЙ “ДРАЙВЕРИ” – КАРАМЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК. БУ ЕРДА ТОМОРҚАЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЯХШИ РИВОЖЛАНГАН.**

**Озод ҚОДИРОВ, Нарпай туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи раиси.**



Мингдан ортиқ хонадоннинг 10 сотихдан 20 сотихгача томорқа ер майдони бор.

Ҳар бир томорқачи йилига карамнинг ўзидан уч марта ҳосил олиб, маҳсулотларни Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бозорларига етказиб беряпти. Деҳқонлар бир йилда карамнинг ўзидан 70 миллион сўмдан 150 миллион сўмгача топяпти.

Ҳудудда тажрибали томорқачилар кўп. **Улардан бири – Ҳаким Расуловдир.** У кишининг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, **“Содиқ хизматлари учун” медали ҳамда “Намунали томорқачи” кўкрак нишони** билан тақдирланган. Яқинда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичида “Обод хонадон” номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Ҳаким ака **“Бир маҳалла – бир маҳсулот”** тамойили асосида маҳалладошларимизга карам экишни, маҳсулот етиштириш, даромад олиш йўлларини ўргатяпти. Аҳолига кооперация усулида кўчатлар тайёрлаб, етиштирган маҳсулотларини Самарқанд, Навоий ва бошқа шаҳарларга сотишга кўмаклашяпти.

Албатта, дастлаб аҳолини томорқадан самарали фойдаланишга ўргатиш осон кечмади. Бу борада Президентимиз томонидан томорқачиларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзларни кенг тарғиб этиб, ўзимиз ҳам намуна бўлдик. Шахсан ўзим томорқамда карам билан бирга, картошка етиштириб, ўрнак бўляпман.

Ўзига хос тажрибаларимиз туман миқёсида оммалаштириляпти.

Бугун ҳар бир хонадонда 2 тадан 15 тагача қорамол, 50 тагача қўй-эчки бор. Қувонарлиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳар бир оиланинг ўзидан чиқяпти. Рўзғоридан ортганини бозорга чиқариб, қўшимча даромад топяпти. Ҳозирда чорвадорларнинг олди ҳисобланган Фарҳод Мамадиёров хонадонида 50 та “ҳисори” зотли қўй боқяпти. Ҳар бири 50-80 килограмм гўшт қилади. Энди бу ёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг.

**Саксон беш ёшли Эламон бобо Назаров маҳалладошлар фахрига айланган.** У киши 25 сотих томорқасида чорва ва карамдан ташқари, асаларичилик, паррандачилик, лимончилик билан шуғулланяпти. Иссиқхона ташкил этиб, помидор етиштиряпти. Кўплаб ёшлар Эламон бобога ҳавас қилиб, у кишининг изидан боришяпти.

Ўзига хос тажрибаларимиз туман миқёсида оммалаштириляпти. Ёрдам сўраганларга зарур маслаҳат ва тавсияларимизни беряпмиз.

Оилалар фаровон бўлса, маҳалла ҳам обод бўлади. Шу боис барча кўчаларимиз асфальтланиб, кўча чироқлари, видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Пиёдалар йўли ташкил этилиб, тўртта қишлоқ тоза ичимлик сув билан таъминланди. Айни пайтда бешинчи қишлоғимизга сув тармоғи тортиляпти. Ҳашар йўли билан бир ярим минг ўринли масжид қурдик.

Бир сўз билан айтганда, хонадонимиз, кўчаларимиз, маҳалламиз обод.

КЎЗГУ

# “ТОШКЕНТ” ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАГА АЙЛАНАДИ

Президентимиз 2022 йил февраль ойида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида бизнинг маҳаллада бўлиб, ёшлар билан мулоқот қилган эди. Ўша учрашув ҳаётимдаги энг унутилмас дамлар бўлди. Олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан бажариб, маҳалламни республикадаги энг намунали йиғинлардан бирига айлантиришга ваъда бердим.



**Гулшода АСРОРОВА, Жомбой туманидаги “Тошкент” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Бугун биз – ёшлар етакчилари “маҳалланинг қаноти” деб таърифланиб, жуда катта имтиёз ва ваколатлар билан таъминланяпмиз. Билдирилган юксак ишонч ва берилаётган ваколатларни оқлаш учун фаол ҳаракатдаман.

Маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун спорт ва маданият соҳаларида замонавий инфратузилма мавжуд. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 30 дан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатяпти. 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам 25 дан ортиқ тўгараклар бор. Маҳалладаги 4 та мини стадион, 1 та компьютерхона, 2 та фитнес клуб ва 4 та ўқув маркази ёшлар хизматида.

Иқтидорли ва китобхон ёшлар кўп. Масалан, Орифжон Одилов ва унинг турмуш ўртоғи китобга муҳаббатини ва оилавий бирликни намойиш этиб, бир неча марта “Ёш китобхон оила” танловида фаол иштирок этди. Муҳаббат Бекназарова “Ёшлар овози – Бўзатов ФЕСТ” танловининг вилоят босқичи совриндори бўлди. Феруз Ҳакимов илм-фан соҳасида изланишлар олиб боряпти. Наргиза Ғаффорова эса икки йилдан буён параспорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келяпти.

Маҳалла ёшларидан кўнгиллилар гуруҳини шакллантирганмиз. Улар билан боқувчисини йўқотган, бемор ва нуронийлар, етим болалар ҳолидан хабар олиб турамиз. Нафақат маҳаллада, балки туманда ҳам шу ишни амалга оширяпмиз.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ёшлар билан ишлаш — асосий вазифаларимдан бири. Шу боис Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаментига қарашли 3-минтақавий ҳудуд 38-манзил колониясидаги ёшлар билан ишлаш учун Жомбой тумани ёшлар ишлари бўлими бош мутахассиси Наргиза Ғаффорова билан биргаликда мунтазам тадбирлар ташкил этяпмиз.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси “Маърифат куни” деб белгиланган. Ушбу кунда ёшларни колонияга олиб бориб, маҳкумларнинг яшаш тарзи, жиноят ва ҳуқуқбузарликка қўл урганларнинг қандай аҳволга тушишини яққол мисол қилиб кўрсатамиз.

Қувонарлиси, бир қатор тажрибаларимиз бошқа маҳаллалардаги ёшлар етакчилар учун намуна бўляпти.

ҲОЛАТ

# ЭРТА ТУРМУШ, ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ




**Иш фаолиятимни бошлаган кунимданоқ хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан якка тартибда ишлаяпман.**

Уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширяпман. Натижада “Аёллар дафтари”га киритилаётган хотин-қизлар йилдан-йилга камайиб боряпти. “Темир дафтар” бўйича номзодлар қолмади.

Ижтимоий дафтарларга киритилган хотин-қизлар бандлиги таъминланяпти. Бугун кичик бизнесда уларнинг ҳиссаси катта. Аксарияти тикувчилик, касаначилик, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзини ўзи банд қилиб, даромадга эга бўляпти. Қувонарлиси, тарғибот ва амалий кўмакларимиз натижасида оилавий жанжаллар кескин камайди.

Олдинлари эрта турмуш, оила масъулияти йўқлиги, спиртли ичимликка ружу қўйиш, ишсизлик оқибатида ҳар йили ўнга яқин ёш оила ажраларди. Бунинг олдини олиш учун дастлаб тўй бошламоқчи бўлган оилаларга маслаҳатлар бериб, бўлажак келин ёки куёвнинг қандай эканини сўраб-суриштиришни анъанага айлантирдик. Шунингдек, аҳоли ўртасида Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, “Оқила аёллар” ҳаракати ва “Аёллар маслаҳат кенгаши” аъзолари, имом-хатиблар, кўчабошилари ҳамда фаоллар иштирокида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бордик.

Бугунги кунда менга бириктирилган маҳаллаларда бирорта эрта турмуш, оилавий ажралишлар ёки жиноятчилик йўқ. Барчаси “маҳалла еттилиги” ва кенг жамоатчилик билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик натижасидир. Қолаверса, одамлар орасида маҳалла ходимларининг ўз ўрни бор. Қувонарлиси, бирорта сўзим икки қилинмайди.

Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли амалга оширадиган вазифалар кўп ва масъулиятли. Бу, ўз навбатида, ўзига хос вазифаларни бажаришни, зарур ҳолларда тезкорлик, ташаббускорлик, уддабуронлик, топқирлик ва зеҳнни талаб этади.

Бир сўз билан айтганда, “Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади”, деган эзгу ғоя амалий ифодасини топиши, ҳаётимизнинг кундалик қоидасига айланиши керак.

**Моҳичеҳра НУРМАНОВА, Пайариқ туманидаги “Тошҳовуз” ва “Қумчуқ” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.**



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 945,5 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **15 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **724 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





МУЛОҲАЗА

# ҲАЁТНИ БОШИДАН БОШЛАБ БЎЛМАЙДИ, АММО...

**Агар маҳалла раиси янги қабул қилинаётган қарор, фармон ва фармойишлар моҳиятини чуқур англаб етса, уларни халққа тўғри тушунтириб бера олса, анча-мунча муаммоларнинг олдини олган бўлади.**



Аввал одамларда "юқори ташкилотга мурожаат қилиб чиқсам, масаламни тезроқ ҳал қилиб беришади", деган нотўғри қараш шаклланган эди. Биз "маҳалла еттилиги" вакиллари кўчаларни тақсимлаб олиб, аҳолининг ҳар бир вакили билан шу масалада суҳбатлашдик. Бугун маҳалла тизимига берилаётган ваколатлар ҳақида тўлиқ хабардор қилдик. Шундан кейин вазият тубдан ўзгарди. Энди кимнинг нима дарди бўлса, ёнимизга ёрдам сўраб келяпти. Бу иш самарадорлиги ва хонадонлар фаровонлигини таъминлашга хизмат қиляпти.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган Даврон Чориев алкоголизм домига тушиб қолиб, бир неча марта жазони ижро этиш муассасасида ўтириб чиқди. Яқинда уни озодликка чиққанини эшитиб, уйига хабар олгани бордим. Бундан буён турмуш тарзини ўзгартириш учун ўзида ирода топиши кераклигини мисоллар билан тушунтирдим. Шу тарзда бир неча бор суҳбатлашганимиздан кейин унинг хулқида ўзгаришлар сезила бошлади. Ҳозир ҳолати анча яхши. Оила аъзолари ҳам жуда хурсанд. Аввалги турмуши билан ҳаёти ўхшамагани боис ажрашиб кетган эди. Энди уни қайта уйлантириш тадоригини кўряпмиз. Янги ҳаёт, янги мақсадлар Давронни бу салбий иллатдан воз кечишига ёрдам беради, деб ишоняпмиз. Аслида ҳаётни бошидан бошлаб бўлмайди, лекин бошқача давом эттириш мумкин, деган шиор билан кўпчиликнинг қалбида ишонч ва умид уйғотяпмиз.

Бу фуқаро билан иш олиб борганимдан кейин менда бир фикр туғилди. Агар маҳаллаларда психолог штати жорий этилса, шу каби руҳий тушкунликка тушиб қолган кишиларга ёрдам кўрсатиш янада осонлашган бўларди. Мутахассис ёндашуви, тавсия ва муолажалари тезроқ самара беради, назаримда.

Маҳалламизда халқни ўйлайдиган, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашадиган тадбиркорлар жуда кўп. Масалан, Янгибой Кенжаев бошида маҳалла берган 100 миллион сўм кредитга хориждан зотдор молларни олиб келиб, боқишни йўлга қўйди. Ҳозир фермасида 200 бош қорамоли бор. У байрам ва тадбирларда кам таъминланган оилаларни гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб келяпти.

Жорий йилда олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Биринчи навбатда, оилаларда китобхонлик даражасини ошириш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтирмоқчимиз. Айниқса, янги ҳаёт бўсағасидаги ёшлар орасида турли кўрик-танловлар уюштириш орқали уларнинг билим олишга иштиёқини оширмоқчимиз.

**Дилбар ҲОЛИҚОВА,
Қизириқ туманидаги "Қорасув" маҳалласи раиси.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Виждон ва меҳр-мурувват йўлини танлаганмиз

Маҳалла ижтимоий ходими лавозимига оддий фаолият тури сифатида қарашга ҳаққи йўқ. Танлаган йўлимиз шунчаки ишга келиб-кетишдан иборат эмас. Биз учун бу касб – бурч, виждон ва меҳр-мурувват йўлидир.





**Дилрўза ДАВЛАТОВА,
Шеробод туманидаги "Қорабоғ"маҳалласи ижтимоий ходими.**

Шуни чуқур ҳис қилганим ҳолда ҳудудимиздаги 148 нафар ногиронлиги бўлган аҳоли вакилларининг мушкулини осон қилишга қаттиқ бел боғлаганман.

Бундан ташқари, 57 та камбағал оилалар шароитини яхшилаш мақсадида тизимли тадбирларни амалга ошириб келяпмиз. Хусусан, уларнинг 20 таси "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида 20 нафар раҳбар ходимга бириктирилган эди. Шундан 8 та хонадоннинг муаммоларига ечим топилиб, шароити анча яхшиланди.

Бир оилада эр-хотиннинг ҳар иккисида ногиронлиги бор. Лекин аёлининг кўриш қобилияти жуда паст бўлишига қарамай, ногиронлик гуруҳига чиқмаган экан. Биринчи навбатда, шу масалага ечим топиб, унга нафақа тайинланди. 1 нафар фарзанди учун бола пули бериладиган бўлди. Юқори синфда ўқийдиган ўғлини олий таълим муассасасига кириши учун имтиҳонларга имтиёзли равишда тайёрлаяпмиз. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан мавсумий кийим-кечаклар олиб берилди. Патронаж ҳамшира ҳар ойда уйига бепул дори-дармон воситаларини етказилди. Эр-хотин санаторий ва туман шифохонасида даволаниб чиқиши учун навбатга қўйилди. Бириктирилган раҳбар ходим уй-жойини таъмирдан чиқарди. Шу кунларда ҳомийлар ёрдами билан томорқасига картошка ва кўкатлар экилди.

Фаолиятим давомида 18 та кейс очилган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Масалан, Шоҳида Жумаеванинг тақдир йўлига назар ташлайдиган бўлсак, 1999 йилда икки оёғидан айрилиб, ногирон бўлиб қолади. Хатлов жараёнида фуқаронинг ҳолатидан хабар топиб, протезоёқ олиб бердик. Гарчи имконияти чекланган бўлишига қарамай, тикувчиликка бошқача меҳр қўйган экан. Унинг иштиёқини рағбатлантириш мақсадида маҳалла аёлларига ҳунарининг сир-асрорларини ўргатишига шароит яратилди. Ҳозир дарс бериб, 3 миллион 200 минг сўм маош олади. Қолаверса, тез кунларда шогирдлари билан бирга тадбиркорлик фаолиятини бошлашни режалаштирган. Бу фуқарога "Саховат ва кўмак" жамғармасидан соғлигини тиклаши ва шароитини яхшилаб олиши учун 3 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди.

Ўрал Тошалов хонадонида ирсий касаллик сабаб 7 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро яшайди. Отаси, 2 нафар синглиси, 3 нафар фарзанди ва ўзининг кўришда муаммолари бор. Фақатгина турмуш ўртоғи соғлом. Оиланинг 2 нафар фарзанди инклюзив таълимга жалб қилинди. Ҳаммаси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан 10 миллион сўм кредит ажратилиб, чорвачиликни бошлашига кўмак беріляпти. 9-синфда ўқийдиган ўғли қизиқишидан келиб чиқиб, тарих ва математика фанларидан қўшимча дарсларга жалб қилинди. Аёли тикувчилик бўйича таҳсил оляпти.

Маҳалламизда кекса ва ногиронлиги бўлишига қарамай, меҳнат қилишга, рўзғорига фойда келтиришга интиладиган фуқароларнинг борлигидан жуда хурсанд бўлиб кетаман. Жорий йилда улар билан ҳамкорликда янги лойиҳани амалга оширмоқчимиз. Масалан, яқинда 80 ёшни қоралайдиган бир отахон камбағал сифатида рўйхатга олинган, соғлом бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ишламайдиган оилаларга кириб, боқимандалик кайфиятидан чиқаришга ёрдам бермоқчи. Бу киши афғон уруши қатнашчиси. Ҳозир юра олмай, аравага михланиб қолган бўлса-да, тиним билмайди. Инсон тирик экан, доим олға ҳаракат қилиши керак, деган шиор билан яшайди. Умид қиламизки, улардаги куч ва энергия билан ухлаб ётган қалбларни бирозгина уйғотишга эришамиз.

ЛАВҲА

# Рўзғоримиз баракаси иссиқхона ортидан

**ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ЎЗ ЙЎНАЛИШИ БОР. ҚАЕРДАДИР БОҒДОРЧИЛИК РИВОЖЛАНГАН БЎЛСА, ЯНА ҚАЙСИДИР МАҲАЛЛА КИШИЛАРИ САБЗАВОТ ЁКИ ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ.**

**Нигина ШОЕВА,
журналист.**

Шўрчи тумани "Олатемир" маҳалласининг аҳолиси томорқада иссиқхона ташкил қилишга қизиқади. Улар лимон, мандарин кўчатларини меҳр билан парвариш қилиб, яхшигина даромад олмоқда.

*— Томорқамиздаги 10 сотихли иссиқхонада лимон ва мандарин етиштирамиз,* **— дейди Шуҳрат Дўстбеков.** *— Ҳозир барча кўчатларимиз тўлиқ ҳосилга кирган. Йилига 20-25 тонна маҳсулот йиғиб оламиз. Бундан ташқари, чорвачилик ҳамда очиқ майдонда сабзавот экинларини етиштириш билан шуғулланамиз. Фарзандларим билан бирга ерга ишлов бериб, даромадимизни йил сайин ошияпмиз. Янги уй-жойлар қурдик, тўйлар қиляпмиз, машина миняпмиз, буларнинг барчаси меҳнатимиз ортидан-да.*



Лимон, мандарин севиб истеъмол қилинадиган мевалар сирасига киради. Бугун бозорларимизда унинг кўплаб турларини кўриш мумкин. Миришкор халқимиз мазкур цитрус мевани уй шароитида етиштиришнинг ҳам ҳадисини олган. Олатемирлик Шуҳрат Дўстбеков етиштираётган лимон ва мандарин ҳосили аллақачон бозор расталаридан ўрин эгаллаган.

Маҳалла ходимлари бу каби тиришқоқ деҳқонларни ҳамиша намуна сифатида тилга олишади. Қўни-қўшниларда ҳам ўзини янги соҳада синаб кўриш иштиёқи туғилаётгани катта натижа демак.

# Намуна бўлмасангиз, қуруқ гапга одамлар ишонмайди

**ТАБИАТАН САВОБЛИ АМАЛЛАРНИ БАЖАРИШНИ ЯХШИ КЎРАМАН. АВВАЛЛАРИ БАНК ТИЗИМИДА ИШЛАБ ЮРГАНИМДА ШУ ҲАҚДА ЎЙЛАБ, ТУРМУШ ЎРТОҒИМГА "ҲЕЧ КИМГА ЁРДАМ БЕРА ОЛМАЯПМАН", ДЕБ ҚАЙТА-ҚАЙТА ГАПИРАРДИМ.**

**Гулчеҳра ХУДОЙНАЗАРОВА,
Термиз туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.
II даражали "Соғлом авлод учун" ордени совриндори.**

ТАЖРИБА



Тақдир тақозоси билан фаолиятимни маҳаллада давом эттириш имконияти туғилганда, ич-ичимдан севиндим. Бу ерда ногиронлиги бўлган, ночор оилаларга кириб, хоҳлаганча кўмак бериш имконияти бор эди. Тўғрисини айтсам, сира қийинчилик сезмадим. Кечалари билан хаёлан кимнинг қайси муаммосига қандай ечим топиш ҳақида ўйлаб чиқаман. Одамларнинг турмуш фаровонлиги ошгани сари қилаётган меҳнатимдан хурсанд бўламан.

Маҳалламизнинг асосий "драйвери" — иссиқхона ва хизмат кўрсатиш соҳаси. Аҳоли вакиллари ерга ишлов бериб, ҳалол пул топишни ҳамма ишдан афзал кўради. Қолаверса, туман марказида жойлашганимиз боис хизмат кўрсатиш ҳам яхши ривожланган.

Назаримда, маҳалланинг ҳар бир ходими ўз ишлаш услуби ва янги ғояларига эга бўлиши керак. Шу маънода биз ҳудудимизда кўп тармоқли даромад топиш усулини амалда қўллашни бошладик. Одамларни битта фаолият турига боғланиб қолишини истамадик. Янги фикр ва таклифлар билан кўпчиликнинг очилмаган қирраларини рўёбга чиқаряпмиз.

Ўзим ҳам расман банд бўлишимга қарамай, уйда иссиқхона ташкил этганман. Гул парвариш қилишга иштиёқим баланд. Бундан ташқари, чорва моллари боқишни йўлга қўйганмиз. Агар шахсий намуна бўлмас эканмиз, аҳолини қуруқ гап билан ҳаракатга ундаш қийин кечади.

Аслида, даромад топиш жуда оддий ва осон. Мисол тариқасида бир маҳалладошимнинг натижасини келтирмоқчиман. Хатлов жараёнида Багул Рўзиева хонадонига кирдим. Жуда хурсанд бўлиб турган экан. Сабабини суриштирдим. Бундан уч йил аввал ёнгинасидаги анорзордан буталанган қаламчаларни ўтин қилиш мақсадида йиғиб келиб, кўзи қиймаганидан уларни ерга қадаб қўйганини айтди. Орадан вақт ўтиб, қаламчалар кўкаради ва кўчат қилса бўладиган ҳолатга келади. Аёл уларни 3 минг 300 АҚШ долларига сотиб, арзимаган меҳнати ортидан шундай пул топганини тўлқинланиб гапириб берди.



Шундан кейин бошқа фуқароларга ҳам гул ва дарахт қаламчаларини кўпайтиришни тавсия қила бошладим. Ортиқча куч ва маблағ талаб қилмайдиган оддий иш ортидан кутилмаган вақтда даромад топиш кимга ёқмайди дейсиз.

Муборак Каримова маҳалламизга кўчиб келиб, ижарада яшай бошлади. Олдимга келиб, иш бошлаш истагини билдиргач, уни "Аёллар дафтари"га киритиб, 5 миллион сўм кредит ажратдик. Маблағ эвазига иккита тандир қуриб, нон ёпишни йўлга қўйди. Ҳозир ҳудудимиздаги барча дўконларни тайёр маҳсулот билан тўлиқ таъминлаяпти. Кўраётган фойдаси ҳисобидан фарзандларини қўшимча дарсларга берган. Яшаш тарзи бутунлай ўзгарган. Доим келиб, маҳалла ходимларига раҳмат айтиб кетади.

Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Энг муҳими, одамлар қандай мақсад йўлида ҳаракат қилаётганимизни тушуниб етяпти. Қўллаб-қувватлашимизга муносиб тарзда жавоб қайтариб, янги ташаббусларни амалга оширяпти. Изланган, интилган киши эса бир куни кутилган натижага эришади.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **930,8 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **11 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **239 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





КЎЗГУ

# ОИЛАВИЙ МУАММОНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

**Маҳалла тинчлиги ва хавфсизлиги профилактика инспекторининг фаолиятига боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатни – оиладаги жанжал ёки кўчадаги бахтсиз ҳодиса бўладими, барчасини, биринчи навбатда, бизнинг аралашувимизсиз бартараф этиб бўлмайди.**

Шу маънода ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий томондан ёрдамга муҳтож оилалар билан алоҳида ишлаб, ҳар бири ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўляпмиз. Мақсад – аҳоли куну тун хавфсиз бўлишига эришиш. Ички ишлар тизимидаги 35 йиллик иш тажрибамнинг 29 йили маҳалла билан боғлиқ.



Ҳозирги лавозимда 2021 йилдан бери ишлайман. Ўшанда "қизил" ҳудудда турардик. Сўнги уч йилда вазият тубдан ўзгарди. Маҳалла ходимлари ҳамкорлиги натижасида "яшил" ҳудудга ўтдик. Англаганингиздек, уч йил давомида бирорта жиноят содир этилмади.

Бунинг учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордик. Ҳамкор ташкилотлар билан 150 дан ортиқ маънавий тарғибот тадбири ўтказилди. Фуқароларнинг ҳуқуқий, тиббий ва маънавий саводхонлигини оширишга қаратилган "Соғлом турмуш тарзи", "Эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари", "Менинг маҳалламда жиноят бўлмайди", "Бир болага етти қўшни ота-она", "Энг обод хонадон", "Энг намунали оила" каби мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Оилавий муаммоларни ҳал этишда уларга ўз вақтида ечим излаш, инсон қалбига йўл топиш жуда муҳим. Бу борада бир зум эътиборсизлик кечирилмайди. Чунки унинг катта-кичиги бўлмайди. Бугун кўзингизга кичик кўринган муаммо эртага давосиз дардга айланиши мумкин. Ажралиш истагида берилган мурожаатларни биринчи навбатда кўриб чиқамиз. Имкон қадар икки томонни муросага келтиришга, кичик имкониятдан самарали фойдаланишга интиламиз. Шу сабабли ўтган йили маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида 15 та оила ажрашишининг олди олинди. 12 та нотинч оиладаги муҳит соғломлаштирилди.

Маҳаллада рақамли технологиялар, видеокузатув камераларидан самарали фойдаланиляпти. Хусусан, бу йил ички кўчаларнинг кириш-чиқиш жойларига, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларига, тадбиркорлик объектларига, шунингдек, жамоат жойларига шундай кузатув камераси ўрнатилди. Бу янги тизим маҳаллага келиб-кетувчи шахслар ва транспорт воситаларини куннинг исталган вақтида назорат қилиш имкониятини яратди.

**Дилшод МАҲМАТҚУЛОВ,**
**Ховос туманидаги Фарҳод номидаги маҳалла профилактика инспектори.**

ЖАРАЁН

# "САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ"

## аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда самарали тизимга айланди

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2024 ЙИЛ 14 ЯНВАРДА САЙХУНОБОД ТУМАНИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА "ИТТИФОҚ" МАҲАЛЛАСИДА БЎЛИБ, ҲУДУД ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ, ТОМОРҚАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ, ИШСИЗ ОДАМЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЮЗАСИДАН ТОПШИРИҚЛАР БЕРГАНДИ.**



**Уйғун ҲОТАМОВ,**
**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.**

Ана шу топшириқлар ижроси доирасида ўтган давр ичида Сайхунобод тумани катта ўзгаришлар томон юз тутди. Дастлаб томорқа ва уй хўжаликларини ривожлантириш орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга эришилди. Муҳими, тумандаги 3 400 гектар аҳоли томорқаларида нафақат рўзғор, балки бозор учун ҳам муҳим бўлган экин турлари экилди.

"Сайхунобод тажрибаси"нинг самарасини шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси юксалаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Илгари кўплаб хонадон соҳиблари ўз томорқасининг бўш турмаслиги учун маккажўхори ва беда экиб банд қилишар, рўзғор учун керакли бўлган полиз, сабзавот маҳсулотлари ва мева-чевалар учун бозорга югуришарди.

Қувонарлиси, тажриба асосида сайхунободликларнинг тадбиркорлик кўникмаси шаклланиб, тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йили 130 тага кўпайиб, 394 тага етди. Мавжуд 19 та маҳалланинг ҳар бири биттадан кичик тракторга, 4 донадан культиваторга эга. Маҳаллаларда 1 сотих ердан 1-2 миллион сўм даромад олиш мезон тариқасида қабул қилинган. Томорқа ерларни ҳайдаш ва экин экиш хизматлари агрономлар билан бирга амалга оширилади.

Туманда тўпланган тажриба асосида вилоятда янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали юқори натижаларга эришиш белгиланди. Хусусан, 237 мингта оиланинг 33 мингтаси кам таъминланганлар рўйхатига киритилган. Бу йўналишда сўнгги икки йилда 640 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ҳамда 24 миллиард сўмлик субсидия берилди. Парранда ва балиқчиликда 2 100 нафар эҳтиёжманд аҳоли бандлиги таъминланди.



Вилоят миқёсида томорқаси бор хўжаликлар сони 151 минг 448 тани ташкил этади. Бундан беш йил аввал 30 мингта хонадон томорқачилик билан шуғулланган. Ҳозирги кунда оилалар 10 ва 50 сотихгача ажратиб берилган ер майдонларидан йилига уч мартагача ҳосил оляпти. Бу жараёнда турли лойиҳа пакетлари тақдим этиляпти.

Чиндан ҳам, қисқа вақт ичида Сирдарё вилоятида катта ишлар қилиниб, 2024 йил "Уйғониш йили" бўлди. Мисол учун, 2021 йилдаги 24 фоиз камбағаллик даражаси 13,8 фоизга тушди. 2024 йил якуни билан бу рақам 9,3 фоизга қисқарди.

Бу натижаларни биргина Мирзаобод туманидаги "Деҳқонобод" маҳалласи мисолида кўриб чиқсак бўлади. Мадина Норжигитова оиласи аъзолари билан биргаликда хонадон томорқасида "Сайхунобод тажрибаси" асосида иккита иссиқхона ташкил этди. Биринчи экинда тарвуз етиштириб, бозор расталарига чиқарган эди. Томорқадан тўлиқ фойдаланиб, қўшимча даромад олиш мақсадида помидор, бодринг, кўкатлар, бўлғор қалампири етиштириб, парранда ва чорва моллари парваришлаб келяпти. Хонадон эгаларининг барчаси шу ернинг ўзида ишли бўлди.

Маматризаевлар оиласи ҳам янги тажриба асосида томорқаси орқали даромадини янада ошириш имконига эга. Аввал бу хонадон томорқасига фақат беда экилган. Имтиёзли кредит ҳисобига 5 сотихли иссиқхона ташкил этилди. Қуёнчилик йўлга қўйилди. Дастлабки вақтда сотиб олинган 10 бош қуён бугун 50 бошга етган. Донаси 100-150 минг сўмдан сотиляпти. Битта иссиқхонанинг ўзидан 60 миллион сўм даромад келяпти. Бундан ташқари, анорчилик, паррандачилик, чорвачиликка асос солинган. Бир йиллик даромад 150 миллион сўмни ташкил этяпти.

Умуман олганда, 2024 йил давомида "Камбағал оилалар учун 7 та имконият ва масъулият" тамойили асосида янгича ёндашув жорий этилди. Еттита йўналишда дастлаб 15 минг 647 нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Жорий йил улар сони 30 минг 779 нафарга етиши кутиляпти. Бир сўз билан айтганда, бугун барча бўғиндаги раҳбарларнинг асосий эътибори оилаларни камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлашга қаратилган.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Бараканинг асоси — ҳалол меҳнатда

"Иш билганга минг танга" деган халқ мақоли айнан Матлуба Қодирова ҳақида айтилгандек. Боёвут туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласида истиқомат қилаётган Матлубахон сузмадан қурут қилишни ўрганиб, буни бизнесга айлантирганига 15 йилдан ортиқ вақт бўлди.



**Назира БУРҲОНОВА,**
**Боёвут туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

Унга сузмадан қурут қилиш, бозорга чиқариш сир-асрорларини овсинлари ўргатишган. Ҳозир у каттагина тадбиркорга айланган ва ҳар ҳафтада 200-250 килограмм сузмани қайта ишлаб, қурут маҳсулотларини ишлаб чиқаради, Гулистон шаҳар деҳқон бозори ва Зоминдаги мижозларига етказиб беради. Даромад ҳам шунга яраша, ёмон эмас. Ҳафтасига 250 килограмм сузмадан 150 килограмм атрофида қурут тайёрлаб, ҳар килосини 55-60 минг сўм атрофида истеъмолчига етказиб беради.

Қувонарлиси, Матлубахондан ўрнак олиб, маҳаллада 24 чоғли хотин-қиз сузмадан қурут қилиш сирини ўрганиб, ўз хонадонида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳаммасининг ўз харидори бор. Буни Матлуба Қодирова шундай изоҳлайди: *"Биз бир-биримизга рақобатчи эмасмиз. Қайтанга бир-бировимиздан маслаҳат олиб, каттароқ буюртма бўйича қурт маҳсулотини биргаликда тайёрлаб, истеъмолчига етказиб берамиз. Бунинг ортидан рўзғор тебратяпмиз. Ҳамма гап ҳалолликда, покликда".*

**Маҳаллада иш излаган, бўш юрган фуқароларни эрта баҳордан кеч кузга қадар топиб бўлмайди.**

Қурут тайёрлашнинг ўзига яраша сир-синоати, машаққати бор. Сузма маҳсулотингиз бўлса-да, тайёрлаш тартибини билмасангиз, қуртингиз чиройли ва харидоргир бўлавермайди. Аввал сузма таркибидаги сув чиқиб кетиши учун маълум кунлар давомида тош остига бостириб қуйилади. Сўнг оби-тобига келгач, яъни элакдан ўтадиган даражада қуритилади, элакдан ўтказилиб, ун ҳолатига келтирилади. Катта тоғорага солиниб, пишитилгач, ундан зувала тайёрланади. Бу жараён катта сабр ва изланишни талаб этади.

Агар сузма пишитилмаса, меъёрига келтирилмаса, тайёрланган қурутлар қуритилмасдан олдин ёрилиб, ўз сифатини йўқотади. Буни қурутчилик фаолияти билан шуғулланаётган ўзбекистонликлар яхши билишади.

Маҳалламизда 2 345 нафар аҳоли истиқомат қилади. Охирги йилларда қурутчилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва томорқачилик каби соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Матлубахонга ўхшаб қурут ишлаб чиқараётган, ўз мижозларига эга 20 нафар қуртчи тадбиркор бор. Улар оиласининг фаровонлиги ана шу маҳсулотлар савдосидан.

Маҳаллада иш излаган, бўш юрган фуқароларни эрта баҳордан кеч кузга қадар топиб бўлмайди. Ҳамманинг ўз юмуши, белгиланган иши бор. Ишсиз хотин-қизларнинг ҳам қўли бўши йўқ. Ҳозир қайси хонадонга борманг, исмалоқ териб, уни саралаётган, кўкатларни боғлаётган аёлларга кўзингиз тушади. Улар доимий эмас, "кунбай"га ишга чиқиб, кунига 200-250 минг сўм атрофида пул топиб, оиласи бюджетига қўшимча даромад киритмоқда.

Маҳаллада "Аёллар дафтари"га кирган аёллар 90 нафарни ташкил этади. Уларни дафтардан чиқариш борасида тизимли ишлаб, тадбиркорлик қилиш истаги борларга субсидия ва имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан ёрдам кўрсатяпмиз. Ишонасизми, ишсизлигидан, қийналганидан нолиб, маҳаллага мурожаат қиладиган хотин-қизлар, у "Аёллар дафтари"да турган бўлса-да, топилмайди.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбекистон"да ўз ишини билиб-билиб қиладиган, оиласи фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшаётганлар сони тобора кўпайиб боряпти.

ТАЖРИБА

# ҚАДРЛАШ ФАЗИЛАТИ ҲАР ЛАҲЗАДА НАМОЁН



**Юртимизда қадимдан ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногирон, бева-бечора, қаровчиси йўқ, ота-онасидан эрта маҳрум бўлган ёки уларнинг қарамоғидан четда қолганлар ҳолидан хабардор бўлиш, оғирини енгил қилиш, уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш юксак инсоний фазилат сифатида қадрланган.**

"Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида бу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мен ҳам 2024 йилнинг ноябрь ойида маҳаллада фаолият бошладим. Ҳудудда 3 597 нафар аҳоли яшайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар 145 нафарни ташкил этяпти. Шундан 119 нафари ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслардир.

Уларга ёрдам кўрсатишда муҳим янгилик жорий этилди. Яъни "кейс-менежмент" атамаси пайдо бўлди. Соддароқ тилда айтганда, бу атама "ижтимоий иш очиш" билан унга комплекс хизмат кўрсатишдан иборат.

Ўтган вақт ичида шу усул билан эҳтиёжмандларнинг 9 нафарига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги санаторийларга йўлланма берилди. Табиий газ ҳамда электр энергияси харажати бўйича 14 та оилага компенсация тўланди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, 54 та оилада сўровнома ўтказдик. Шундан 14 таси "Камбағаллик реестри"га киритилди.

Бир нафар ёлғиз яшовчи фуқаро "ёлғиз кекса" деб эътироф этилиб, ногиронлик гуруҳи белгиланди. Иккита оиланинг 3 ёшга тўлган фарзанди имтиёзли равишда давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштирилди. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун 9 та оиланинг аризаси киртилиб, 6 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, бир фуқарога ҳуқуқий хизмат кўрсатилди, яна бир талабгор "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағи ҳисобидан саломатлигини тиклади. Васийлик ва ҳомийликка олинган 19 нафар болаларнинг яшаш шароити мониторинг қилинди.

**Лайло БОБОҚУЛОВА,**
**Янгиер шаҳридаги "Шодиёна" маҳалласи ижтимоий ходими.**



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ**ида 2025 йил 1 январь ҳолатига
**3 миллион 108,5 минг киши** доимий истиқомат қилади.
Ҳудудда **17 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб,
**1 025 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ТОМОРҚА МАКТАБИ

# Президент томорқачини орден билан тадирлади

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТОМОРҚАЧИЛИК БОРАСИДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ. ОДАМЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛИБ, ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛЯПТИ. ЭНГ АСОСИЙСИ, ОДАМЛАР ЕР БИЛАН ИШЛАШНИ, ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ ЯХШИ ЎРГАНДИ.**



**Умид ГАЗАТОВ,
Оққўрғон туманидаги "Қаҳрамон" маҳалласи раиси.**

Маҳалламиз Ўрта Чирчиқ тумани билан чегарадош, Оққўрғон тумани марказидан 16 километр олисда жойлашган. "Драйвери"миз – деҳқончилик ва чорвачилик. Йиғиндаги 1 027 та хонадоннинг ҳар бирида 4-5 та қорамол, қўй-эчкиси бор. Гўшт ва сут маҳсулотлари ўзларидан чиқади. Рўзғоридан ортганини бозорга чиқариб, қўшимча даромад олишади. Айни пайтда 377 та хонадон эгаси турли сабзавот маҳсулотлари, 291 та хонадон картошкачилик билан шуғулланади. Барча маҳсулотлар иссиқхоналарда етиштирилиб, қишин-ёзин халқимиз дастурхонига етказиб беріляпти. Шунингдек, 69 та хонадон эгаси қўшимча 10-15 тадан уяда асалари боқяпти. Энг муҳими, деҳқонлар хирмондаги маҳсулотларини қаерга сотарканман, деб ўйламайди, харидорларнинг ўзлари маҳаллага келиб олиб кетишади.

Албатта, аҳолини томорқадан самарали фойдаланишга ўргатиш осон бўлмади. Аввало, "маҳалла еттилиги" ва соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ҳар бир хонадонга кириб, теварак-атрофини обод қилишни, томорқаларидан самарали фойдаланиб, даромад топиши бўйича билим ва тажрибалари, тушунчаларини оширдик. Натижада олдинлари бир марта экин-тикин экканлар энди уч марталаб ҳосил оляпти. Даромади ҳам яхши, ҳар бир томорқачи 120 миллион сўмгача топяпти. Шу боис йилдан-йилга томорқадан самарали фойдаланаётганлар сони ортиб боряпти. Жорий йил деҳқончилик билан шуғулланаман, деган ёшларга, кам таъминланган оила аъзоларига 30-40 сотихдан ер ажратилиб, жами 10 гектар майдонга картошка экилди. Бундан ташқари, аҳолини камбағалликдан чиқариш учун субсидия беріляпти, бир неча дастурлар асосида имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Қўлида ҳунари йўқ кишилар касб-ҳунарга ўқитилиб, иш билан таъминланяпти.



Адҳам Турғунбоев, Усмон Ражабов, Олим Ўктамов каби етакчи томорқачиларимиз маҳалладошларига ўрнак бўлиб, ўз тажрибаларини ўргатиб келяпти. Яқинда **Президентимиз ичимлик сув ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида томорқачиликни ривожлантириш, жумладан, сабзавотчилик ҳамда асаларичиликни самарали йўлга қўйиш, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун қаҳрамонликларнинг бош томорқачиси – Тўлқинжон Мансуровнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиб, "Дўстлик" ордени билан тақдирлади.**

Куни кеча Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида вилоят, туман фаоллари иштирокида ўз ташаббускорлиги, омилкорлиги, бой тажрибаси ва меҳнатсеварлик фазилатлари билан бошқаларга шахсий намуна кўрсатиб келаётган Тўлқинжон Мансуровга "Дўстлик" ордени тантанали равишда топширилди. Меҳмонлар маҳалламизнинг "драйвери"га айланаётган иссиқхоначилик йўналишида қилинаётган ишлар билан танишиб, Тўлқинжон аканинг хонадони ва унинг томорқасида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди.

Айни пайтда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар бир хонадонга мевали кўчатлар, япон тутлари экяпмиз. Йўл бўйларига мингдан ортиқ арча кўчатлари ўтқазилди.

Бир сўз билан айтганда, камбағалликдан чиқиш учун оилаларга "қармоқ" беріляпти, "балиқ" тутиш энди уларнинг маҳоратига, интилишига боғлиқ. Зеро, ётиб еганга тоғ чидамайди, қўлда берганга қуш тўймас, деган ҳикматли ибора бежизга айтилмаган.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

## ФАҚАТ ҲИСОБОТ ЭМАС, АМАЛИЙ НАТИЖА МУҲИМРОҚ

**Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонунбузарликларнинг асл илдизларини ўз вақтида аниқлаш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш – асосий вазифамиз.**



Шу боис хонадонма-хонадон юриб, нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпан. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

Фаолиятимиз давомида "мактаб – ота-она – маҳалла" ҳамкорлигида вояга етмаганлар ва ёшлар билан тизимли ишлаяпмиз. Юриш-туришида, тарбиясида бироз ножўя хатти-ҳаракатлар учраётган 10 нафар ёшни бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга юбордик.

Бугунги кунда профилактика инспекторларига энг кўп мурожаат "102" тезкор алоқа тизимидан бўляпти. Бундай ҳолатларда воқеа жойига тезда етиб бориб, муаммони "маҳалла еттилиги" ва кўчабошилари билан жойида муҳокама этиб, зарур чоралар кўриляпти.

Бироқ ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар бор. Касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал деганларидек, ҳуқуқбузарликларнинг ҳам туб илдизини барвақт аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Бу борада "маҳалла еттилиги" билан биргаликда, хонадонма-хонадон юрилса, барча муаммоларни ҳал этиш мумкин. **Фақат ҳисобот учун эмас, амалий натижа учун ишлаш керак.**

Шунингдек, ҳар бир маҳалла идорасига видеокузатув камерасини ўрнатиб, уларни Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси туман ва шаҳар бўлимларига ёки "еттилик"нинг бошқа масъул ташкилотларига интеграция қилиш зарур. Шунда ҳар бир ходим ўз ишига янада масъулият билан ёндашади. Қолаверса, маҳалла идорасига ким келиб кетаётганини, айниқса, мурожаатчилар қачон, қандай масалада келганини таҳлил қилиш имконияти бўлади. Бу тажриба бизда яхши натижа беряпти.

**Яна бир таклифим шуки,** ҳар бир "еттилик" аъзосида фуқароларни қабул қилиш китоби бўлиши керак. Унда фуқаролар қачон, қандай шикоят билан мурожаат қилгани қайд этиб борилади. Тажрибамдан кўряпманки, бу ишимизни янада тартибли ва самарали ташкил этишга ёрдам беради. Агар фуқаронинг мурожаати ўз вақтида ҳал этилмаса, мана шу дафтар унга асос бўлади. Бир сўз билан айтганда, барча муаммоларни "маҳалла еттилиги" ҳал этиши зарур.

**Баҳодир ИНОЯТОВ,
Юқори Чирчиқ туманидаги "Чумчуқжар" маҳалласи профилактика катта инспектори.**

ЖАРАЁН

## 100 ТА ОҒИР ТОИФАДАГИ МАҲАЛЛА ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНАДИ

**Тошкент вилоятида камбағаллик даражаси юқори бўлган 100 та оғир тоифадаги маҳаллада томорқа ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида артезиан қудуғи ковлаш, сув йўлларини очиш ва ариқларга лоток ўрнатиш, электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш учун трансформаторларни янгилаш, электр симлар тортиш, бетон-таянч устунлар ва тунги чироқлар қўйиш, ички йўлларни асфальтлаш, шағаллаштириш, пиёдалар йўлакчаларини бетонлаштириш режалаштирилган.**



**Шерали ҚУТЛИМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бош мутахассиси.**

**ВИЛОЯТ БЎЙИЧА 666 ТА МАҲАЛЛАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "МАҲАЛЛА БОҒЛАРИ"НИНГ ҲАР БИРИГА ҚЎШИМЧА 50 ТУПДАН МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЭКИЛДИ.**

Бугунги кунда 36 та артезиан қудуғини ковлаш, 7 та насос агрегати ўрнатиш, 13 км. узунликдаги ариқларни бетонлаш ишлари олиб борилияпти.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари мазкур оғир тоифадаги ҳудудларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида маҳаллада инфратузилма объектларини барпо этиш, аҳоли даромадини ошириш орқали турмуш шароитини яхшилаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борди. Ҳозирда ушбу 100 та маҳаллада 1 300 тага яқин камбағал оилалар рўйхатга олинган. Ўрганишлар давомида ушбу оилаларда 700 тага яқин муаммолар борлиги аниқланиб, улар ижобий ҳал этилди. Хусусан, 100 нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди. 60 нафарга яқини касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди. 350 нафар бола тўгаракларга жалб қилинди. 250 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилиб, 200 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг баҳор мавсумида вилоят маҳаллаларида 1 млн. 449 минг 797 туп манзарали ва мевали кўчатлар экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 815 минг 792 туп дарахт экилди. Вилоят бўйича 666 та маҳаллада ташкил этилган "Маҳалла боғлари"нинг ҳар бирига қўшимча 50 тупдан мевали ва манзарали дарахт ўтказилди. "Долзарб ойлик" доирасида, 359 та маҳалланинг ҳар бирига 500 тупгача, жами 103 минг 300 туп манзарали, мевали дарахтлар ҳамда бута кўчатлари қадалиб, "Маҳалла боғи" ташкил қилинди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида "Зиёлилар боғи", Чиноз туманидаги "Эҳтиром" маҳалласида "Оналар боғи" яратилди.

"Маҳалла еттилиги" аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиши орқали 184 мингдан ортиқ хонадонга 429 минг 760 туп мевали дарахтлар экилиши ташкил қилинди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## Ҳаракати чекланган, лекин мақсадлари эмас

"Боғистон" маҳалласида икки минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 156 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож: ногирон, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз яшовчи фуқаролардир.

**Сардор ЭРГАШЕВ,
Қуйи Чирчиқ туманидаги "Боғистон" маҳалласи ижтимоий ходими.**



Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан бундай юртдошларимизга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиляпти.

"Маҳаллабай" ишлаб, халқ ичига чуқурроқ кириб боришимиз жараёнида билдикки, аҳолининг эътирозлари тўғри экан. Ногиронлик нафақаси, бола пули олишда кўплаб таъмагирлик ҳолатлари юз берган. "Рози" қилишмаса, нафақа пулларини узиб қўйишган. Ҳақиқий ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлар қолиб, ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларга нафақалар ажратилган. Айрим ногирон фуқаролар ўз ҳуқуқларини яхши билмагани учун рўйхатдан ўчириб юборилган.

Бугун хонадонма-хонадон юриб, ҳақиқий ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни аниқлаб, уларнинг маълумотларини 104 та йўналиш бўйича "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритиб боряпмиз. Эътиборлиси, нафақалар тайинлаш инсон иштирокисиз амалга ошириляпти. Фуқаролар бирор буюм ёки хат-ҳужжат учун аввалгидек, туман марказига қатнаётгани йўқ, аксинча, биз, уларнинг хонадонига бориб хизмат кўрсатяпмиз. Даволанишлари учун йўлланмалар беріляпти. Ҳар шанба куни махсус тиббиёт ходимлари гуруҳини чақиртириб, ётиб қолган беморларни тиббий кўрикдан ўтказяпмиз. Бугун ҳар бир оиланинг шароити ўрганилиб, дам олиш сиҳатгоҳларига навбатма-навбат юбориляпти.

Ушбу тоифадаги фуқароларни даромадли қилиш — асосий вазифаларимиздан. Шу боис аксариятини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказиб, сартарошлик, тикувчилик каби йўналишларда бандлиги таъминланяпти. Уларга бепул юридик ва психологик ёрдамлар кўрсатиляпти. Яқинда ўтказилган психологик семинар-тренингдан сўнг тушкунликка берилган кўплаб фуқароларнинг ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқи ошди. Буни Наргиза Ўринбоеванинг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин.

Наргиза ёшлигидан тикувчиликка қизиққан, лекин ҳаёт йўли осон кечмаган. Оғир хасталик туфайли ногиронлик аравачасида ҳаракатланишга мажбур бўлди. Унинг оиласини ўрганиб, "Камбағаллик реестри"га киритдик. II гуруҳ ногиронлиги бўлгани учун ногиронлик аравачаси ва қўлтиқ ҳасса берилди. Наргизанинг ташаббуси қўллаб-қувватланиб, унга тикув машинаси олиб берилди. Энди у нафақат ўзининг, балки оиласининг ҳам даромад топишига ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда у тикувчилик билан шуғулланиш баробарида, бошқа аёлларга ҳам касб ўргатиш ниятида.

Ҳар куни ишдан қайтгач, қилган ишларимни сарҳисоб қилиб, эртанги режаларни тузаман. Бирор одамга заррача бўлса-да, ёрдам беролсам, кўнглим тоғдек кўтарилиб, ишимдан мамнун бўламан.



**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **4 миллион 144,7 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **19 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **1 062 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ТАШАББУС

## “ЁШЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛМАНГ, АВВАЛО, ТАЯНЧ БЎЛИНГ!”

Баъзан катта ёшдаги инсонлар билан суҳбатлашганимда, ҳозирги ёшлар китоб ўқимаслиги, интернет ва компьютерга қарам бўлиб қолганидан ёзғиришади. Тажрибадан биламанки, муаммони айтиш баробарида унга ечим кўрсатиш тўғри бўлади.

Шу маънода ёшлар муаммоси ҳақида гапирганда, фақат танқид билан чекланмаслик лозим.

Юртимизда бу борада ўзига хос тизим яратилиб, маҳаллада ёшлар етакчилари иш бошлагани айни муддао бўлди. Мен ҳам фаолиятимда имкон қадар ёшларнинг қизиқиши, интилиши, қобилиятини ўрганиб, шу соҳага йўналтиряпман. Ишсизларни ишга жойлаб, ўқиш истагидагиларни ўқишига кўмаклашяпман.

Юқорида ёшлар китоб ўқимай қўйганию, интернет ва компьютерга боғланиб қолганини кўп танқид қилинишини таъкидлагандим. Хўш, қайси биримиз мана шу муаммога ечим излаганмиз? Йигит-қизларга елка тутганмиз?




Ўрганишлардан билдимки, аксарият йигит-қизлар компьютер, ахборот технологияларига қизиқади. Имконият яратилса, зўр “IT”чилар етишиб чиқиши мумкин. Шу боис ҳудудда компьютер саводхонлиги, инглиз тили, математика тўгараклари ташкил этдик. Бугун бу даргоҳлар ёшлар билан гавжум. Бир мавсумда 55 нафар йигит-қиз бепул касб-ҳунар ўрганяпти. Муҳими, компьютер ёки телефондан мақсадсиз фойдаланмаяпти. Қизиқишни мақсадга айлантирдик. Бундан ташқари, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида спорт тўгараклари ташкил этганмиз. “Ҳарбий қисмда бир кун” лойиҳаси йўлга қўйилган.

Шу кунгача 51 нафар “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизга кўмак кўрсатдик. Жумладан, 14 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларга 10 йилга ижара асосида ер ажратилди. 3 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномаси тўловининг маълум миқдори тўлаб берилди. Беш нафарига асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари сотиб олиш учун субсидия тақсимланди.

Меҳнатларим беэътибор қолмади. 2024 йил “Ёшлар куни” арафасида Президент фармони асосида “Келажак бунёдкори” давлат мукофоти билан тақдирландим.

Қолаверса, “Йилнинг энг яхши етакчиси” кўрик-танловининг якуний босқичида ғолиблар сафидан жой олиб, 20 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландим. 2024 йилнинг II-чорагида “ТОП-100” ёшлар етакчилари рейтингидан ўрин олдим.

**Ҳайитбой ҲАСАНОВ,**
**Сўх туманидаги**
**“Сариканда” маҳалласи**
**ёшлар етакчиси.**

МИНБАР

# Ҳамжиҳатликдаги ҳаракат ҳали панд бергани йўқ



**Дилмурод АҲМЕДОВ,**
**Олтиариқ туманидаги**
**“Обод” маҳалласи раиси.**

Халқимизда бирлашган — ўзар, деган нақл бор. Дарҳақиқат, бирор ишни бажаришда барчанинг ҳамжиҳатлиги самарадорликка сабаб бўлади. Шу маънода бугун “маҳалла еттилиги” ходимлари ўзаро аҳилликда ишлаб, кўзланган натижага эришяпти. Мен ҳам маҳалла раиси сифатида ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда уларнинг имкониятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпман.

Жорий йил шу кунга қадар 25 та оила камбағалликдан чиқарилди. Миграциядан қайтган, эҳтиёжманд 12 нафар ишсиз ёш ва хотин-қизларга 9 гектар экин майдони ажратиб берилди. Янги корхоналар ташкил этилгани ортидан 124 та иш ўрни яратилди. 165 нафар фуқаро турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилди, камбағал оилаларнинг 3 нафар аъзоси субсидия асосида тикув машинаси билан таъминланди.

Ишсизлиги сабаб ижтимоий дафтарга киритилган 124 нафар ёш ва хотин-қиз ҳудудга яқин жойлашган “Hamza Expo Art Textile”, “Ҳожиакбар Асл Текст”, “Қадамча Плюс” масъулияти чекланган жамияти ва “Моҳларой Лазизбек Файз” хусусий корхонасига ишга жойлаштирилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 3,5 гектарлик маҳалла боғи ташкил этилди. 300 минг доллар хорижий инвестиция жалб этиш ҳисобидан “Тинчлик мева экспорт” корхонаси иш бошлади.

Ижтимоий ходим билан ҳамкорликда 32 нафар эҳтиёжманд фуқаро рўйхатга олинган. Шу кунга қадар уларга зарур кўмак кўрсатилди. Акбарали Комиловга ногиронлик аравачаси, Каримжон Қорабоевга протез оёқ олиб бердик. Эшитиш муаммоси бўлган икки нафар фуқаро махсус ускуна билан таъминланди. Мирзақобул Йўлбўлдиев, Маҳлиё Исомова, Дилноза Аҳмаджоноваларга бир марталик ёрдам кўрсатилди.

2024 йилда 78 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган эди. Уларнинг 69 нафари ишсиз бўлганди. Биринчи навбатда мана шу муаммога ечим изладик. 46 нафари ишга жойланди, 23 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Ҳудудда тадбиркор аёллар сафи ортиб боряпти. Ҳозиргача мавжуд 3 нафар тадбиркор аёлга 65 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. 5 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, 2 нафарига печь олиб бердик.

Маҳалладаги 1 457 нафар ёш билан ишлашда етакчи Муроджон Машрабов ташаббускор бўляпти. Шу боис ўтган йил давомида “Ёшлар дафтари”га киритилган 7 нафар йигит-қизга ёрдам кўрсатдик. Ёшлар ўртасида жиноятчилик содир этилмади.

Бунда профилактика инспектори билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этди. Ҳар ойнинг охирги пайшанбасида маҳалла фаоллари, имом-хатиб, отинойилар билан ҳамкорликда ижтимоий профилактика тадбири ташкил этганмиз.

Узоқ муддат хорижда бўлиб, яшаш манзилига қайтган фуқаролар билан “хонадонбай” ва “фуқаробай” ишлаяпмиз. Уларнинг 19 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида барча кўчаларга кузатув камераси ўрнатилган.

Маҳаллада солиқ ходими иш бошлагани оғиримизни енгил қилди. Молиявий мустақилликни таъминлади. Ҳозирда 692 нафар солиқ тўловчи субъект бўлиб, 2024 йилда 569 миллион сўм ер ва мол-мулк солиғи ундирилди. Жорий йилда “Маҳалла бюджети”га 40 миллион сўмдан кўп маблағ тушиши кутиляпти.

Бир сўз билан айтганда, бирор мурожаат, муаммо эгасиз қолмаяпти. Ўз ўрнида, тезкор ҳал этиляпти.

ИМКОНИЯТ

## Бекорчи одамни топмоқ муаммо

БУГУН “БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИ АНИҚ БИР ЙЎНАЛИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. БИЗ ҲАМ ШУ ТАШАББУС ОРТИДАН МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК.

Анъанавий равишда ҳудуд аҳолиси супурги етиштириш ва ясаб, сотиш билан шуғулланади. Эндиликда бу йўналишни кенгайтириш чораси кўрилди. Етакчи тадбиркорлар кўмагида хонадонларда супурги ишлаб чиқаришни ривожлантириш баробарида уни экспортга чиқариш йўлга қўйилди. Бу ишни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Олдиндан иссиқхона билан шуғулланиб келган, ишини кенгайтириш истагида бўлган фуқароларга имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, улар зарур кўчат, ўғит билан таъминланди. Момиқ матолар ишлаб чиқариш ўсиш нуқтамизга айланди. Ҳозир шу соҳада маҳсулотни экспортга чиқариб, 5 миллиард сўм даромад топаётганлар бор.




“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури орқали бир йил давомида 3 нафар фуқаро 455 млн. сўм кредит олди. 64 та иш ўрни яратилди. 130 нафар ишсиз фуқародан 13 нафар хотин-қиз ўқув марказларида ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Ҳудуддаги ташаббускор тадбиркорларни жалб қилиб, 5 млрд. сўм қийматидаги 90 та янги тадбиркорлик субъекти биринчи босқич қурилиш ишлари амалга оширилди. 2022 йилда 6 та тадбиркор бўлган. Ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди. Олтитаси экспортёр. Фуқароларга супурги ва момиқ мато хомашёси тарқатилиб, тайёр маҳсулот сотиб олинади. Натижада барча аҳолининг бандлиги таъминланган.

Маҳалладаги 20 та оилада асаларичилик кооперацияси ташкил қилинган. Бунинг натижасида жиноятчилик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланганмиз.

**Нурмат ҒОЗИЕВ,**
**Боғдод туманидаги**
**“Чекхитой” маҳалласи**
**ҳоким ёрдамчиси.**

ИБРАТ

# Синовларда синмаган аёл

ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ “ЁРМОЗОР” МАҲАЛЛАСИДА 6 800 НАФАР АҲОЛИ ЯШАСА, УЛАРНИНГ 3 335 НАФАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР. 2024 ЙИЛДА УЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ҚАЙД ЭТИЛМАДИ. 15 ТА ОИЛАНИ ЯРАШТИРИШГА ЭРИШИЛДИ.

**Мафтуна**
**МАМАСИДДИҚОВА.**



Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ҳамкорлигида 25 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга қайта ўқитилди, 7 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Улар ўзини ўзи банд қилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 19 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит ажратилди. 125 нафарининг расмий бандлиги таъминланди.

Улардан бири Мамлакат Тўраева бўлиб, тақдирнинг оғир синовига учраган. Қийин дамда маҳалла уни ёлғизлатмади. Турмуш ўртоғи ҳеч қандай сабабсиз оиласини ташлаб кетганида тўртинчи қизи ҳали дунёга келмаганди. Ҳеч нарсаси, ҳатто яшашга уйи бўлмаган аёлни меҳнатга ундаган имкониятлар, мамлакатимизда амалда бўлган кучли ижтимоий ҳимоянинг самараси, десак адашмаймиз. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси кўмагида Мамлакат опа оиласига хотиржамлик кириб борди.

Субсидия асосида унга битта тикув машинаси берилиб, қўшимча 10 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга яна иккита тикув машинаси сотиб олди. Тикувчилик курсида ўқиб, савдо дўконлари учун соябон тикишни бошлади. Аввалига қизлари билан буюртмаларни эгаларига етказиб бераётган эди. Иши кўпайган сари ишчи кучига эҳтиёжи ортди. Табиийки, бунда маҳалладаги вақтинча ишсиз аёллар кучидан фойдалана бошлади. Энди у “Аёллар дафтари” рўйхатида турган оддий уй бекаси эмас, 40 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаётган тадбиркор, тикувчилик корхонаси раҳбари. Топгани болалари эҳтиёжидан ортиб, хонадон тўкинлигини таъминлаяпти.



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**да 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 32,4 минг киши** доимий истиқомат қилади. Ҳудудда **13 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **531 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.





ЖАРАЁН

# Ишсизлар сони тўққиз баробарга қисқарди

Маҳаллани камбағаллик, ишсизлик ва ташқи миграциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

**Шерзод ЁҚУБОВ, Урганч шаҳридаги “Нурли ҳаёт” маҳалласи раиси.**

Маҳалланинг ўзида ўқув маркази ташкил қилиниб, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ишсиз фуқаролар нон ва нон маҳсулотлари, пишириқчилик, қандолатчилик, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда 24 хилдаги салатларни тайёрлаш бўйича ўқитиляпти.

Ҳозирги кунга қадар 694 нафар аёл ўқув марказда касб-ҳунарга ўқитилди. Шундан 568 нафари “Аёллар дафтари”, 11 нафари “Темир дафтар”, 21 нафари “Ёшлар дафтари” ҳамда 94 нафари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги аёллардир. Юқоридаги лойиҳанинг давоми сифатида маҳаллада фаолият юритиб келаётган тадбиркор Ғ.Абдуллаев ўз маблағи ҳисобига “Замин нонлари” корхонаси ва “Буюртмалар маркази”ни ташкил қилиб, ўқув марказини тамомлаган 25 нафар эҳтиёжманд аёл ва ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлади. Марказда “Call markaz” ташкил қилинган бўлиб, буюртмалар телефон орқали олинади. Маҳсулотларни тайёрлаш учун хомашёлар уй шароитида ишловчи ногиронлиги бўлган аёлларга етказиб берилади. Тайёр бўлган маҳсулотлар етказувчилар ёрдамида буюртма эгаларига элтиб берилади.

“Буюртмалар маркази”га келиб тушган буюртмаларни таёрлашга маҳаллада кўп қаватли уйларда яшовчи, “Аёллар дафтари”даги 12 нафар *(шундан, 2 нафари ногирон)* эҳтиёжманд аёллар жалб қилинган бўлса, тайёр бўлган маҳсулотларни юк ташувчи сифатида ишга олинган, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 8 нафар оила бошлиқлари электро скутерлар ёрдамида тарқатади.



**Маълумот учун,** уйда ишловчи 12 нафар аёллар муқаддам ёлланма ишчи сифатида ишлаб ойига 1,2 млн. сўмдан даромад олиб келган бўлса, марказга ишга жойлашганидан кейин ҳар бирининг даромади ойига ўртача 4-5 млн. сўмни ҳамда юк ташувчиларнинг даромади 5 млн. сўмни *(муқаддам 1,8 млн. сўм бўлган)* ташкил этмоқда.



Бундан ташқари, маҳалладаги кўп қаватли уйлар ертўлалари хатловдан ўтказилиб, бўш турган 27 та ертўла тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 10 нафар тадбиркор, 13 нафар фуқаро ва “Аёллар дафтари”га киритилган 4 нафар эҳтиёжманд аёлга ажратиб берилиши натижасида 193 та янги иш ўрни яратилди. Фуқаролар ушбу ертўлаларда қўл меҳнати билан совундан саватли гуллар ясаш, қўзиқоринчилик, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, компьютер хизматлари, тикувчилик, ҳар хил турдаги безаклар ясаш ҳамда логистика марказини ташкил этиб, фаолият юритяпти.

**Мисол учун,** ушбу маҳаллада яшовчи О.Комилжонова муқаддам Россия давлатида ишлаб келган, 2-гуруҳ ногиронлиги бўлгани сабабли уйда ишсиз қолган эди. Унга ертўладан жой ажратилиб, кўрпа-ёстиқ тикиш, сувенирлар ясаш ва бошқа фаолият билан шуғулланиши учун шароит яратилди. Натижада оилавий даромади сезиларли даражада ошиб, 7 нафар шогирд тайёрлади.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида маҳаллада 101 та тадбиркорлик субъектида 436 нафар иш ўрни яратилди. Натижада маҳаллада ишсизлар сони 395 нафардан 43 нафарга (9 баробарга), ижтимоий нафақа олувчилар 153 нафардан 52 нафарга (3,6 баробарга), хорижга ишлашга кетганлар 200 нафардан 119 нафарга (59,5 фоизга) камайди.

ТАЖРИБА

# “ТАЖРИБАМИЗ ҚЎШНИ МАҲАЛЛАЛАРДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТЯПТИ”

**“Мевазор” маҳалласи Уйчи тумани тажрибаси асосида иссиқхона, балиқчилик, паррандачилик ва чорвачилик йўналишларига ихтисослаштириляпти. Асосий “драйвери”миз – хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришдир.**



**Ҳасанбой ИБОДУЛЛАЕВ, Урганч туманидаги “Мевазор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Бугунги кунда ҳудудда автомобилларга сервис хизматлар кўрсатиш шохобчалари, мебель, сут, турли қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритяпти. Хонадонларда иссиқхоналар ташкил этилиб, помидор, бодринг, қулупнай ва турли кўкатлар етиштириляпти. Ўтган йили Жабберган Машарипов имтиёзли кредит олиб, 1 200 кв. метр майдонда иссиқхона ташкил этиб, бодринг етиштиришни йўлга қўйди. У “Green haus” корхонасини ишга тушириб, нафақат сотиш билан, балки бодрингни қайта қадоқлаб, экспорт қиляпти. Эндиликда у иссиқхонасини кенгайтириб, қишин-ёзин элимиз дастурхонига сархил бодринг ва ундан қайта ишланган маҳсулотларни етказиб бериш ниятида.



Аҳолини тадбиркорликка йўналтириш орқали ишсизликка барҳам бериляпти. Ўтган йили “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида 100 млн. сўмдан имтиёзли кредитлар ажратилиб, 30 дан зиёд юридик корхона ташкил этилди. Шу тариқа ишсизлик 30 фоизга камайди. Жорий йил ўтказилган хатлов натижасида 185 нафар ишсиз фуқаро аниқланиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида Бандлик дастури ишлаб чиқилди.

Албатта, дастлабки йилларда айрим фуқаролар имтиёзли кредитлар олиб, молиявий ва ҳуқуқий билими етарли бўлмагани учун маблағларни бизнесга эмас, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборишди. Шу боис аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва тажрибаларини ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этилиб, зарур тавсиялар беріляпти. Улар учун маҳалланинг ўзида бухгалтерия ва колсалтинг маркази, ягона дарча, аудит, микромолия ва нотариус хизматлари йўлга қўйилди. Ҳозир тадбиркорнинг бир ойда битадиган иши бир кунда ҳал бўляпти. Натижада тадбиркорлар сони ортиб, 450 нафарга етди. Ўттиздан ортиқ йирик тадбиркорнинг ўзидан 4 млрд. сўм солиқ тушуми ундириляпти.

Бугунги мевазорлик тадбиркорларда маҳсулотларини кимга ва қаерга сотсам экан, деган хавотир йўқ. Чунки уч нафар маҳалладошимиз экспорт билан шуғулланади. 300 га яқин тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринлари яратиш учун имтиёзли кредит ва солиқ имтиёзлари беріляпти.

Қувонарлиси, иш тажрибаларимиз қўшни маҳаллаларда ҳам катта қизиқиш уйғотяпти. Шу боис улар бизнинг тажрибамизни ўрганиб, зарур ёрдамларни олишяпти.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

# Гўшт ва сут маҳалланинг ўзида қайта ишланади

**“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЙИҒИНЛАРГА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ БИРИКТИРИЛГАЧ, ЭНГ ҚУЙИ ТИЗИМ – ҲАР БИР ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА ХОНАДОНГА КИРИБ, УЛАРНИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР ҲАҚИДА ХАБАРДОР ЭТЯПМИЗ.**



Олдин фуқаролар оддий тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ идорасига қатнаб, вақтини, нақдини кетказиб юрарди. Ҳозир ҳар куни маҳаллаларда кўчама-кўча юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган ҳар бир саволига жавоб беряпмиз. Аҳолига мол-мулк ва ер солиқларини ўз вақтида тўлашларини айтиб, унинг 10 фоизи “маҳалла бюджети” ҳисобида қолишини, ушбу маблағлар эвазига йиғинларни обод қилиб, хавфсиз муҳит яратилишини тушунтиряпмиз. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди.

Ҳар икки маҳалла туман марказига ёндош ҳудудда жойлашган. “Янги турмуш” маҳалласи аҳолисининг 90 фоизи чорвачилик билан шуғулланиб, хонқаликларга гўшт ва сут етказиб беряпти. Ҳар бир хонадонда 10 тагача қорамол бор. Гўшт ва сутчиликка ихтисослашган 8 та чорва фермер хўжалигида 50 тагача қорамол боқиляпти.

“Ширин” маҳалласи кўчатчиликка ихтисослашган бўлиб, хонадон эгалари томорқаларида бодринг, помидор, булғар қалампири каби сабзавот кўчатларини етиштириб, туманнинг барча ҳудудларига буюртма асосида етказяпти. Ушбу маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган 1 167 нафар фуқаронинг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик, тикувчилик, пишириқчилик йўналишларида расмий даромадга эга.

**Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 5 нафар тадбиркор фаолияти қайта тикланди. Ноқонуний ишлаётган 11 нафар фуқаро фаолияти расмий рўйхатдан ўтказилди.**

Қувонарлиси, мазкур маҳаллаларда иш бошлаганимдан буён тадбиркорлар сони 35 фоизга ортиб, солиқ тушумлари 28 фоизга ошди. Айни пайтда менга бириктирилган маҳаллаларда 59 та юридик корхона, 14 та фермер хўжалиги, 8 нодавлат нотижорат ташкилоти, 123 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 1 335 та деҳқон хўжалиги, 92 нафар декларация асосида солиқ тўловчи бор. Жорий йилнинг шу кунига қадар учта бўш турган объект ишга туширилиб, 6 та янги иш ўрни яратилди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 5 нафар тадбиркор фаолияти қайта тикланди. Ноқонуний ишлаётган 11 нафар фуқаро фаолияти расмий рўйхатдан ўтказилди. 8 та корхонада ишлаётган ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижасини кўрсатяпти. Эндиликда маҳалланинг ўзида гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини ташкил этамиз. Бунинг учун шароит ва имкониятлар мавжуд. Шунда тадбиркорлар сони ортиб, янги иш ўринлари яратилади. Ўз навбатида, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб, “маҳалла бюджети” ортади.

**Раҳмонберди БОБОЖОНОВ, Хонқа туманидаги “Ширин” ва “Янги турмуш” маҳаллалари солиқ инспектори.**

БАЙРАМ ШУКУҲИ

# ХОРАЗМ ЁШЛАРИ МИЛЛИЙЛИКНИ ҚАДРЛАЙДИ

**Хоразм вилоятида миллийликни тарғиб қилиш, миллий маданиятни асраб-авайлаш, ўзбек халқининг бой меросини ёш авлодга етказиш, шунингдек, вилоят ҳаётида миллий анъаналарнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган “Хоразм – ёшларни севади” фестивали қизғин давом этяпти.**

Урганч шаҳрида бошланган мазкур фестиваль миллий либослардаги ёшларнинг юришлари билан ўзгача шукуҳ касб этди. Амир Темур номли истироҳат боғида давом этган тадбирда сумалак сайли, “Бекасам – 2025” миллий либослар кўргазмаси, миллий халқ ўйинлари ривожланиб бораётган замоннинг ёшлари эъзозлайдиган қадриятлар эканини кўрсатди.

Сумалак тайёрланаётган дошқозон атрофига йиғилганлар бу тансиқ таомни тайёрлаш жараёнида эзгу ниятлар билан қатнашишган бўлса, Ёшлар ишлари агентлиги ишлаб чиққан иловалар тарғиботи, “Келажак экспо” ёшлар бизнес марафони, миллий таомлар ва ҳарбий ватанпарварлик фестивали ҳамда шахмат мусобақалари иқтидорли ва ташаббускор ёшларнинг ғоялари билан ўртоқлашиш муҳити бўлди.

Ёшлар байрами Хонқа туманидаги Халқлар дўстлиги кўчасида давом этиб, Ҳожихон Болтаев номли маданият ва истироҳат боғида миллий таомлар беллашуви, халқ ўйинлари, бўш иш ўринлари ярмаркаси, спорт мусобақалари каби ўндан ортиқ лойиҳалар ўтказилди.

*– Фестиваль менга жуда ёқди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида кўплаб лойиҳаларда иштирок этиш мумкин. Мен учун Ёшлар ишлари агентлиги ишлаб чиққан турли платформа лойиҳалар тарғиботи қизиқ бўлди. “Ustoz Ai” иловаси орқали мен каби мактаб битирувчилари замонавий касблар ва фанлардан қўшимча дарслар олиб, олий таълим муассасаларга ўқишга киришга тайёрланиши мумкин экан,* ***– дейди фестиваль иштирокчиси Шамшодбек Машарипов.***



Хоразмлик ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланган мазкур фестиваль март ойи якунига қадар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилиб, ўндан ортиқ лойиҳалар ўтказилади.

**Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.**

**АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ** трансфер нархи 35 миллион евро бўлган ўзбекистонлик илк футболчига айланди.



**КУРАШ:** Бухорода Президент совриниучун "Имом ал-Бухорий" хотира турнири ўтказилади.





**ФУТБОЛ:** Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичида Қирғизистонни 1:0 ҳисобида мағлуб этди.



ШУКУҲ

**Қибрай туманидаги "Навбаҳор сиҳатгоҳи мажмуаси"да Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**



# Сиҳатгоҳда сумалак сайли

"Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" шиори остида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг ҳудудий бошқармалари вакиллари, "маҳалла еттилиги" аъзолари, сиҳатгоҳда ҳордиқ чиқараётган юртдошларимиз иштирок этди.



*— Бу йилги байрам тадбирлари шаҳар ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказилди,* ***— дейди "Навбаҳор сиҳатгоҳи мажмуаси" ижрочи директори Баҳодир Шоимов.*** *— Айниқса, бу йилги Наврўз айёми муқаддас Рамазон ойида нишонланишини халқимиз мўл-кўлчилик ва бараканинг рамзи сифатида ўзгача қувонч билан кутиб олди. Байрам тадбирида иштирок этган қайси бир юртдошимиз билан суҳбатлашманг, уларнинг қалбида шукроналик, ҳаётдан мамнунлик, обод юртидан фахрланиш туйғулари жўш ураётганини англаш мумкин.*

Байрам сайлида дошқозонларда халқимизнинг шох таоми — сумалак тайёрланиб, қатнашчиларга, меҳмонларга тарқатилди.

ШУКРОНА

# НАВРЎЗ — миллий қадриятлар тантанаси

Баҳор — яшариш, янгиланиш, тетиклик, руҳий уйғониш ва бирдамлик фасли. Бани башар уни ҳар гал ўзгача хурсандчилик, қувноқлик, шоду хуррамлик билан қарши олади. Баҳор айёми — Наврўзнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилиши замирида ҳам чуқур маъно бор.

Шарқона янги йил ҳисобланган Наврўзи олам асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида элюртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида беқиёс ўрин ва аҳамиятга эга. У нафақат миллий қадриятларимиз намойиш этиладиган, намоён бўладиган байрам, балки кўп миллатли жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, бирдамлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Байрам "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда ташкил этилди.



Бу йилги Наврўзнинг яна бир ўзгачалиги шундан иборатки, у муқаддас Рамазон ойида нишонланди. Шу боис маҳаллалар, идора ва корхоналарда меҳр-оқибат, саховат ва мурувват тамойилларига амал қилиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига иззат-ҳурмат кўрсатилди, улар ҳар томонлама эъзозланди.

Юртимизнинг барча гўшаларида Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда Президентимизнинг 2024 йил 21 июндаги "Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида институт жамоаси Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда жойлардаги маҳаллалар, мактабларда "Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти" мавзусида тарбия ҳафталикларини ўтказмоқда. Ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги билимини оширишга қаратилган "Намунали ота-оналар мактаби" лойиҳаси амалга ошириляпти.



**Холбой ИБРАГИМОВ, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори, педагогика фанлари доктори, академик.**

Шунингдек, ўқувчиларда "ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет"ни шакллантиришда "мактаб — ота-она — маҳалла" ҳамкорлигини яратиш бўйича илмий асосланган ўқув ва оммабоп услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ёшлар ўртасида миллий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш, Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудудда уни нишонлаш билан боғлиқ удум ва анъаналар кенг тарғиб қилиняпти.

# БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

**Карим БАДАЛОВ. Қашқадарё вилояти:**

***— Одамлар орасида "балоғатга етмаган ёш боланинг яхши амаллари савоби ота-онасига ёзилади", деган гап бор. Шу тўғрими?***

## ЁШ БОЛАНИНГ САВОБИ ОТА-ОНАСИГА ЁЗИЛАДИМИ?

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:**

— Бу ҳақда "Эълоус сунан" китобида шундай дейилади: *"Тўрт мазҳаб имомлари ёш бола қилган тоатлари учун савоб олиши ва бу учун унга яхшиликлар ёзилишига иттифоқ қилишган. Аммо унинг савоблари фақат ўзига бўладими ёки унинг ажри камаймаган ҳолда, ота-онасига ҳам ёзиладими, деган масалада турли фикр айтиб, далиллар келгани учун иккинчи фикр (ота-онага ҳам савоб бўлиши)ни устун кўришган".*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари ҳам буни қўллайди: **"Инсон вафот этганда унинг амали тўхтайди, фақат уч нарса туфайли унинг номаъи аъмолига савоб ёзиб турилади: садақаи жория, фойдали илм, дуои хайр қилувчи солиҳ фарзанд"** (Имом Муслим ривояти).

Демак, ҳар икки қарашга кўра ҳам фарзандларини яхшиликка йўллаган, чиройли таълим-тарбия берган ота-оналар савоб оладилар, Аллоҳ таолонинг фазли кенгдир.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

***Юртимизда байрамлар кўп, уларни, одатда, оила, дўстлар даврасида ўтказамиз. Бу жараёнда тўкин дастурхон безатилиб, турли ноз-неъматлар, сархил таомлар тортилади. Соғлом турмуш тарзини одат қилган киши байрам дастурхонида тўғри овқатланиш қоидаларини ҳам билиши керак. Қуйида шулар ҳақида маълумот берамиз.***



# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИДА ҚАНДАЙ ТАОМ ТАНАВВУЛ ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Дастурхон нечоғлик тўкин бўлмасин, **бирданига кўп овқат еб қўйманг**, ҳар бир овқатни кам-камдан енг. Қуюқ овқатлардан олдин **сабзавот ва мевалардан тайёрланган салатлар** енг, бу иштаҳангизни жиловлаб, кўп еб қўйишдан сақлайди. Овқатни кўкатлар, хом ҳолдаги сабзавот *(масалан сабзи, карам ва турп ва ҳ.к)* ҳамда мевалардан тайёрланган салатлар билан қўшиб истеъмол қилсангиз, ҳазм бўлиши осонлашади.

Овқатлар оралиғида **олма шарбати** ичиб туринг. Истеъмол қилинаётган овқат маҳсулотининг **ҳарорати меъёрда** бўлиши лозим, таомни ўта иссиқ ва совуқ ҳолда истеъмол қилиш организм учун зарар ҳисобланади. Иссиқ овқатлар оралиғида **кўк чой ичинг**, зинҳор иссиқ овқат билан муздек ичимлик ичманг, акс ҳолда ҳазм бўлиши қийинлашади.

Ҳар бир овқатланиш оралиғида **ҳаракатда бўлиш, ўтириб қолмаслик, хоналарда юриш ёки бироз пиёда сайр қилиб келиш,** ейилган овқат ҳазм бўлгандан сўнг бошқа таомлардан тановул қилиш мумкин.

Агар байрам куни дастурхонда хамирли овқатлар ёки ёғли, қовурилган овқатлар бўлса, аввало, **меъёрни унутманг,** уларни қатиқ ва қатиқли салатлар, ошкўклар билан енг ва албатта, кўк чой ичиб, ҳазм бўлгунча кутинг, устига бошқа овқат аралаштирманг.

Байрам куни кўпроқ **ёғсиз гўштлардан тайёрланган овқатлар** бўлгани маъқул. Парҳезбоп ҳисобланган товуқ гўштидан фойдаланинг.

Дастурхонга **мевали торт** танланг ва калорияси паст бўлган ширинликлардан қўйинг. Чунки ширинликларга ружу қўйиш ошқозон ости безини зўриқтиради, оқибатда қандли диабет деб аталмиш оғир касаллик ривожлана бошлайди. Барча истеъмол қилинаётган овқат маҳсулотлари тоза, муддати ўтмаган ва етарли даражада техник қайта ишловдан ўтган бўлиши керак.

Таомларни иложи борича **бир кун ичида тайёрлаб,** истеъмол қилиш ўринли. Чунки қайта иситиб ейилган овқатнинг организм учун фойдаси кам бўлади. Бундан ташқари, байрам куни зўриққан ошқозон-ичакларда янада зўриқиш кузатилиб, нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Байрам дастурхонидаги шўр бодринг, тузламалардан ўзингизни тийинг. Сутка давомида истеъмол қилинадиган ош тузининг умумий миқдори бир чой қошиқдан ошмаслиги керак. Ош тузини кўп истеъмол қилиш кўриш жараёнининг бузилишига, қон босимининг ошиб кетишига ва буйрак хасталикларига сабаб бўлади. Таом пиширишда фақат йодланган ош тузини ишлатиш зарур.

*Байрам кунлари ўзингизни соғлом ва енгил ҳис этиб, тетик ва бардам юришни истасангиз, албатта, овқатланиш тартибига, сифатига ва меъёрига қатъий риоя қилинг!*

**Ҳилола ЖАМИЛОВА, олий тоифали шифокор.**

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

ISSN 2010-7013

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 550 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.